



АДАБИЙ ДОРИЛФУНУН

Ҳар бир мамлакатнинг келажаги шу мамлакат ёшларининг маънавий қиёфаси қандай шаклланаётганлиги билан белгиланади. Ўз ёшларининг дунёқарашини теран, эътиқодини мустаҳкам қилиб тарбиялайдиган, истеъдодларининг қадрига етадиган, уларнинг илмий, ижодий, ижтимоий фаоллигини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайдиган мамлакатнинг истиқболли порлоқ бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Шу маънода Республикамиз раҳбариятининг ёшларга кўрсатиб келаётган муттасил ғамхўрлиги ўз ижобий натижаларини бермоқда. Турли ижодий уюшмалар, вазирликлар, жамғармалар ва вилоятлардаги муттасадди ташкилотларнинг бу эзгу ишга фаол иштироки, амалий ёрдами ёш истеъдодларнинг кашф этилишида катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган “Зомин мактаби” Республика ёш ижодкорлар семинари адабиётга, бадиий ижодга эндигина қадам қўйиб келаётган истеъдодларни излаб топиши, уларни миллий маънавиятимизни янада юксалтиришига сафарбар этишининг ўзига хос дорилфунунига айланиб бормоқда.

Шу йилнинг 6-8 август кунлари Зомин туманининг Ўрикли мавзеида жойлашган “Сайқал” оромгоҳида ана шу анъанавий ижодий семинар учинчи бора ўтказилди. Семинар 6 август куни Жиззах шаҳрида очилди. Жиззах вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев мазкур семинар анъанавий тус олганлигини таъкидлаб, уни ўтказиб боришида вилоят ҳокимияти ҳар томонлама ёрдам беришига тайёр эканлигини билдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов мазкур семинарнинг амалий аҳамияти ҳақида гапириб, аввалги семинарларда ажойиб истеъдодлар кашф этилганлигини таъкидлади ва ушбу учинчи семинардан ҳам катта умид қилинаётганлигини айтиб ўтди.

7-8 август кунлари семинар “Сайқал” оромгоҳида ўз ишини давом эттирди. Унинг ишига Ўзбекистон Халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов ва Муҳаммад Юсуф, шоир ва ёзувчилардан Абдуқайюм Йўлдошев, Умида Абдуазимова, Музаффар Аҳмедов ва бошқалар раҳбарлик қилишди. Дастлабки тўпламлари билан китобхонларга катта умидлар ваъда этаётган Шамсия, Гўзал Бегим, Дилбар Донабоева билан биргаликда Иброҳим Маҳкам, Ёнгин Мирзо, Мақсуд Асад каби истеъдодли ёшларнинг гўзал ашъори семинар иштирокчиларини жуда хушнуд этди. Қорақалпоқ ёш шоирлари Бердегалий Дабиров, Баҳамдилло Абдуллаев ижоди ушбу халқ адабиётининг келажаги ишончли қўлларда эканлигидан далолат беради.

Наср кенгаши ҳам жуда қизгин баҳс-мунозаралар, муҳокамаларга бой бўлди. Умуман, ёш ижодкорларнинг ҳикоячилик билан бир қаторда роман, қисса каби йирик жанрларга далил қўл ураётганлиги диққатга сазовордир. Сурхондарёлик Маягўзал Чориева, навоийлик Дилрабо Йўлдошева кабиларнинг асарлари ушбу анжуманнинг ўзига хос янгилиги бўлди.

Ушбу семинарни Улугбек номидаги ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Амир Темури номидаги халқаро хайрия жамғармаси, Жиззах вилоят ҳокимлиги қизгин қўллаб-қувватлаб, унинг ишини ўз вакиллари иштирокида кузатиб борди ва анжуман якунида совриндорларга ўз мукофотларини топширишди.

Яқиний йиғилишида бу семинарнинг муттасил ўтказиб турилиши ёшлар истеъдодини тарбиялаш, бу истеъдодни Ватан ва халқ хизматида йўналтириш борасида улкан аҳамият касб этиши яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Усмон КҮЧҚОР





Маягўзал ЧОРИЕВА - 1975 йил Сурхондарё вилоятининг Жўйжангал қишлоғида тугилган. Андерсен эртакларини, Камю, Кафка, Маркес, Булгаков, Айтматов, Толстой, Достоевский... асарларини севиб ўқийди. Ҳозирда "Сурхон тонги" газетасида адабий ходим бўлиб ишлаб келмоқда.

УМИД ЧЎҒИ

Маягўзал ЧОРИЕВА олий илм даргоҳида адабиётдан махсус билим олмаган. У юрагига тинчлик бермайдиган туйғуларини қозоғза тушириб, заҳматли ижод йўлига кираётган, ўзига гоҳат машаққатли бир касбни танлаб олаётган қиз.

Тўғри, чинакам ижод намуналарини яратиши учун у ҳали сўз устида кўп ишлаши, руҳий кечинмаларнинг изчиллигига, гоҳвий мақсадга бўйсиндирилишига, асар тузилишига алоҳида эътибор бериши, ёзиш маҳоратини такомиллаштириши зарур.

Бироқ Маягўзалнинг ҳозирги машқларини ўқир экансиз, қутилмаган бадий мушоҳада қилишга, оригиналликка интилишни ҳис қилиб севинасиз. Унинг қалбидаги чўғ юрагингизга, руҳиятингизга юқади, мушоҳада қила бошлайсиз. Бу ҳолатнинг ўзиёқ Маягўзалнинг келажагига умид билан қарашга ундайди. Шунинг учун ҳам Маягўзалга жуда сермашаққат ижод йўлида муваффақият, омад ёр бўлишини истаيمان ва у ана шу заҳматдан чўчимай гўзал ижод намуналари яратади, деб ишонгим келади. Оқ йўл тилайман, синглим Маягўзал.

Туроб МАКСУД

МЕҲР БОЗОРИ

Ит эгасини, мушук бекасини танимайдиган гавжум бозор. Жаҳолат, ёлгон тўла қоқларни елкалаб олган одамлар, бир-бирини уриб-суриб тепкилаб, фақат олдинга интилишади. Бозорнинг бошидан адоғига чўзилиб кетган икки томондаги расталар ёлгон, хиёнат, ҳасад, гийбатлу жаҳолат каби молуматолар билан лик тўла. Раста ортидаги гоҳи бўзрайган, гоҳ ялтоқланган башарали сотувчилар кўллари-кўлларига тегмай савдо қилиш билан банд. Айримлари эса молига харидор чорлайди.

- Кеп қолинг, оп қолинг, ёлгоннинг энг сўнгги нухаси... Бунақасини тополмайсиз. Кам қолди, арзон қиламан...

- Энг зўр гийбатлар фақат бизда топилади. Келинг, сиз учун сув текинга бераман...

- Жоҳилликнинг энг лаҳм жойидан тортаман! - қассобхона туйнугидан бошини чиқариб томоғи йиртилгудек бақиради қассоб.

- Хиёнатни тош босгандан оғирроқ қилиб бераман...

- Ҳаёсизликнинг таҳи бузилмаган энг зўр турларидан топилади. Сотаману кетаман, кеп қолинг...

Хуллас, турфа моллар билан тўлган бозорнинг бақир-чакири ҳам ўзига яраша. Расталар ёнида узок қолиб, тентираб юрган бир аёл безрайган сотувчиларга тикилиб, алланималарни сўрайди. Бу харидорга эса деярли ҳеч ким парво қилмайди.

- Сизда озгина меҳр топилмайдими? - синиқ овоз билан сўрайди аёл.

- Бўлмагур гаплар билан бошимни оғритма, нари тур, - қассобхона туйнугидан бошини кўрсатиб, аёлни жеркиб ташлайди, жоҳилликни мўмайгина пуллаётган қассоб.

Аёл сўлғин қиёфада оҳиста илгарилайди. Бепарволик, ҳақорат сотилаётган расталар ёнида тўхтабди.

- Пулим жуда кам қолганди, сизда мана шу чақаларимга яраша меҳр топилмайдими, - сўрай бошлайди у.

- Бу чақаларинга ҳатто балонинг уругини ҳам беришмайди-ю, сен эса энг камёб мол - меҳр олмоқчимисан, - дейди пинагини бузмай бепарволик молларининг эгаси - безрайган сотувчи.

Аёл одамлар орасидан зўрға илгарилаб бораркан, сотувчиларнинг юзларига узок тикилиб қолади. Уларнинг башараларидан фақат совуққонликни укса-да:

- Томчигина меҳр топилмайдими? - дея яна сўрайди кўзлари жавдираб.

- Кеча бир телба ҳаё билан андишани излаб-изғиб юрганди. Буниси бугун меҳр тиланади. Шу одамларда ҳам фаросат қолмади-ей, бозорга чиқибсанми, демак пулинга яраша матоҳ излагин-да. Арзимаган чой-чақага меҳр олмоқчилар, - оғзидан кўпик сачратиб жаврайди ҳақоратни кўли-кўлига тегмай пуллаётган хотин.

- Хой, опа, хой менга қаранг, - чақиради уни кўзлари

ўйноқлаб турган, олдига қаллобликни мўл қилиб уйиб қўйган йигит, - мен ҳақиқатни сотаман. Уни ўша чой-чақангизга оласизми? Башараси жуда хунук бўлса-да, барибир ҳақиқат-да.

- Ҳақиқат ўзимда ҳам бор, - дейди аёл соддалик билан тўрвасидаги жуда даҳшатли кўринишдаги матоҳни олиб кўрсатиб, - менга фақатгина самимий меҳр керак.

- Йўқол ҳақиқат-пақиқатинг билан! - ўшқиради қаллобликни алдаб пулламоқчи бўлган йигит аёлнинг кафтидаги ҳақиқатга тик боқолмай. - Тезроқ йўқот деяман сенга. Бўлма-са, молларим касодга учрайди.

Аёл ҳақиқатнинг юзига тик боқолмай, чинқираётган сотувчига хайрон тикилиб илгарилайди.

- Менга меҳр керак эди, - кафтидаги чақаларни масҳара ва таҳқирларни пуллаётган сотувчига узатиб, умидвор тикилади у.

- Вой аҳмоғ-ей, сен қаердан топила қолдинг. Менга қара гадоёвчача, ўзингни ким деб ўйлаясан. Сен ялангоёққа меҳр керакми? - сотувчи бармоғи билан аёлни одамларга кўрсатганча масҳаралаб кула бошлайди. - Мана буни қаранглар, мияси айниб қолибди. Ўзини ким деб ўйлаяпти. Унга меҳр керак эмиш. Ҳа-ҳа-ҳа...

Аёл таҳқирлашлардан хўрлиги келиб, алами томоғига тикилганча кўз ёши қиладди.

- Эй худо, бозорда меҳр-оқибат, садоқат ҳам топиладими? Наҳотки, меҳрни пулимга ҳам сотиб ололмасам...

- Меҳр жуда қимматга сотилади. Бунинг устига, жуда камёб бўлгани учун фақат раста ортига яшириб сотишади, - дейди гийбатларни ғириллатиб пуллаётган сотувчи. - Маслаҳатим учун ҳақ тўланг.

Аёл ўзига безрайганча тикилиб турган сотувчига кўлидаги сўнгги чақаларни ноилоҳ узатиб, кўзлари тиниб, боши айланганча, хафахол қиёфада бозорни тарк этади. Ёлгоннинг, гийбатнинг, хиёнатнинг... сотувчилари унинг ортидан ўкрайганча қараб қолишади. Аёл кўп изғиб, тентираб юриб, меҳр бозори рўпарасидан чиқиб қолганини сезмай қолади. Тасодифан бозор пештоқига кўзи тушиб, яна кўнгли чўқади.

- Эй худо, сўнгги чақаларимдан ҳам айрилиб, кечикиб етиб келдим меҳр бозорига. Энди қайси пулимга меҳр оламан. Яна шўппайиб қуруқ қоладиган бўлдим...

У чўчибгина бозор ичкарисига одимлайди. Бу ер гўё жаннатнинг бир бўлагига ўхшарди. Одамларнинг лаблариди табассум. Сотувчию харидорлар фақат ширин каломлар-ла сўзлашиб, бир-бирига меҳр улашади.

- Олаверинг, тортинманг шу меҳр сизга ҳадя бўлсин, - дейди бир сотувчи тортинчок харидорга илтифот қилиб. - Бизнинг ўртамызда қарз-пул деган гап-сўзлар уят, ахир...

- Вой, опаюн, мусофирга ўхшайсиз. Бизнинг юртларга қайси шамол учирди? - меҳр излаб, термулиб турган аёлдан сўрайди меҳрни тахлаётган сотувчи йигит.



- Меҳр излаб келдим, - дейди аёл кимтинибигина. - Аммо етиб келмасимдан пулим тугаб қолди...

Аёлниги сўзларини эшитган раста ортидаги сотувчилару, ҳатто, харидорлар ҳам унга меҳр улаша бошлайдилар. Аёлниги кўзи қувончга тўлиб, уларга миннатдорчилик изҳор этади.

- Бу яхшиликларингизни қандай қайтаришни ҳам билмай гангиб қолдим. Раҳмат сизларга, одамлар... Нима қилсам, қарзларим узилади, - мўлтираб тикилади аёл.

- Биз сиздан ҳеч нарса умидвор эмасмиз. Фақат тилагимиз: мана шу меҳр бозоридан истаганингизча меҳр олинг-да,

унга зор кишиларга улашиб юринг. Кимлардир бизнинг бу ҳақиқат устунларидан тикланган бозоримизга шафқатсизлик, риёкорлик каби матоҳларни киргизмоқчи бўлса, унга сира йўл қўйманг. Қўлингиздагини ҳар қандай вазиятда ҳам арзон-гаровга пуллаб юборманг. У доим сизнинг виждон мулкнингиз билан бир жойда турсин. Ўшанда сиз бизнинг ҳақиқий харидоримизга айланасиз...

... Эшитишимга қараганда, ўша аёл ҳамон меҳрни текинга улашиб юрган экан. Фақат унинг харидорлари ҳам ўша камёб мулкнинг қадрига етадиган кишилар бўлсин, ишқилиб.

ТАСАВВУРДА ТУҒИЛГАН ЭРТАК

Бу олам катта-кичик, гоҳи бир-бирига ўхшаш, гоҳ мутлақо ўхшамайдиган мазмунли, мазмунсиз, жилди ялтирок, ичи қалтирок, баъзи бирлари эса кичкинагина бўлса-да, ғиж-ғиж ҳикматга тўлган, суратли-суратсиз китоблардан иборат эди.

Ёзилиб босмадан чиққандан буён бирор маротоба варақлаб кўрилмасдан, саргайиб чанг босган, айримлари эса ўқилавериби, титилиб кетган... Бир хил китоблар шунчалик машҳур эдики, одамлар уларни қўлдан қўймай, авайлаб-асрашарди. Айримлари ҳашаматни ўлгудек севишарди. Ўзларига ҳам роса зеб берилган бўлиб, улар ҳашамдор хонадонларгагина насиб этарди.

- Мен буюкман, жуда ҳам буюкман! - дерди семиз бир китоб манманлик билан.

Унинг ёнида турган озғинроғи эса:

- Кўрмаяпсизларми, мен буюклар билан бир қаторда турибман, - дея гердаярди.

- Дунёдаги ҳар бир сўзнинг маъзини чақа оламан, - мактанарди бошқа бири.

Улар билан ёнма-ён эса ғаройиб бир китоб кимтинибигина яшарди. У дўстларининг мактанчоқлигидан ҳайратланар, ўзининг кўп сирларини билмаслигидан ўкинарди.

- Намунча ўзларингизга бино қўймасаларингиз? - дерди у

баъзида мактанчоқ дўстларига.

- Сен нимани ҳам тушунардинг, - дерди улар жавобан кибрланиб.

... Кунларнинг бирида кутубхона деб аталмиш бу дунёга калтабин бир киши келиб ҳукмронлик қила бошлади. Энг даҳшатлиси у китобларни ўқимас, ўқиганда ҳам мазмунини мутлақо тушунмасди. Чиройли суратлари бўлган ҳашаматли китобларга гурур билан қараб-қараб қўяркан, бир четда кимтинибигина турган, ўша китобни кўлига олди. Сўнг у ёқ бу ёғини варақлаб, бир неча саҳифани аёвсиз йиртди.

- Оҳ, - унга қўшилиб бошқа ақлли китоблар ҳам дод солиб юборишди, - шундай китобни йиртса-я?!

- Зўр бўлди, - севиниб чапак чалишди кибр-ҳавога тўла китоблар.

Калтафаҳм ҳукмдор қўлидаги саҳифалар билан китобларнинг чангини арта бошлади.

- Бопладингиз, - ўз хўжайинларини кўкларга кўтариб мактай бошлади улар. Мақтовлардан ийиб кетган бу кимса дунё деразасини очиб, қўлидаги китобни йиртиб, саҳифаларни тақдир шамолига топширди...

Бу мудҳиш лаҳзаларни эса ўша калтафаҳм киши қўлидан омон қолган ҳақиқатгўй бир китоб тарих деб аталмиш варақларнинг қоқ ўртасига ёзиб қўйди...

СУКУНАТ ҲАҚИДА ЭРТАК

Қотиллик юз берди. Ойнинг бошини бошини узиб, қипқизил қонга белаганча осмоннинг қоқ кўксига илиб қўйишди жаллодлар. Унинг ҳамёнини қароқчи олди. Ҳамёндан тўкилган тиллолар эса само узра сочилиб қолди...

Барини сукунат кузатиб турарди. Айтишга шайланди кўрганларини. Само аҳли бепарво эди. Сукунат қийналди. Одамларни огоҳ этмоқчи бўлди бор ҳақиқатдан. Унга ҳеч ким қулоқ тутмади. Одамларнинг қорни тўк эди. Кўнгиллари юпун, кўзлари оч эди уларнинг. Ҳақиқат ҳеч кимни қизиқтирмасди - бир пул эди ҳақ сўзнинг нархи. Ёнгиналарида рўй бераётган қотилликлар-у турфа каззобликлар ҳам ҳеч кимни титратмасди. Риёкорликларни эшитавериб уларнинг қулоқлари битиб, юраклари тошга айланган эди аллақачонлар. Сукунат ўрганди. Бепарволик, оқибатсизликдан дили ғашланиб бош чайқаб қўйди...

Қабиҳлар ҳатто сукунатдан ҳам кўркишарди. Улар гувоҳнинг кўзини ўйдилар, тилини кесдилар аёвсиз. Қўлиларини орқага қилиб боғлаб қўйдилар, оёғини чопдилар энг охирида... Ана, ҳеч қандай из, далил қолмади. Сукунатнинг ҳам кўнглидан меҳр-оқибат кўтарилиб борарди. Турфа риёкорлиги каззобликдан толиқди шўрлик. Бепарво бўлиб қолди дунёнинг ишларига. Шундан сўнг қотиллик ўз ўзидан сирлилигича қолиб кетди. Ойнинг қотили ким эканини ҳали ҳамон ҳеч ким билмайди...

- Гунг сукунат, сен ҳаммасига гувоҳсан. Наҳот қулоқларингизга кўрғошин қўйилиб, тилинг кесилган бўлса?! Нега индамайсан, жим тураверарди?

Аммо сукунат жим тураверарди.

* * *

Мен сукунатни севиб қолганман. У ҳам мени ёқтиришини биламан. Лекин ҳеч қачон айтмаган. Мен ҳам унга севишимни ошкор этмадим. У билан ёлғиз қолишни дилдан қўмсаб қоламан. Биз деярли ҳеч нарса ва ҳеч ким ҳақида сўзламаймиз. Биз бир-биримизни сўзсиз тушунаемиз. Мен сукунатни севаман. Унинг бағри тинч, осойишта. Гоҳида: "Бир умр сукут сақлаб яшашига тоқатим етади", дея ўйлаб қоламан. Иккимиз ҳам ҳиссиз-ҳаяжонсиз яшайверамиз. Туйғулар ётлашиб кетгандек биздан... Тохир-Зухромиз аслида. Эвоҳ, Қоработирлар намунча кўп бўлмаса. Улар бузар тинчлигимизни... Ҳаёлимиз бўлиниб кетар... Тегманг, сукунатим ўлдирманг, қўйинг, бағрини чокламанг у бечоранинг. Сиз дилозорлардан қочиб севиб қолгандим уни.

У асраганди мени бағрида. Мен сукунатга хиёнат этмайман. У ҳам менга бевафолик қилмайди. Бир кун мен ўламан. Мана кўрасиз, ўз-ўзингиздан мени унинг бағрига кўмиб қўясиз...

ЁЛҒИЗЛИК

Бу уй анчадан буён ёлғиз қолган экан. Шунданми, кўнгиликдек кенг хоналари бу ҳолатдан хувуллаб, ўзи ҳам зерикканга ўхшарди. Мен унинг қулфи дилини меҳрим қалити билан

очиб, кўнгилик остонасига чўчибигина қадам қўйдим. Чунки мен ҳали унга бегона эдим. Унинг кўнгилик хоналарини ёвқараш қилиб зимдан кузатдим. Уй ҳам мenden ётсираб турар, ёлғиз

ликда қийналганимни айтсамми йўқми дея ўйлашиб қолганга ўхшарди. Мен бечора уйнинг шкаф, стул, яна аллақанча жиҳозлару ашқол-дашқоллардан ташқари савлат тўкиб турган жавон ва ундаги китоблар билан ҳам сўзлашиб бўлганини, шунинг учун янада муңғайиб қолганини илғадим. Китоблар соддадил уйнинг суҳбатидан безиб ҳам кетган кўринади. Шу лаҳзада ёлғизликда эзилаётган бу уй билан дилдан суҳбатлашим унинг дардларини тинглагим, имкон бўлса ундан ўзимга бошпана топгим келди.

- Зерикдингми? - эски танишлардек сўрадим ундан.
- Ха-а, - жавоб қилди у чўзиб.
- Соҳибларингни кўмсаганга ўхшайсан-а?
- Бўлмасам-чи, - лўнда жавоб қайтарди у.
- Ёлғизликда кўп қийналдингми?
- Нимасини айтмай... Хўш, ўзинг кўп эмас, оз эмас, ёлғизликнинг бир йилини қандай ўтказган бўлардинг?!
- Дахшат, - пичирлайман ёлғизликнинг 365 кунидати ютиб юборадиган сукунатни ҳис этиб.
- Ўрганиб ҳам қолдим... Қайтиб кетмоқчимисан? - даб-дурустдан мени ўз кучоғига таклиф этаётгандек ялинчоқ шивирлайди у.
- Қайдам. Ҳозирча бир қарорга келганим йўқ.
- Агар малол келмаса, мен билан қолсанг бўларди, - энди очик айтади кўнгидагини.

Ич-ичимдан севиниб кетдим.
 - Бўпти, - дедим мен унга. - Сен билан қоламан.
 Ёлғизликдан зериккан бу уйнинг муруватини ҳам у билан қолишга розилик билдириб, ўзимники қилиб қўя қолдим. Мен бор йўқ ашқол-дашқолим билан уйга кўчиб ўтдим. Хаёлимда унинг кўнги хоналари равшан тортиб кетгандек бўлди. У энди ҳар куни менинг ишдан қайтишимни интизорлик билан кутар, келганимда соғинчини яширмасдан мени кенг хоналарни тўлдирганча қучарди. Унга нимани сўзлаб бермай, ҳаммасини эътибор билан тинглаб, гоҳи эса эътирозлар ҳам билдириб кўярди. Мен ўрганган хоналар, менга сеvimли бўлган бу уйда кундалик оддий машғулотларим ҳам энди ўзимга қизиқарли туюларди.

Аммо иккимизнинг ҳам қувончимиз кўпга чўзилмади. Мен тез орада зерикиб қолдим. Уй эса имкони борича кўнглимни топишга уринарди. Кунларнинг бирида эса узок сафарга отландим. Бу ҳақда унга миқ этмадим. Сафарим жуда қизиқарли кеча бошлади. Уйни унутиб юборишимга ҳам бир баҳя қолганди. Ишқилиб, унга қайтадиган кунлар ҳам етиб келди... Уй узокдан кўзга чалинди. Унинг қандайдир маъюслиги сезилиб тургандек эди. Остонадан кирганимни биламан.. Эшик ҳам хаёлимда дардчил гижирлади. Уй менга ҳам севинчи, ҳам кинояли бир ҳолатда қараб турарди. Бутун хоналар шодликдан чапақ чалиб юборди. Севимли, лекин менсиз жуда зериккан уйим мени бағрига босиб шодликдан сўзлайолмай қолди.

- Нега... - деди у сўнг, ўпқаланганнамо йиғламсираб, - нега бир сўз демасдан мени ташлаб кетдинг? Қанчалар қийналганимни биласанми? Бирор фалокатга йўлиқдингми деган хаёлдан тунлари мижжа қоқмадим-а! Ана келасан, мана келасан деб кўзларимни кенг қўчалардан бир зум узган эмасман. Хавотир билан йўл пойлаб қуттиш азобини нахот билмасдинг?

- Кечир мени, дўстим, кечир, - дедим мен зўрға овозим чиқиб.

Ростини айтсам, мана шу кадрон уйимни, кирганда янада равшанлашиб кетадиган кенг хоналарини ўзим ҳам соғингандим. Қачондир сени тергайдиган, ўпка-гина қилиб соғиниб йўл қарайдиган дўст топганимда, меҳр билан кучоғига суйиб босадиган уйингни жуда кўмсаркансан. У уйимга эмас мени кучоғига меҳр билан босган онага ўхшарди.



СОҒИНЧ

Юрагим қасрига малика алам,
 Севгим осмонида юлдузлар сўнди,
 Кўзимга тор бўлиб кетса ҳам олам,
 Сизни соғинмасдан яшайман энди.

Бир бор йўқламоқни кўрмадингиз эп,
 Соғинч кипригига шабнамлар инди,
 Дардларимни олинг, эй паноҳим деб,
 Сизга сиғинмасдан яшайман энди.

Севгимиз деб битдим гўзал шеъримни,
 Бугун кўлимдаги қаламим тинди,
 Покиза муҳаббат, қатра меҳримни
 Сизга илинмасдан яшайман энди.



Азизим, ҳув қаср бунчалар узок,
 Унга етолмасдан кўксим тилинди,
 Икки дунё ичра ўтсам ҳамки ток,
 Сизга талпинмасдан яшайман энди!

Жиззах

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД



МАНЗАРА

Осмон титраб кетди...
 Айри тил илон -
 Чақин қазабига олди заминни,
 Кўнгли бўш булутлар йиғлади чунон,
 Дарахтнинг пойига ғубор бекинди.

Шаффоф юрагимга хиёнат қилиб
 Кўкнинг арзандаси - қуёш чекинди.
 Сарқашу фитнагар, ҳасадгўй фалак
 Менга раво кўрмас ойни ҳам энди.

Шундоқ ташриф этди бемаврид туним,
 Хали кундуз мен-ла хўшлашмай туриб.
 Қора осмон бўлди минг ямоқ тўним
 Тонгни кутмай, почор қисматга кўндим.

Сурхандарё





ОСМОНИМГА ОСГИН ЎЗИМНИ

ЁМҒИР ЯПРОҚЛАРИ

*Бўлгим келаяпти осмоннинг
Кўзлари, кўзлари, кўзлари.
М. Абдулҳаким*

Худоё
Ёмғирларингдан ҳеч мосуво этма
кўзимга узатгил
ёмғирга харидор ёмғирларингни узатгил
киприкларим қайрилиб кетсин
сочларимда юриб жаннатга ўтсин
хурларинг
хур-ларинг
хур-ла-а-ринг
нигоҳларим сувга тушиб тиловат қилсин
кўзимни очик қил
ёмғир ўпган гулларни ўпишга
Ойнинг кипригига суяб қўй мени
нигоҳимга қорилиб кетай
қонимни улашиб
руҳимдан ясагил пиёла
паришон кўзларимни
илиб қўй энг баланд дарахтларингга
уларнинг ҳар силкинишига
бош қўйсин денгизлар.
Мен самодан юриб ўтаман
товонимга ботар ҳаволар
ва суғуриб ола бошлайман
енгил-енгил ҳавочаларни
ўтаётиб
кўзларингга тўхтаيمان бир зум
ва қайта судрайман
ҳаволар оғритган оёқларимни
Кўрпам тин оляпти ўрнимда менинг
ёстиғимда ётибди хаёл
чойнакдаги совутан чойдан
ичиб роҳатланар ҳавотир
жоним солинган идиш жаранглаб кетар
силаётсам тошлар бошини
ва қўлимга сакраб тушади
«Мен ҳам дилман?» деган бир савол.

Дилингиз четига тегиб қўлларим
ёриша бошлайди осмоним
аллақайси ажнабий арвоҳ
қулаб жон беради ёлғизлигимда
мен эса қайтаман
кўзимда очилган эшикларимга

Кўзларимни ўйинг
ўйилиб кетсинлар кўзларим
тирноғимни қовланг
кир чиқар балки
балки кирдан-да қатгароқ
бирор не топилар сезгиларимдан
энг ёруғ тунимни тўхтагиб қўйинг
мадорланиб учиб кетсинлар
лабларимга қўнган пашшалар

Худоё
осмонимга осгин ўзимни
юрагимни қушларга кийғаз
тановулга келсин арилар
гугурт чақ ҳар битта кунимга,

Худоё
руҳимни кафан қил
заминдаги сўнги шаҳидга
Худоё...

* * *

Энг майда ҳашоратнинг
оёғига осилиб олиб
ташқарига чиқмоқ истаيمان

Истакларимни синдиради
кўзларингдан сачраган товуш
шу товушдай оғригим келар
катта орзуларга урилиб

Суягимдан юриб
бошқа дунёларга ўтиб кетаман
дардларим дардлашар бошимда

Нафасимгача ўсаман ҳар тун
майда ҳашоратга айланиб

* * *

Кўзларимни пайпаслаётган йиғи
киприкларим ҳайдаган малак
сўраб томма
қулаб том

Оғиз бўшлиғимдан думалаган товуш
юрақ кенглигида кезган савдойи
илдизингга ташлаю оташ
сўраб ёқма
қалаб ёқ



Юрагимда ивирсиётган шарпа
кўзларимни излаган ҳижрон
юрак хирқапўшин ёпган эй дарвеш
сўраб топма
тилаб топ дилни.

* * *

1 Фадир-будир йўлдай дағал бу кўшиқ
ётсираб қарайди кўзим ичидан
ҳамма нарса жимлигини намойиш этган бир тунда
ўлик сўзлар эшигимни тақиллатдилар.
ўлик гуллар очилди
юрагимнинг икки четида
сўнг эса
мени излаётган ифोर
буралиб-буралиб кирди тобутга.

2 Мен учмоқчи эдим
қанотларим силкитди кўкни
оёқларим ерга
бошим кўкка етди бу бахтдан
оёғимни бошимга кўйиб
мен бормайдиган йиллар ҳақда ўйладим
юрагимда ўсаётган асрлар
кўлимга тутқазди вақт пиёласин.

3 Бошимнинг устида айланиб юз йил
ниҳоят кўзимга қўнди бахт қуши
юрагимни чўкиб
ўзимга чўқдим
кипригим синиқлари
қари зулмат нурин териб кун кўрар
кўзимнинг ичида окмоқда энди
бахт қушининг бахтсиз патлари.

«ФАҚАТ ЎЗИМ УЧУН» (туркумдан)

Бу кеча. Бу кеча. Яна бу кеча
Яна юрагимга туташ жар кўча
Яна бир мусофир япроқ менга дўст
Яна жавонимда дўстларим тўп-тўп.

Қарайман, қаровсиз ётар ўйларим
Вужудим шоирсиз қолган мамлакат
Сўрасам муаллақ турар сўзларим
Юрсам товонимда ёнар кўзларим.

Яна осмонимга юлдузлар эмас
Ўзини осади мудҳиш саволлар
Яна ўтмишнимас келажакнимас
Бугунни тирайди гиштин деворлар.

Яна пешонамни тирайди фикр
Яна азобларим чашмадай ҳалол.
Кечиринг, ўзимни тўкиб ҳар кеча
Мен сизни ичаман фароғат Камол.

Бу кеча. Бу кеча. Яна бу кеча
Яна юрагимда чироксиз кўча
Яна мен тоғлардан тоғлик сўрайман
Осмоннинг кўзига ёниб қарайман.

* * *

Мен икрорман, азобга икрор
кумурсқалар еган тилимни
соғинаман тугилмай туриб
олисларда юрган ўлимни.
Кўлларим кон... гуллар қонатган
туйғуларим кетган қирилик
юрагимда уюлган тошлар
тоғ бўлдилар... кетдим сурилиб.

Кумриларга чўп узатаман
будутларга айланган оҳман
мени олиб кетинг узоққа
бўйнингизда турган гуноҳман.

Ҳеч ким мени олиб чиқолмас
юрагингиз жангоҳларидан
«севиб ўйлай, севиб йиқилай»
шу битик бор нигоҳларимда.

Кетаяпман бекат аҳтариб
изтиробнинг қитъаларида
чўкайпман мени қутқаринг
дилингизнинг ўрталаринда.

Мен икрорман, ўлимга икрор
ўз тафтимда қотган ҳаёман
йигирма тўрт йилки тўлғониб
кўзингизда оққан дарёман.
Мен яшашга икрорман асли...

Нима деб ном қўйилмасин асримизнинг бошларида фикр шеърятини йўлга тушиб, назмимизни беади, унга янги имкон ва оҳор тўхфа этди. Бирок маънавий қатагонлар бу кўз очган булоқни қарийб қирк йил «музлатиб» қўйди. 70 йилларга келибгина яна бу фикри ўстун, аклий сезгилари ҳисга куч берган йўналиш буртиб кўзга ташланди ва турли баҳсларга сабаб бўлди. Чунки бу оқимнинг дастлабки намуналарининг баъзисиди шеър руҳиёна жазавадан айро, шеърдан кўра насрга мойил бўлгани учун, бу бора-бора шеърятни жўн, яланғоч, оҳангсиз этмайдими, деган ташвишлар ҳам тўғилганди. Негаки, «бу янгилик экан», деб унга тақлид қилганлар машқиди айнан шу нуқсонлар кўзга ташланади.

Ҳарқалай, бу йўналишли шеърят ҳозир ҳам сафда, йўлда. Айниқса унинг янги издошлари фикр шеърятининг таъсир доирасини кенгайтириб, изланишлари рангин бўлишида баҳоли кудрат уринишмоқда. Бу эса қусурлар ўткинчи, истеъдодлар топган йўллар ўзини оқлашини тасдиқлайди. Бунга истеъдодли ёш шоира Гўзал БЕГИМнинг ўтган йили ёруғлик юзини кўрган «Сукунат жаранги» илк шеърини китоби ҳам мисол бўла олади. Гўзалнинг фикрий топилмалари ҳисларга қорилган, лаҳзада чакнайдиган фикр сурати руҳнинг сийратига бориб боғланади. Бу қалб ва юрак ўртасида солинаётган яна бир янги кўприқдир. Умид қиламизки, хали кўп бор бу кўприқдан ўтиб, биз учун тамоман янги бўлган манзаралардан севинамиз.

Вафо ФАЙЗУЛЛО



Дилрабо ЙЎЛДОШЕВА - 1975 йили Хатирчи туманида туғилган. Навоий Давлат педагогика институтини битирган. Хатирчи туманидаги 54-мактаб ўқитувчиси.

Истеъдодли ёшларни қўлаб-қувватловчи Улугбек номли жамғарма мукофоти соҳибаси. Шаҳрисабзда бўлиб ўтган "Ижодкор ўқитувчи - 99" кўрик танлови иштирокчиси.

ТУН АЛЛАСИ

Тун... Ётоғимга дераза оша мўралаётган юлдузлар.. Нималарнидир сўзлагиси келиб хўрсиниб-хўрсиниб кўяётган сокинлик. Тунги шабадада пичир-пичир қилиб тиллашаётган япроқлар...

Қаранг-а, уларнинг ҳаммасидан меҳр уфуради. Эҳтимолки, меҳрнинг ўзи ҳам тунда туғилган бўлса...

Мен тунни севаман. У эса мени. Кундуз мени учраштираган бемехр одамларнинг лоқайд, бепарво кўзларидан зада бўлган кўнглим ётоққа қайтади-ю, дераза олдида ўтирганча тунни кута бошлайди. Тун ҳам буни билгандек, оҳиста-оҳиста ётоғимга кириб келади. Куттирганига кечирим сўрагандек майин шаббода қўллари билан сочларимни эркалайди. Кўнглим эса ҳеч кимга айтолмаган сирларини секингина унинг қулоқларига шивирлай бошлайди. Излай-излай ниҳоят ўзига ҳамдард тополгач, беихтиёр со-

ғинч ва изтироб ёшларини тўкаверади. Тун бу митти юракнинг беҳисоб дардларини маъюсгина тинглайди-ю, сочларимни яна меҳр билан силашда давом этади. Кўнглим кундуз бўйи одамлардан излаган меҳрни, ҳа, кундан кутганини тундан топгач, ўқсиб-ўқсиб йиғлайверади. У эса бунинг барчасига тушунгандек, чуқур уҳ тортиб юз-кўзларимдан ўпганча, ўз тилида нималарнидир шивирлаб мени овутомққа киришади. Кўнглим эркаликларини кўтарадиганини учратгач, ўз хархашасини ташлагиси келмайди. Энди тун овутишлари таъсир қилмаётганини кўргач, мени бағрига маҳкам босади-ю, қулоқларимга худди онам айтадиган аллани - ёлғиз менга аталган қўшиқни ижро қила бошлайди.

Тун эшитган барча сирларини бағрига сингдиради. Кўнглим эса дардларини айта-айта бўшашгач, унинг аллаларидан сармаст бўлиб меҳрибон оғушида улаганини ҳам билмай қолади.

КЎЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

КЎЗ - мунгли кўзга ўхшайди. Меҳрга муҳтож дилга ўхшайди. Мунгайиб, жавдираб турган кизга ўхшайди. Дарахтлардан чирт-чирт узилаётган япроқлар юраклардан тўкилаётган орзуларга ўхшайди.

Хазонрез боғни кезаман. Оёқларим остидаги тилларанг япроқчаларни босиб бораман. Дарахт шитирлайди, балки шивирлайди. Унинг бағридан яна менинг оёғим остига хазон тўкилади. Салобатли дарахтлар мунгайиб қолгандек. Яланғоч қўлларини кўкка чўзиб ҳижрондан оҳ чекаётгандек, фалакка илгичо қилаётгандек. Япроқчалар, не деб шивирлайсиз? Бошингизга муқаррар тушажак айрилиқдан олдин бир-бирингизнинг дийдорингизга тўймоқ учун сўзлашаётибсизми? Ёки эшитилаётган бу шивир сизнинг ил-

тижоларингиз овозими, менга кўринмасдан юрагингизга тўкилаётган кўз ёшингизни садосимикин?

Шивирлаётган япроқчалар, сиз мени бераҳм деб таъна қилаётибсизми? Мен сизнинг дўстларингизнинг митти жасадчаларини оёқларим остида босиб бора-япман. Мени бераҳм атаманг, ҳаёт бераҳм. Такдир ҳукми бу!

Бу кун сизнинг жасадингиз менинг оёқларим остида, эртага эса сиз менинг мунгайган қабрим устидан голибона бош чайқаб ўтирасиз. Такдирдош дўстим - япроқ! Бу кун сиз менинг, эртага эса мен сизнинг пойингизга тўшаламан. Ҳа, бугун сен менсан, эртага мен сен бўламан.

Ҳаёт нақадар ўхшаш ва бераҳм...

ЙИҒЛАЁТГАН ОСМОН

Нелардандир хафаланиб хўрсиниб-хўрсиниб кўяётган осмон кўз ёшларини тийиб тура олмади. Аввал оҳиста-оҳиста йиғлади, кейин... юпатадиган ҳеч кими йўқлигини билганидан сўнг баралла йиғлаб юборди.

Энтикиб-энтикиб, юрак-юрақдан шашқатор ёшларини тўкаверди, худди менинг ҳеч кимга сездирмасдан йиғлаётган юрагимдек.

Юрагим теграмдаги салобатли осмондек, Осмон эса вужудимдаги митти юракдек йиғлади-бу кун. Бирдан осмон кўнглимга чўккан сокинликдек оғир тин олди. Чуқур уҳ тортди-ю, дардларини кимга дастурхон қилаётгани ҳақида ўйлай бошлади. Бирдан ҳамма-ҳаммасига тушуниб етди. Ахир уни юпатадиган ҳеч ким йўқ-ку! У ўз пойидаги юпанчга муҳтожлардан нажот излаётганими? Ёхуд дард нелигини билмайдиган муз қоялардан шафқат кугаяптими? Юраги кўз

ёшлар мозорига айланган, дарду аламлар юкидан бошини ҳам қилиб олган хокисор Ер - Она бағрига яна бир дард қабрини қазияптими? Ва ё унинг кўз ёшларга айланиб тушаётган аламу ҳасратларини оёқ остларида бемалол эзгилаётган бемехрлардан меҳр сўраяптими?

Ажабо! Демак, ожизларга ожизлигини билдирибди-да. Ахир у Осмон-ку. Ахир, у бошқалардан кўра бардошлироқ-ку!

Бирдан осмон қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборди. Уни кемираётган дардлар эса оловга айланиб оғзидан отилиб чиқиб, теграсида совуқ ялт-юлт қила бошлади.

Унинг қулгусига қўшилиб юрагим акс-садо берди. Худди унингдек юрагимдан оқиб келган кўз ёш кўзларимга келиб тўкилмасдан музлаб қолди-ю, хотиржам ва лоқайд учкунга айланиб нур соча бошлади.

Нега олдин ўйламади, унинг дарду аламларига ўз кўнглидан бошқа бирор бир гўша-ю макон йўқлигини? Ҳар қандай аламу дард ўз тугилган жойига кўмилишини нега олдинроқ англаб етмади? Ахир, ўзлари нажотга муҳтожлар қандай қилиб унга юпанч бўлсин?! Ҳа, Дунё - ожизлар салтанати, ундан нажот кутмасдан, унга нажот бермоқ даркорлигини энди англаб етди Осмон!

Ҳа, у энди мағрур яшаши керак. Дардлари бўғзига тикилганида эса кимсасиз чўлу биёбонларга ёхуд тоғу тошларгагина йиғлаб олади. Ҳаргиз ҳеч кимга

кўз ёшини кўрсатмайди.

Маҳзунлигини сезган заҳоти оёқ ости қилишга шай турган қузғунлар бор. Улардан баландроқ яшаши керак. Кулгиси келмаса ҳам - кулиб, йиғлагиси келса ҳам - йиғламай яшаши лозим. Улар учун ҳам, ўзи учун ҳам ана шундай қилмоғи даркор. Шунинг учун ҳам ўзини мажбурлаб бўлса ҳам чарақлаб турмоғи, яшашдан чарчасадан, фақат мағрур яшамоғи даркор.

... Яшаш эса азоб!

БЕШИНЧИ ФАСЛ

Мен бу кун кутяпман. Бир фаслни кутяпман. Оппоқ киш. Оппоқ қор... Юзларингни тилувчи, юрагингни қиздирувчи ширин совуқ. Узун тунлар уйқунгни ўғирлаб сени ўйлашга мажбур этувчи, поклик либосига ўралган ҳижрон - Қиш. Йўқ, қиш эмас, мен кутаётган фасл.

Гўзал баҳор! Табиатнинг оқ тилаги, фаслларнинг энг сулуви, гўзал малаги, тириклик тимсоли - Баҳор. Юрагингда яширинган нозик туйғуларни ўйғотувчи, нозик дилларни гўзаллик ила безовчи, нафис меъмор - Баҳор! Йўқ, мен баҳорни кутмаяпман.

Юракни ўзининг оташ нафаслари ила куйдирувчи оташ Ёз! Баҳорий ибтидонинг гўзал камолоти. Юлдузли самонинг гўзаллигини сенга томоша қилдирувчи, ҳар тун умид осмонидан толе юлдузингни қидиришга чорлагувчи, табиат лаззатидан баҳраманд этувчи сахий Ёз! Йўқ, ёз эмас менинг кутганим.

Хаёллар оғушидаги ўйчан куз. Илтижоли боқувчи маънос нигоҳлар соҳиби олтинранг куз. Дарду ғам-

ларни ўзининг сокин кўзлари тубида асровчи бағри кенг фасл. Шунинг учун ҳам унинг нигоҳлари маънос, илтижоли. Йўқ, мен кутган фасл куз эмас.

Бу бешинчи фасл. Ҳа, мен бешинчи фаслни кутяпман. У кишдек поклик либосига ўралган, баҳордек сулув ва қалб меъмори. Ёздек оташнафаслилиқ, гўзал камолот, куздек кўз мужассам бўлган бешинчи фасл. Самимий меҳр, Вафоли муҳаббат, Чинакам дўстлик! Ҳа, бу уч эгиз тушунча бешинчи фаслнинг исми. У мен кутган ва кутаётган фасл. Инсон ҳаётда ниманидир кутади, нимагадир интилади, нима учундир шошилади. Менимча одамлар кутаганидан ва интиладиган "Нимадир" - худди шу бешинчи фаслдир. Тўрт фасл табиат гўзаллиги бўлса, бешинчи фасл - қалбнинг гўзаллиги. Бу гўзаллиқнинг йўрғаги - Инсон юраги. Йўрғадаги митти гўзаллиқнинг юрагимизда мазори бўлмасин. У ўсиб, улғайиб қалбимизни, бутун ҳаётимизни, умримизни безасин.

АРМОН, ЯХШИЯМ СЕН БОРСАН

Армон, сен шундай туйғусанки, сендан кечиб бўлмайди, сенсиз яшаб бўлмайди, сендан қочиб бўлмайди.

Армон! Сен шундай забардаст қўшинсанки, дунёда сен забт этмаган юрак йўқ. Сен шундай қарвонсанки, ибтидонг бору, интихонг йўқ. Сенинг ёшинг шунчалар улғуки, дунё билан туғилгансан, дунё билан кетасан. Армон, сенинг фарзандларинг шунчалар кўп ва хилма-хилки, дунёда инсон зоти нечта бўлса, шунча. Уларнинг маскани - инсон юраги, исми эса шу юракнинг туб-тубига ўчмас қилиб ёзиб қўйилган. Қани айт-чи, сен нега туғилдинг? Инсон аталмиш бир кичик мавжудотнинг қалбу жонини изтиробга маҳкум этмоқлик учунми? Ёхуд ўша мавжудотнинг кибру ҳаво ва лоқайдлик ботқоғига ботиб қолмаслиги учун ҳам сен даркорминг?

Армон, Сен қандай туғилдинг? Бизнинг пушаймону афсусларимизданми, гоҳида ўйлаб, гоҳида ўйламай босган қадамимиздан униб чиқдингми? Ёки орзуларга этмоқ учун йўлга чиқиб бу йўл азобларидан чарчаганимизда, тўсиқлар олдида манглай қашиб, сўнгра у бизни, ёхуд биз уни ташлаб кетган лаҳзаларда хувиллаб қолган кўнглини забт этмоқлик учун қулоч отиб улғайдингмикан?

Сен орзу билан ёнма-ён яшайсан. Орзуга қарши яшайсан. Доимо у билан курашасан. Гоҳ у, гоҳ сен голиб келасан. Сен голиб келганинда яна забт этишни

ўйлайсан, мағлуб бўлганинда эса ўзингга бошқа кўнглидан макон қидирасан. Орзу ташлаб кетган жойни сен эгаллайсан. Сенинг исмингни эшитиши биланок, инсон хаёллар оғушида ўз ўтмишига саёхат қилади. Сени ва сенга айланган таассуротларини ачинаиб, баъзида эса кўз ёш билан эслайди. Армон, сен ўтмишсан, бироқ келажак ҳамсан. Ҳа, менга ҳам, орзулар олислаб кетганида, умид эшик очмаганида остонамда сен пайдо бўлдинг. Мени кенг кучоғингга олдинг-у, ўз сахро-ю чўлларингга етаклаб кетдинг. Мен сенинг ошенинда ҳануз сарсонман.

Қани айт, армон, нега ҳамма сенинг гирдобингга тушиб қолганингга билади, ундан чиқар йўлни эса тополмайди. Бу йўл борми, ўзи? Ёхуд саробми? Ёки сенинг йўлларингга тушмаслик учун дунё чархпалаги қайта-қайта тескари айланиши керакми? Бироқ бу чархпалак ҳеч тескари айланмайди, сендан чиқар йўлни ҳеч ким тополмайди-да.

Сенинг йўрғагинг ҳам, мазоринг ҳам - инсон юраги. Сен туфайли биз вужудимизда митти ва буюк кўзгу - Юрак борлигини ҳис этамиз. Агарда сен бўлмаганинда ўша кўзгу тошга айланармиди. Ёхуд яна сен бўлмаганинда инсон ЎТМИШ, ҚИЛМИШ, АФСУС туйғуларидан воз кечиб олдинга ва бемаъниликка, яъни оёқ остидан аввал осмонга қараб яшармиди. Билмадим, нима бўлганида ҳам сен абадий ва буюк туйғудирсан. Ҳа, Армон! Афсуски, сен борсан... Яхшиям сен борсан.





МЕНИНГ ИККИ ДУНЁМ УНУТИЛМАГАН

* * *

Юракда не қайғу, ғамлар адашди,
Кўнгилни ёритган шамлар адашди.
Иккимиз қутган хур дамлар адашди,
Фақат биз адашиб кетмадик, эй дўст,
Нечун ёр васлига етмадик, эй дўст?

Биз пинҳон севдиг-у, ошкор йиғладик,
Дўст-душман олдида ночор йиғладик,
Беюпанч оламда бекор йиғладик,
Кўз ёшидан ошиб кетмадик, эй дўст,
Нечун ёр васлига етмадик, эй дўст?

Қайрилма-қайрилма қошлар қаролиғ,
Умримиз савобу гуноҳ аролиғ,
Недан дил пора-ю, юрак-яролиғ,
Ул қошга талошиб кетмадик, эй дўст,
Нечун ёр васлига етмадик, эй дўст?

Ашқни кўзгу этиб кокил тарадик,
Қирқта кокил аро йўллар қарадик,
Қундузлар санадик, тунлар санадик,
Тунларда адашиб кетмадик, эй дўст,
Нечун ёр васлига етмадик, эй дўст?

Етмаган бир бизму васли Ёрига,
Кўникдик Дунёнинг бори қорига,
Адашмай етишдик Ҳижронзорига,
Ҳижронлар юртидан кетмадик, эй дўст,
Фақат Ёр васлига етмадик, эй дўст,
Фақат ёр васлига етмадик...

* * *

Мен Сизга топиндим бир қадар,
Иккимиз адашган масофа қадар.
Менинг хотирамда йўқолган виждон,
Сизники эмасми, биродар?..

Сизга дўст тутиндим, топиндим,
Меҳримнинг кўзига хоб инди -
Мангу хоб... Мангу йўл олдида
Дил кип-қизил қафан ёпинди...

Мен “оппоқ” эмасман, энди, топинчим,..
Кўзимдан ёғилди ёғинчим...
Меҳрим уйғонмайди энди бир умр,
Ув-в-в тортар аламли Соғинчим!..

Ўлган виждонингиз ўлдирди уни!..

* * *

Ҳаммаси ойдин ва ҳаммаси қоронғу...
Дилафруз тонлар ва дилбаро шомлар.
Нажиб бир оҳангда ажиб бир туйғу
Кўнгилни аллалаб эритган онлар...

Ҳаммаси ростдир ва ҳаммаси ёлғон,
Ёп-ёруғ оламда кўзим ўнгида,
Чиннидай бир Кўнгил қон қақшаб қолғон...
Чиннидай бир Кўнгил чил-чил сингани...

Ҳаммаси боқий ва ҳаммаси ўткинчи -
Ким қайси оламни хоҳласа, олсин!
Ишқинг-ўзинг каби менадан кетгунча,
Ишқим-Иймон каби барқарор қолсин!

Ҳаммаси ойдин ва ҳаммаси қоронғу...
Менинг икки дунём унутилмаган.
Ўттиз икки тишдай бус-бутун Қайғу,
Бус-бутун Шодлик бор - ҳеч қутилмаган...

Ҳаммаси ойдин... ВА, Ҳаммаси қоронғу...

* * *

Эй дун, ёрдин жудо элдинг, нечун жондин жудо этмай,
Қадимни синдирдинг нечун, ман умримни адо этмай.

Бунчалар ўлдурдинг оҳким, тирикликдин кетмай туриб,
Ризолигим керакмасму, кетқурурсан виждо этмай.

Мен кимам: бир ошики, бир савдои, бир Лайлидурам,
Кетмишам дил дардидан бир кимсага бир ниждо этмай.

Ғам селидин хароб элдинг, жонима келмади раҳминг,
Нечун ондин жудо элдинг, ман ўзимни фиждо этмай?!

* * *

Сиз мени...
Ўзимга билдирмай ўғирлаб кетинг,
Худди юрагимни ўғирлагандай...

* * *

Тўрт фасл хазонда кечди мутғасил,
Биз қайси фаслни қутгандик ортик,
Нечун гулламадик бирор фаслда,
Ўзимиздан ортиб, Дунёдан ортиб...
Фаслларга шунча ўғайми эдик,
Нега ёмон кўрди бизни ҳаммаси,
Биз нима ёмонлик қилдик уларга,
Ўзимиздан ортиб, Дунёдан ортиб...
Нечун гулламадик бирор фаслда.



Тўхтамурод РУСТАМ

КАПАЛАКЛАР ҲИЙИНИ

Роман

- Ёлғиз менгина эмас, - деди Бадал бошини сарак-сарак қилиб. - Сен ҳам. Ибод ҳам. Агар у қачондир бизни хола ё амаки деб чақирса, албатта.

- Яшасин, янги меҳмо-о-он! - дея гўлдираб, қадаҳига қуйиб улгурганини ютмоққа чоғланди Ибод.

- Бирпас нафсингни тийиб туроласанми?! - деб жаҳл билан Ибоднинг қўлидан пиёласини ҳам тортиб олди Шахло ва яна Бадалга юз бурди. - Ҳой, ҳадеб жумбоқ қилавермасдаё, мундоқ тушунтириб айтсанг-чи, нима гап ўзи?

- Ҳеч гап йўқ, - деди Бадал. - Шунчаки, ҳаёт қонуни. Орамиздан кимдир яқинда ота бўлмоқчи, кимдир эса - она. - Шундай деб, у Гулнозга маъноли тикиди. Бирок, қизнинг авзойида ҳеч қандай ўзгариш сезмади.

- Ростданми? - деб Гулнозга ҳанг-манг бўлиб қаради Шахло.

- Нима "ростданми"? - деди Гулноз, худди унинг саволи маъносини фаҳхламаган каби.

Шахло нигоҳи билан, чамаси, ёлғиз Гулноз икковигина тушунадиган нимагадир ишора қилди.

- Бўлмаган гап! - деб шартта кесди Гулноз ва тўрсайиб нигоҳини четга бурди. - Тавба, ким нима деб валақласа, ишонавераркан-да!

Бадал Гулнознинг бу айтганини андиша белгиси сифатида қабул қилди. "Тортинапти, - деб ўйлади ва ўзича уни оклашга уринди. - Бировнинг юзига солишдан осони борми? Қани, ўзингникини ҳам шундай журъат билан тан олиб кўр-чи!"

- Тортинма, - деб айтди у Гулноздан кўз узмай. - Бунинг ҳеч тортингулик жойи йўқ. Ўзи тўғрисида бор гапни билишига ишониб, хом хаёл қилганлар тортинсин.

- Алжирама! - деди Гулноз. Бунинг у яна ҳам кескинроқ тарзда айтди. - Хурмачанга сикқунча ичгин-да!

Бирок, Бадал унинг бу эътирозини ҳам жиддий қабул қилмади.

- Тортинаётган бўлсанг, майли, мен айтаман, - деди ва Насимнинг ўриндик суянчиги ортидан аранг кўринмиш елкалари, уларнинг қоқ ўртасидаги бошига тик қаради: - Насим, сен ўзинг тўғрингда бор гапни билмайсан!

Бадалнинг айна сўзлари янграши баробар, Гулноз ялғ этиб у томон ўгирилди.

- Бадал, сенга айтяпман, алжирама! - деди алланечук титроқ овозда.

Бирок, Бадал унинг бу айтганини парвосига ҳам келтирмади.

- Насим, сен ўзинг тўғрингда ҳеч гапни билмайсан! - деди ўтирган жойида ширакайф чайқалиб ва кейин билдики, бу унинг танаси айна ҳис оғушида яйраган энг сўнги лаҳза экан.

- Алжирама, дедим! - дея чинқириб, бирдан чанг солди унга Гулноз ва Бадал кайфи учиб, ўзини илкис орқага ташлади. Бирок, орқасида - эшик ва у маҳкам берк эди. Боз устига, у асло парқудан эмасди - елкаси тўтмоқ нимагадир қаттиқ ботиб, кўзларидан нақ олов сачради. Бадал айна оловга кўшилиб, танасини яйратмиш тотли туйғунинг сўнги зарраси

ҳам чиқиб кетганини ҳис қилди.

- Ҳой, ҳой, ўзингни бос! - дея Гулнознинг кўлларидан тутиб, маҳкам кучиб олди уни Шахло, билас, Бадал кўзларидан олов сачраши билангина қутулмаган бўларди. - Жинни бўлдингми? Ўйлаб-ўйламай валақлайверасанми? - деб жеркиди Шахло, нигоҳи билан: "Шартмиди шунинг ҳозир айтиш?", дегандек ишора қилиб.

Гулноз юзини унинг бағрига буркаб ўкириб юборди.

- Кўй, йиғлама! Кўз ёшингга арзимади-ку! Бўлди, ўзингни тут! - деб овулган бўлди уни Шахло.

Аммо, Гулноз овунишни хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, Шахлонинг бу сўзларидан сўнг баттарроқ жазава билан ўкиришга тушди.

- Ҳой, Насим, нима бало, оғзингга талқон солиб олганмисан, бундай гапирсанг-чи?! - деб бақирди Шахло Гулнознинг жазавали силкинаётган елкаларини тутолмай.

"Насим эшитмади", деб хаёл қилди Бадал. Чунки, узоқ вақт ундан садо чиқмади. Насимнинг нафақат оғзига талқон солиб олгани, балки икки қулоғи буткул том битмаганига ҳам шубҳа қила бошлаган дамда, ниҳоят, у оғир кўзғалиб, улар томон юз бурди. Бирок, нечукдир Гулнозга эмас, Бадалга нигоҳини қадади.

- "Ўзинг тўғрингда ҳеч гапни билмайсан", дейсанми? - деб айтди ҳорғин бир тарзда ва бошини сарак-сарак қилди: - Эй, ошна. Мен ўзи борманми, йўқми - шунинг ҳам билмайман.

Бадал Насимнинг ўзига қадалмиш кўзларида чексиз ҳасрат кўрди. Шу қадар чексизки, юз эмас, мингта Бадалнинг кучоғи ҳам уни энламаслигини Бадал фаҳхлади.

Насимнинг бир сўз демай, бир дунё гап айта олиши Бадалга маълум эди. Бирок, унинг кўзлари шу қадар чексизликини ўзига жо этиши мумкинлигига Бадал илк дафъа гувоҳ бўлди. Ушбу кўрганидан туйғилмиш ҳайратини жиловлаб улгурмай, Насимнинг кўзларидан айна ҳасратни ҳосил қилмиш кечмиши пириллаб ўта бошладики, бу гайб рўёдан сал бўлмаса Бадалнинг ақл-ҳуши бошидан учаёзди. Худди кинодагидек. Бирин-сирин. Бутун тафсилоти билан. Ҳўв, ўша, Насим синфга кириб: "Ўзим тўғримда бор гапни билдим", деб айтган дамдан бошлаб. Лекин, бу Бадал учун янгилик эмасди. Яъни, Насимнинг айна дамдан кейинги кечмиши. Йўлини топса, бунинг у ўз кўзларида Насимга кўрсатиши ҳам мумкин эди. Ишонч қомилки, бу кино Насим унга ҳозир намоийиш қилаётган кинодан қизикроқ бўларди. Шунгами, бошда сал бўлмаса Бадални ақл-ҳушидан айираёзган ҳайрат туйғуси жуда тез эсноққа жой бўшатди. Токи Насимнинг кўзларида айна сафар билан боғлиқ тафсилотлар акс этгунга қадар. Бунинг ҳам бош қисми эсноқ уйғотар даражада зерикарли эди. Ана, Ибод, ана, Бадалнинг ўзи. Яна Ибод, яна унинг ўзи... Нақ ит-мушукдай ёжиллашгани-ёжиллашган. Насим эса бунга бепарво. Насимга гўё барибир. Худди уларнинг бу тарз ит-мушук бўлиб ёжиллашишлари сабабчиси ўзи эмасдек. Насим, ҳар гал гадаба изидан сафарга отланаркан, доим қаёққа кетаётганини би-

*Давоми. Боши ўтган сонларда



лишга уринарди. Яъни, бораётган ери қаерда, об-хавоси қандай, қайси тилда сўзлашишда ва ҳоказо. Билишга Насим уринарди-ку, бироқ ит-мушук бўлиб нукул улар гижиллашишарди. Бу ҳозир, четдан кузатганда унга шундай туюляпти. Ибод билан гижиллашаётган дам асло ўзини итдай ё мушукдай ҳис қилмаган эди. Умуман, ўша пайт ўзининг ҳақлигидан бошқа нимадир кўзига кўрингани ҳозир эсида йўқ. Насим эса бепарво. Насимга гўё барибир. Ҳатто бораётган ери Ибод билан Бадал кўндалангию бўйла-масига қайта-қайта “шудгор қилиб” чиққан хариталарнинг ҳеч биттасида кўрсатилмагани ҳам. “Гапдон Тўтилар я.о.” деган ёзув хариталардаги рақам билан белгиланган жуғрофий ҳудудларнинг рўйхатидан ҳам топилмади. Гапдон Тўтилар ярим ороли тўғрисида улар фақат шуни билишардики, у уч томондан сув билан қуршалган эди. Билакс, у, табиийки, ярим орол аталмасди. Тагин у ерда тўтилар, ҳа, оддий эмас, нақ гапдон тўтилар суҳбатига қулоқ тутиш имконияти мавжудлигини ҳам комил ишонч билан тахмин қилса бўларди. Фақат, уларнинг айнан қайси тилда жаврашлари буткул жумбоқ эди. Ибод билан Бадал ўртасида жанжал ҳам ана шундан чиқди. Узоқ ўйлаш ва иккиланишлар, тахмину ҳар турли фаразлардан сўнг Бадалнинг миясига туйқус бир фикр келди. Тўғри, у хийла баҳсли эди. Бироқ, Бадал зинҳор уни қатъий деб даъво қилиш ниятида эмасди.

- Тили бор-у, лекин... – деди у қайсидир бошқотирмани эслаган бўлиб ва Насимга қаради. – Балки, лотинча сўзлашишар, а?

- “Лотинча сўзлашишар, а”, - дея мазаҳлаб, дарров унинг оғзига урди Ибод. – Ҳали итлар ҳам сенинг шу сассиқ капалакларнинг тилида ҳуради деб айтарсан?

Бадал лов этиб ўт олди.

- Сассиқлигини қаердан билдинг? – деди Ибоднинг ёқасидан маҳкам тутиб.

Ибоднинг ранги қув ўчди.

- Ҳазил-ку! Хой, нима, ҳазилни тушунмадингми? – деди Бадалнинг чангалидан чиқишга уриниб.

Лекин, Бадал шаштидан тушмади.

- Йўқ, айт, қачон хидлагандинг? – деб баттар буровга олди у.

Насим йўлга чиқиши арафасида бўлиб ўтган бу можарони кўниш олдидан туйқус эслади. Тўғрироғи, Бадалнинг ярим орол уч томондан сув билан қуршалган бўлиши лозимлиги тўғрисидаги даъвоси эсига тушди ва унинг асносида бу можарони ҳам ёдга олди. Бироқ, атрофни энламиш қуюқ булутлар пардаси ортидан ҳеч нарсани фарқлаб бўлмади. На ерни ва на денгизни. Аммо, Насим деразадан қараб, ерни кўришга уринмади. Ерни у биларди. Ернинг ранги, шакл-шамойили ва ҳатто таъми ҳам унга яхши маълум эди. Бу таъмини у ҳозир ҳам димоғида ҳис қилиб борарди. Гарчи, осмону фалакда, булутлар бағрида учиб кетаётган бўлса-да. Чунки, қанотлар ўзиники эмас, у бу дам ойнасидан қараб, денгизни кўришга уринаётган “пўлат қуш”ники эди. Бунига сабабини Насим яна уни осмону фалакка, булутлар бағрига олиб чиқмиш “пўлат қуш”нинг зуваласи кўкда ва асло парку булутлар ёки офтоб заррасидан эмас, ерда, ернинг бағрини ўйиб олинмиш бир мисқолдан қорилганида кўрарди. “Пўлат қуш”нинг отни ҳурқитувчи сумбатида ҳам у парвоз ва самоват билан боғлиқ ҳеч нарсани кўрмасди. Қанотлардан ташқари, албатта. Бироқ, улар ҳам Насимнинг дилида парвозга рағбат уйғотмасди. У тайёрани қушга эмас, кўпроқ ўзининг итқитиш тугул, қўлга олиш ҳам бировга малол келувчи кадрдон соққатошига қиёсларди. Насим энгашиб уни ердан кўтариб оларди, шопилмай юриб даврага кирарди, тошни елкасига қўярди ва бошини у томон хиёл солинтириб, сўнг жаҳд билан итқитарди.

Тош ҳавода маълум вақт бўлиб, яна ерга қайтиб тушарди. Насим тайёра осмону фалакка ҳарчанд кўтарилмасин, булутлар узра қанча парвоз қилмасин, барибир ерга қайтиб кўнишига кўниккан эди. Шу боис, у ҳеч қачон деразадан тикилиб, ерни изламасди. Бадалнинг айтгани ёдига тушмаса, балки, мутлақо деразадан қарамасди ҳам. Бироқ, Насим Бадалнинг айтганини эслади ва юраги ғалати ҳаприкиб, деразага тумшук тиради. Деразадан тикилиб денгизни қидирди. Чамаси, унинг томирларида бу дам дунёга келиб ҳеч қачон денгизни кўрмаган, аммо бир умр уни кўриш истагида ёниб яшаган етти, ким билсин, балки етмиш аждодининг қони гуширарди.

Денгиз Насимга ўзини кўрсатмади. Тайёра ниҳоят пастлаб, ерга қўнғач, Насим ташқарига чиқиб, дафъатан юзига урилган ва кўзларини қамаштирган бегона қуёшга нигоҳи кўниккач ҳам денгизни илғамади. Бироқ, унинг нафасини ҳис қилди. Рост, Насим умри бино бўлиб ўзининг етти, ким билсин, балки етмиш аждоди сингари денгизни кўрмаган, демасди, унинг нафасини ҳам туймаган эди. Лекин, у ернинг ҳидини биларди. Шу тобда димоғига урилиб, томирларидаги ҳеч қачон денгизни кўрмаган, аммо умр бўйи уни кўриш истагида ёниб яшаган етти, ким билсин, балки етмиш аждодидан мерос қонни баттар гуширтираётган бу нафасни эса асло ерники деб бўлмасди. Насим димоғини чоғ қилмиш айни маълум нафасни ҳузур қилиб симириб, тайёранинг дарчасига гилдиралиб келтириб тиркашган зиналардан аста пастлар экан, Ибод таъбирламиш “капалаклар тили”га мансуб ёдига тушган биринчи сўзни айтди:

- V e n i.*

Лекин, ҳеч ким эшитмади.

Насим учун бу янглик эмасди. Яъни, унинг айтганини биров эшитмаслиги. Яқин-яқингача унинг ўзи ҳам шуларнинг биттаси эди – ҳеч кимни эшитмасди. То кунлардан бир кунни синфга ҳовлиқиб кириб, барчага эшиттириб: “Ўзим тўғримда бор гапни билдим”, деб айтганига қадар. Бироқ, уни ҳеч ким эшитмади. Ёлғиз Бадалдан ташқари. Буни у дарров фаҳмламади. Чунки, Бадал унга бунга сўз билан аңлатмади. Бадал жим эди. Ҳамма қатори. Ва бу сукут Насимнинг ўзи тўғрисида бор гапни билганига қарамай, шулардан биттаси бўлиб қолганидан далоят берарди. Насим ўзини қуршаман бепарқ, бемаъно чеҳраларга бир-бир назар ташларкан, туйқус кўзлари Бадалнинг нигоҳи билан тўкнашди ва... енгил тин олиб, ўзининг асло улардан бири эмаслигига имон келтирди.

У ҳақда кўп сўзлашарди. У ҳақда кўп ёзишарди. Унинг ғалабаларидан ҳайратланишарди. Унинг ғалабаларини олқишлашарди. Чамаси, бу олқишлар ва ҳайрат изҳорлари унинг дилида шавқ уйғотиб, янги ғалабалар сари ундайди, деб гумон қилишарди. Бироқ, у ўзи ҳақидаги гап-сўзларга қулоқ солмасди. ўзи ҳақида ёзилганларни ҳеч қачон ўқимасди. Унинг дилида шавқ, янги ғалабаларга рағбат уйғотиши тахмин қилинган олқишлар, ҳайрат изҳорларига ҳам мутлақо бепарқ эди. Олқишловчи, ҳайрат изҳор этувчи авом уни омад, ғалаба, голиблик тимсоли ҳисобларди. Аммо, у ўзини омадли деб билмасди. Ғалаба, голиблик ҳисси ҳам унга бутунлай бегона эди. У итқитиш тугул, қўлга олиш ҳам бировга малол келувчи зил-замбил соққатошни кўтариб, даврага кираркан, кимндир ютиш, кимдандир устун келиш ҳақида ўйла-масди. У ҳатто рақиблари тўғрисида ҳам ҳеч нарса билмас, билишга уринмасди. Ҳеч ким ютмагани боис, у голиб чиқарди – бор гап шу эди, ҳолос. У асли итқитиш тугул, қўлга олиш ҳам бировга малол келувчи зил-замбил соққатошни эмас, ўша, ҳозирда уни

*V e n i – келдим (лот.)

олқишлаб, ҳайрат изҳор этишдан чарчамаётганлардан бири бўлган пайти қисман эслаган, қисман номи бор-у, ўзи йўқ ёзғувчининг ашъоридан ўқиб билган ўтмишини жаҳд билан нари итқитарди. Бирок, у ҳарчанд тиришмасин, қанчалик жаҳд қилмасин, тош ҳавода озроқ учарди-да, ўн беш-йигирма одимча нарига бориб “тап” этиб тушарди. У ҳатто кўз очиб юмишга ҳам базўр улгурарди. Ва айнан шу, кўз очиб юмгүлик лаҳза унинг дилида умид учқунларди. Балки шу сафар тош қайтиб тушмас, балки шу сафар “тап” этган товуш қулоққа чалинмас ва ўтмишнинг тавқи лаънати мени тарк этар, деган умид. Лекин, тош барибир қайтиб тушар ва унинг умидини чилпарчин қиларди. Шуниси қизиқки, тош ерга “тап” этиб тушиб, унинг умидини чилпарчин қилиши баробар, ўйингоҳни тўлдирган томошатаблар жойларидан ирғиб туришар, қийқириқ ва олқишлардан ер-кўк ларзага келарди. Насим лабини аламли қимтиб, бошини ҳам қилган кўйи давранан чиқаркан, кимлардир чопиб келиб унинг бўйнига осилар, кўлини сиқар, елкасига қоқар ва ҳатто юзларидан чўлпиллатиб ўпарди. Шу тарз улар Насимни ғалаба билан қутлашар, гўё унинг севинчига шерик бўлишарди. Ўзларининг наздида, албатта. Аслида-чи? Аслида, Насимга айни дам ер-кўк қоронғи эди. Бу лаҳза дунёда Насимдан мағлуброқ кимса йўқлигини ҳеч ким хаёлига келтирмасди. Ҳатто, уни сўзсиз англамоққа қодир ягона одам – Бадал ҳам. Лекин, биринчи ўринда – Зулун Фармон. Агар Насимни эшитмайдиганлар ўртасида биринчилик ўтказилса, ғолиблик шубҳасиз унга тегарди – Зулун Фармонга. Бирок, у шусиз ҳам Насимнинг ғалабалари соясида ором оларди ва, чамаси, бундан ортигига даъво қилмасди. Раҳнамолиги остида қўлга киритилаётган ғалабаларнинг ўзи унга кифоя эди.

- Олтин, йигитлар, фақат олтин! – деб уқтирарди у ҳаммани узун сафга тизиб, беллашувга бошлаб чиқаркан.

Барча тушунадиган тилда бу: “Ғалаба, фақат ғалаба!”, дегани эди. Лекин, у бутун мусобақа давомида ҳам турган ё ўтирган жойида асабий ер тепиб, фақат ўзиникини такрорларди:

- Олтин, фақат олтин!

Бундан аввал, яъни ҳар эрта азонда шахсан Зулун Фармоннинг ўзи ҳаммани ортидан бадан тарбия машғулотига етаклаб чиқарди.

- Бир, икки! Бир, икки! Ҳа, чакқон, чакқон!

Буни унинг шотирларидан бири улар билан тенгма-тенг лўкиллаб чопиб такрорларди. Зулун Фармоннинг ўзи эса бу пайтда юмшок чим устига келтириб қўйилган курсида иссиқ жункўрпага ўранганча ясланиб, қаҳва ичиб ўтирарди. Қулоқпиёладаги қайноқ хушбўй қаҳвага аста лаб тегизаркан, у ҳар замон-ҳар замон худди ниманидир маъқуллаган каби ўзича бош силкиб кўярди. Чамаси, шу асно Зулун Фармон раҳнамолиги остида ўтказилаётган айни бадан тарбия машғулотига қўлга киритилажак ғалабаларга нечоғли мустақкам замин ҳозирлаётганини қаҳвага уқтиришга уринарди.

Олтин васвасаси Зулун Фармонни тунда уйқусида ҳам тарк этмасди – улар орқаваротдан ўз давраларида шундай ҳангома қилишарди. Аммо, бор гапни унинг юзига дангал айтишга ҳеч кимнинг ҳадди сизмасди. Айтишдан наф ҳам йўқ эди – бу унинг восвос касалини баттар зўриқтирарди, холос. Уларнинг қулоқларига чалинмиш гапларга қараганда, Зулун Фармон кимсан – Хўжақулига тегишли одам эди. Бу ерга нимадир бўлиб адашиб келиб қолган ва энди олтин санаб, тепадан “хушхабар” кутарди. Энг маъқул йўли – парво қилмаслик эди. Зулун Фармоннинг восвос касалига ҳам, унинг кимсан – Хўжақулига тегишли одам эканлигига бу ерда олтин санаб, тепадан “хушхабар” кутаётганига ҳам. Насим айнан шун-

дай иш тугарди. Яъни, парво қилмасликка уринарди. Қўп ҳолда буни урдаларди ҳам. Лекин, гоҳида миясига қон тепарди. Итқитиш тугул, қўлга олиш ҳам кўпда бировга малол келувчи зил-замбил соққатошини Зулун Фармоннинг: “Олтин, фақат олтин!”, деб жавраётган чакагини мўлжаллаб отиш, ёки, шартта юриб бориб, унинг ўзини ўтирган курсисига қулоқпиёладаги қаҳваси билан кўтариб ирғитиш фикри тугидмасди, йўқ. Дилида бошқа бир истак жўш уради: беллашув айни авжга чиққан паллада, одатдагидек, итқитиш тугул, қўлга олиш ҳам кўпда бировга малол келувчи зил-замбил соққатошни кўтариб, олқиш ва қийқириқ садолари остида даврага кириш, кириб, сукунат-қўпишини кутиб тин олиш, ниҳоят, овозлар тиниб, ахтирослар босилгач, итқитиш тугул, қўлга олиш ҳам кўпда бировга малол келувчи зил-замбил соққатошни худди салмоғини чамалаган каби қўлда бир-икки ўйнатиб, сўнг елкага қўйиш, елкага қўйиш-да, бошни хиёл у томон солинтириб, букчайган асно фурусатни кутиш, томирларидаги қон вижирлаб қайнаб, мускуллар узилгудек таранг тортилувчи фурусатни, томирларидаги қон вижирлаб қайнаб, мускуллар узилгудек таранг тортилгач, “Ҳа-а-айт!”, дея кичкириб, тошни жаҳд билан нари итқитиш, итқитиш ва тек қотиб, унинг нечоғли олисга отилганини билмоқчидек, ортидан тикилиш, вужуди қулоққа айланиб, тошнинг ерга “тап” этиб тушишини кутиш, ниҳоят, бу овоз эшитилиб, ер-кўк олқишлардан ларзага келган, кимлардир ғолибнинг бўйнига осилиш, кўлини сиқиш, елкасига қоқиш, юзларидан чўлпиллатиб ўпиш ёки бошқа бир тарзда қутлаш мақсадида у томош ошиққан, Зулун Фармоннинг тепадан келиш лозим бўлган “хушхабар”га интиқ кўзларидан “олтин, фақат олтин” жилоси ўйнаган лаҳзада эса, беллашув русумига кўра орта бурилмай, олға қадам ташлаб давранан чиқиш, яъни ҳакамларга ҳал қилувчи саналмиш бу беҳад омадли уринишдан, демаски, ғалабадан ҳам воз кечганини англашиш, олқишлаб, қийқириқ терлаган оломоннинг: “Шунча томоқ йиртганимиз хайф кетдими?”, дегандек норози увлаганини эшитиш, бундан ҳам муҳими – Зулун Фармоннинг, ҳа, айнан унинг тепа сочи тикка бўлганини кўриш, даҳшатдан бақрайган нигоҳини ҳис қилиш...

Мана, Насимнинг дилида қандай истак жўш уради! Итқитиш тугул, қўлга олиш ҳам кўпда бировга малол келувчи зил-замбил соққатошини кўтариб, даврага киргунига қадар. Даврага кирди дегунча у ҳаммасини унутарди. Зулун Фармонни ҳам, унинг тепа сочини тикка қилиш, даҳшатдан бақрайган кўзларига мириқиб тикилиш истагини ҳам... Даврада Насим қисман эслаган, қисман номи бор-у, ўзи йўқ ёзғувчининг ашъоридан ўқиб билган ўша ўтмиши билан ёлғиз қоларди. Қизнинг бемажол титраётган елкалари гавдаланарди кўз олдида. Сўнг эса йиғидан бўғриққан чеҳраси...

- Қ-қайтиб б-бер! – дерди қиз титроқ овозда.
- Қ-қайтиб б-бер х-хатимни!

Бирок, у қизнинг гапига парво қилмасди.
- Ўйинга туш! – дерди тиржайиб. – Ўйинга тушиб берсанг, оласан!

Қиз кўзларидан ёш қуйилиб, унга яқинлашарди.

- Х-хат... Х-хатимни бер! – дерди ва унинг хат тутган қўли сари узаларди.

- Э, қанақасан ўзи? Гапни тушунасанми? Ўйинга туш, деб айтдим-ку! – дерди у чакқон бир ҳаракат билан хатни тепага кўтараркан.

Қиз нима қиларини, нима деярини билмай, гарангсиб, унинг қўлига таъланарди. У бўлса, мактубни боши узра кўтарганча, кулиб қоча бошларди:

- Ўйинга туш! Тушсанг-чи, ўйинга! Қани, лай-



лум, лала-лум... Ҳа, бўл! Бўлсанг-чи?!)

Насимнинг тоқати фақат шу ергача старди. Шу ерга етганда у ортик чидаёлмай, жаҳд билан даврада гир айланиб, тошни итқитарди. Итқитардию кўлларини мушт қилиб тутиб, бўзига келиб қалданган аччиқ ниманидир ютишга уринганча, бурилиб даврадан чиқарди. Атроф олқиш ва қарсақлардан ларзага келарди. Бирок, у ҳеч қандай овозни эшитмай, кўзлари ҳеч нарсага фарқламай, майдонни тарқ этарди.

Уни табриклашарди. Уни тақдирлашарди. Уни мухбирлар қуршаб, саволга тутишарди. Аммо, назарида, улар савол бермай, жўр овозда фақат шунини такрорлашарди:

- Ҳайинга туш! Тушсанг-чи, Ҳайинга! Қани, лайлум, лала-лум!..

Унинг кўзлари атрофга шафқат сўраб боқарди. Унинг кўзлари атрофдан шафқат сўраб ўтинарди. Лекин, ҳеч ким унинг бу ўтинчини эшитмасди. Ҳеч кимни унинг ўтинчи қизиқтирмасди. Гулнозни ҳам. Насим эса Гулнознинг қизиқшини истарди. Фақат унинг яна қачон сафарга жўнаши ва қачон қайтиб келиши билангина эмас. Баъзан у кўлидан келганча кизни қизиқтиришга уринарди. Бирок, Гулноз ҳеч қизиқмасди. Чунки, унинг кўзларига тикилмасди. Йўқса, ҳамма гапни англаган бўларди. Ҳеч бўлмаса, унинг индаллосини. Шунинг ўзиёқ етиб ортарди. Қачон Насим сафарга жўнашию қачон қайтиб келиши билан бўлак қизиқмаслиги учун. Насим буни ҳаёлан тасаввур ҳам қиларди. Тасаввур қиларди-ю, кўз олдига келган манзарадан даҳшатга тушарди. Гулнознинг қизиқиш доираси кенг эмаслигига шуқр қиларди. Зеро, кўзёши билан боғлиқ яна бир кечмишни кўтаролмаслиги, кўтарса ҳам, уни ўзидан нари итқитолмаслигига ақли старди. Ақли эса Насимга камдан-кам панд берарди. Йўқса, у ақл бўлмас эди. Ҳавода денгиз нафаси гуркираб кездими, демак, у шу яқин орада эканлиги ва тўлқинлаб, қирғоққа урилаётганлигини Насимга англамасди. Бирок, у шу тобда кўпроқ кўзларига ишонарди. Кўзлари эса айни чоғ майдондаги кўм-кўк чим устига келтириб қўйилган курсида ясланмиш Зулун Фармонни кўрарди. Кўллари, оёқлари қулоқларида шанғилламиш амрга бўйсунарди:

- Бир, икки! Бир, икки! Ҳа, чаққон, чаққон!

Ҳавода эса денгиз нафаси гуркирарди. Чамаси, буни Зулун Фармон ҳам ҳис қиларди. Қулоқлиёлани оҳиста оҳиста яқин келтириб, ундаги қайноқ қаҳвага чўчибгина лаб теккизарди-да, сўнг бошини орқага ташлаган асно, ҳузур қилиб ҳавони симирарди.

- Бир, икки! Бир, икки! Ҳа, чаққон, чаққон!

Насим бирдан уни Зулун Фармонга рашк қилди. Ёлғиз ўзи учунгина эмас, дунёга келиб ҳеч қачон денгизни кўрмаган, аммо умр бўйи уни кўриш истагида ёниб яшаган етти, ким билсин, балки етмиш аждоди учун ҳам. Зулун Фармоннинг худди ўзи сингари бақаҳовузлик эканлиги, унинг ҳам томирларида дунёга келиб ҳеч қачон денгизни кўрмаган, лекин умр бўйи уни кўриш истагида ёниб яшаган етти, ким билсин, балки етмиш аждодидан мерос қон гупириши мумкинлигини негидир эсламади.

Насим уни бағрига яширмоқ истагида кучоғини ёзди. Бирок, кучоғи торлик қилди.

- Бир, икки! Бир, икки! Бир, икки!

Насим бу тарз лўкиллаб чопиши боисини билмоққа уринди. Лекин, олдинда ҳеч қандай манзил кўрмади.

- Бир, икки! Бир, икки! Бир...!

Насимнинг қадам ташлаши секинлашди. Насим кўллари, оёқлари қулоқларида шанғилламиш амрга бўйсунётганлар гуруҳидан ортда қола бошлади.

- Нажимбе-е-ск, чопи-и-и-нинг!

Насим жойида таққа тўхтади. Тўхтаб, овоз келган томонга ўтирилди. Ўрнидан туриб, кўлларини шоп қилган кўйи нималардир деб ўзига гап уқтиришга уринаётган Зулун Фармонга кўзи тушди. Насим унинг нима деяётганини фарқламади. Насим унинг айтганини фарқлашни истамасди. Бир зум Зулун Фармонга шу асно – бефарқ тикилиб турди-да, сўнг шартта у томон қараб юрди. Кўз очиб юмгунча югуриш йўлкасини кесиб ўтиб, чимга оёқ босди. Хануз кўлини шоп қилиб, гап уқтиришини қўймаётган Зулун Фармонга тик қараб, бостириб бораркан, туйқус нигоҳи уч-тўрт қадамча нарида, чим устида думалаб ётган ўзининг итқитиш тугул, кўлга олиш ҳам кўпда бировга малол келувчи зил-замбил соққатошини илғарди. Насим йўлни у томон солди. Тош тепасига келиб тўхтаб, энгашди-да, уни даст кўтариб олди. Худди салмоғини чамалаган каби, тошни кўлида ҳавога отиб ўйнаб, Зулун Фармонга зимдан тикилди-да, йўлида давом этди.

Чамаси, Зулун Фармон ниманидир тушунди – аввалги шашт уни секин-аста тарқ этди. Кўлини шоп қилишини, сўнг эса гап уқтиришини ҳам йиғиштирди. Зулун Фармоннинг кўзларида хатар акс этди. Буни Насим аниқ кўрди. Холбуки, ўртада ҳали анча масофа бор эди. Насим ортида ҳай-ҳайлаган овозларини эшитди. Зулун Фармоннинг кўзлари энди илтижоли тикилди. Аввал Насимнинг ортидан ҳай-ҳайлаб овоз бераётганларга. Сўнг эса унинг ўзига. Насим Зулун Фармонга бир қадам чамаси етмай тўхтади. Унинг икки ёнига шалвираб тушган кўллари, илтижо акс этмиш нигоҳи ва аянчли гезарган лўппи ёноқларидан кўз узмай, бирпас турди. Баногоҳ, Зулун Фармоннинг бурнидан пастроқда мошдан сал катта гўштли холни илғарди. Ё менга кўриндимикан, деб кўзларини икки-уч юмиб очди. Нега уни илгари пайқамаганига ҳайрон бўлди. Тағин пича вақт Зулун Фармонга шундай – ҳайрат ва таажжуб аралаш тикилиб турди-да, кўлидаги зил-замбил соққатошини унинг оёқлари тагига ташлади. Тош кўм-кўк чим устига “тап” этиб тушиши баробар, микти Зулун Фармон жойида қулгили ирғишлаб, ўзини жонҳолатда орқага олиб қочди. Бирок, Насим кулмади. Чунки, Зулун Фармоннинг бу тарз ирғишлаши унга ҳеч қулгили туюлмади. Умуман, бу лаҳза у Зулун Фармонга нисбатан дилида ҳеч қандай қудурат сезмади. Шу тобда Насим ўзини илк қарра барча ноқис туйғулардан фориғ ҳис қилди. Бўйинини илгари чўзиб, Зулун Фармоннинг боши узра гуркираб кезмиш денгиз нафасини кўксини тўлдириб симирди-да, бурилиб, ундан узоклашди. Очкўзлик қилмади. Озгина унга ҳам қолдирди.

Эрк ҳисси беҳад тотли эди. Бегона шаҳарнинг нотаниш кўчалари бўйлаб сарсари кезаркан, Насимнинг дилида бу туйғусини атрофдаги барча билан баҳам кўриш истаги жўш уради. Бирок, қаёққа юз бурмасин, қаёққа нигоҳ ташламасин, бу ҳисни гиппа бўғувчи манзараларга кўзи тушарди. Атрофдаги ҳамма-ҳамма нарса – баланд-паст уйлар, бинолар, майдонлар, гулзорлар совуқ темир панжаралар билан қуршалганди. Хатто дарахтлар ҳам одам бўйидан баланд панжара билан ўралган, қўл чўзиб, уларнинг танаси ёки шохидан тутмоқлик маҳол эди. Кўчалар, йўлкалар бир-биридан Хитой дёвори мисол узун чўзилиб кетган панжаралар билан ажратилган бўлиб, улардан йўл топиб чиққунча кишининг силласи қурирди. Атрофдагилардан ёрдам сўраш эса бефойда эди. Атрофдагилардан ёрдам олишни ўйлаган ҳомтама бўларди. Насим буни бир марта синамади. Ёрдам сўраш ниятида ким томон қараб юрмасин, кўзлари унинг темир панжара янглиғ совуқ нигоҳига тўқнаш келиб, жойида таққа тўхтарди. Фақат шаҳаргина эмас, унинг одамлари ҳам темир панжара

билан ўралган каби тасаввур туғилар, уларга яқинлашишни кўзлаган муқаррар равишда шу кўринмас тўсиққа тўкнаш келарди.

Ёлғиз бир нарса Насимга мадад берарди. Ўз бир нарса унинг дилидаги туғёнга қанот ётарди. Панжаралар оралаб илгарилагани сари кўракираб, димоғини чоғ қилаётган денгиз нафаси. Насим денгизни сўроқлаб сарсон бўлмади. Дунёга келиб ҳеч қачон денгизни кўрмаган, ammo умр бўйи уни кўрмоқ истагида ёниб яшаган етти, ким билсин, балки етмиш аждодидан мерос ботиний бир туйғу билан Насим денгиз томон йўл топиб борди. Унинг назарида, бу юртдаги ягона хур маъво шу денгиз эди. Насим дунёга келиб ҳеч қачон денгизни кўрмаган, ammo умр бўйи уни кўрмоқ истагида ёниб яшаган етти, ким билсин, балки етмиш аждоди ўзи билан олиб кетган аччиқ армонни англагандек бўлди...

Ниҳоят, кун қайтиб, уфқ қонгалаш тус ола бошлаган маҳал олинса сувнинг шовуллаши кулоққа чалинди. Насим буни ўзича тўлкинларнинг шаҳд билан кирғоққа урилиб, чиқарган овози тахмин қилди. Дунёга келиб ҳеч қачон денгизни кўрмаган етти, ким билсин, балки етмиш аждодидан фаркли ўлароқ, бу унга таниш эди. Тўлкинларнинг шаҳд билан кирғоққа урилишини кинода кўп кўрган, бунда чиқадиغان овоз кулоқларига маҳкам ўрнашганди. Насим юраги ҳап-риқиб, қадамини жадаллатди. Ҳеч қанча юриб улгурмасидан денгиз узра чарх урмиш қушларнинг шодон ҳайкириклари эшитилди. Ҳар қалай, Насимга улар шодон туюлди. Чамаси, дилида бу лаҳза шундай ҳислар жўш ураётганидан. Насим севинчи бўғиздан тошиб, олға ташланди. Денгизнинг шовуллаши дам сайин кучайиб борди. Қушларнинг ҳайкирган товуши оламни тутди. Насимнинг қаршисида кўз қамрамас, кучоққа сигмас мовий кенглик намоеён бўлди. Уфқда улкан бир гардиш чўеланар, унинг мис ёноқлари денгизнинг мовий сиртида ғаройиб тарзда акс этарди. Насим кўз ўнгига гавдаланган бу бетакрор гўзаллик қаршисида бир лаҳза лол қолди. Фақат бир лаҳза, холос. Чунки, бу кўраётгани ҳўв, уфқда, қўл етмас узокликда эди ва гардиш уфқ ортига ўтиб йўқолиши баробар, кўрган кўзни ўзига маҳлиё қилувчи акс ҳам секин-аста сўниб борарди. Яқинда, шундоқ қўл чўзса етгудек ерда эса тўлкинлар бир-бири билан олишар, кўпириб, шаҳд ила кирғоққа келиб уриларди. Насим қушлар сингари шодон ҳайкириб, кучоғини кенг ёзган асно, ўзини тўлкинлар бағрига отди. Бирок, денгизгача етиб бормасди. Оёқлари ердан узилиб, кўксига денгизнинг муздай шабадаси текканини биледи, туйқус қаршисидан девордай ўсиб чиқмиш баланд нимагадир қаттиқ урилдию чалқанча қулади. Яхшики, юмшоқ кум устига, заранг ерга эмас, биласек, у бу қадар тез ўзига келмаган, демак, гап нимадалигини ҳам ҳали тушуниб етмаган бўларди. Насим оёқлари ердан узилиб, кўксига денгизнинг муздай шабадаси урилган лаҳза туйқус йўлга тўғанок бўлмиш ниманидир кўриб, бошда ўз кўзларига ишонмади. Бирок, ишонмаслиқнинг сира иложи йўқ эди. Денгиз ва ўзи ўртасида Қоработирдек бўлиб, ўша – таниш темир панжара қорайиб турар, назарида, уни мазаҳлаб куларди. Насим қони қайнаб, сакраб оёққа қалқди ва уни айлиниб ўтмоқ ниятида соҳил бўйлаб чопди. Узок югурди. Лекин, ҳеч адоғига етмади. Адоғи кўринмади ҳам. Насим тўхтаб, ортга бурилди. Яна югурди. Яна унинг адоғига етмоқни ният қилди. Денгиз эса шовуллаб, Насимни ўзига чорларди. Тўлкинлар бири-бири билан олишиб чарчамас, кўпириб, шаҳд ила кирғоққа келиб уриларди. Насим эса ҳануз уларга етолмас эди. Соҳил бўйлаб денгизга йўл топмоқ илинжида ҳаллослаб чопгани сари, улардан узоклашиб борарди. Қачондир ўзини денгизнинг бағрида кўришга бўлган умид дам сайин уни тарк этаётганини ҳис

қиларди. Насим югура-югура, ахийри силласи қуриди. Оёқларидан мадор кетди. Нимани истаётгани, нимани излаётганини ҳам унутди. Тағиң озроқ шундай судралгач, кўзлари тиниб, кумга бемажол йиқилди... Насим кумга кўкрак берган асно денгизнинг шовуллашини эшитиб ётаркан, юртга қайтгач, ўзи ва уни кутиб олганлар ўртасида кечиши муқаррар мусоҳабани хаёлан тасаввур қилди:

- Денгизни кўрдингми?
- Кўрдим.
- Қанақа экан?
- Қафас ичида...

Бундан бошқа жавобни Насим билмасди. Бундан ортиқ даҳшатни ҳам у тасаввур қилолмасди.

Денгиз эса шовуллаб, уни ўзига чорлашини кўймасди. Денгиз баайни ундан нажот кутарди. Насим буни фақат энди англади. Қафас денгизнинг нафасини бўғарди. Қафас денгизнинг эркини тушовларди. Насим бу юртга қадам кўйгани заҳоти денгиз бу ҳақда унга ишора берган эди. Қайсидир маънода улар қисматдош эдилар. Насим ва денгиз. Иккови ҳам нажотга муҳтож эди. Иккови ҳам бир-бирдан нажот кутарди. Шу истак уларни айни дам бир-бирига рўпара қилганди. Денгиз шовуллаб, ундан ўрталаридаги ғовни олиб ташлашни ўтинарди. Бирок, Насим ғовни олиб ташлаш тугул, ундан ошиб ўтмоқнинг ҳам иложини қилолмасди.

Туйқус хаёлидан ўтган бу фикрдан Насимнинг кўз олдиди ёришиб кетди. Ошиб ўтиш... Ҳа, ошиб ўтиш! Лаънати панжаранинг оҳанжамаларига оёқ қўйиб кўтарилмиш-да, шартга ундан ошиб ўтиш! Тамом-вассалом! Нега бу олдинроқ хаёлига келмаганига, рости, унинг кулгиси қистади. Қолбуки, бундан осони йўқ эди. Яъни, ўзи ва денгиз ўртасидаги бу бош-адоғи йўқ ғовдан ошиб ўтишдан. Айниқса, болалик чоғи хар кимнинг мезавор боғига ошиб ўтавери-ошиб ўтавери, бунинг кўп ҳадисини олган одамга. Қанақа баланд деворлардан ошиб ўтишга тўғри келарди-ю, эҳ-ҳе! Бу панжарадан ошиб ўтиш эса, Насимнинг назарида, бир лаҳзали иш эди.

Насим нимага осилиш, нимага эса оёқ қўйишни чамалаб олди-да, қаршисидаги панжаранинг оҳанжамаларига тармашиб, юқорига ўрлади. Бирок, ҳеч қанча кўтарилмасидан қандайдир чайир қўллар оёқларига чангадек ёпишиб, уни пастга тортди. Насим зўр бериб улардан юлқиниб чиқишга уринди. Ким билсин, балки юлқиниб чиқарди ҳам. Агар худди шундай бегона қўллар унинг билакларидан ҳам маҳкам тутмаса. Тутгач эса, тайинки, куч билан пастга қараб тортмаса...

Насим ҳолсизланиб, ўзини буткул уларнинг измига берди. Қўллар Насимни тепадан тортиб олишди. Қўллар Насимни қопдай силқитиб, сўнг зулмат қўйнига итқитишди. Кетидан темир эшик шарақлаб ёпилди ва у ўзининг қафасга қамалганини англади. Худди денгиз каби. Фақат унинг ичида денгиз шовулламади. Унинг ичига денгиз сиғмас ҳам эди. Насим қоронғида тимирскилана-тимирскилана, кетини қўйгани зўрға бир энлигина жой топди. Қаёққа қараб юрмасин, у ерда тўнкадек чўзилиб ётган гавдаларга қоқиларди. Хонани буткул ғафлат нафаси қоплаган эди. Яна – асабни қақшатувчи хириллашлар, узлуксиз алаҳлаш ва хуррак овозлари. Бу товушларга қўшилиб, баъзан хонанинг шундоқ ҳам биқик ҳавосини баттар беҳузур қилувчи бадбўй садолар ҳам чиқиб кетадики, бошингни қаёққа яширишни билмай қоласан...

Насим шифтга термулганча мижжа қокмасдан нажотга умид қилиб ётаркан, Ибод таъбирламиш “капалаклар тили”га мансуб иккинчи сўз нуқул тилида айланарди:

- ...vidi.*



Ниҳоят, алламаҳалда эшик ортида қадам товушлари қулоққа чалинди.

Насим туйқус сергак тортди. Ниманидир сезгандек, юраги потирлаб ура кетди. У жойидан ирғиб туриб, овозлар эшитилаётган тарафга юзланди.

Қадам товушлари яқинлашиб келиб, эшик олдида тўхтади. Бир лаҳза сукунат чўкди. Чамаси, эшикбон қулфга калит солиш тарадудиди тин олди. Насимга бу бир лаҳза юз йилга чўзилгандек туюлди. Ниҳоят, шарақлаб қулфга калит солинди. Бунинг кетидан янграмиш шарақ-шурук товушлар калитнинг қулфда айланаётганини аңлатди. Сўнг чўзиқ ғийкиллаб, эшик очилди ва Насим беихтиёр кўзларини юмиб, юзини четга бурди. Эшик очилиши баробар, туйқус юзига урилган ёруғлик унинг кўзларини қамаштирди.

Сезгиси Насимни алдамаган эди. Кўзлари ёруғликка кўниккач, қаршида намоён бўлган бадқовок кимса нигоҳи билан: “Олдимга туш”, дегандек ишора қилиб, буни унга аңлатди.

Насим ўзига эшик очмиш бадқовок кимсанинг олдига тушиб кетиб бораётган узун йўлак нурга чўмиларди. Йўлакнинг икки тарафиди қатор жойлашган темир эшиклар ортида зулмат ҳукмрон эканига ишониш мушкул эди. Ўз бошидан ўтказмаган одам буни тасаввурига ҳам сиғдиролмасди. Масалан, Зулун Фармон. Насим унинг йўлак ёруғида аломат йилтираётган тепакал бошини олисан илғади. Илғаши баробар шунга имон келтирдикки, агар бу қатор темир эшиклар ортидаги тор, қоронғи қафаслардан бирига Зулун Фармонни ташлашса, унинг ичи мана-ви йўлакдан ёруғроқ бўларди.

Зулун Фармон ҳам Насимни илғамай қолмади. Микти гавдаси букчайиб, қоғоғи солинган асно, хаёл суриб тураркан, у, олисда қадам товушларини эшитиб, овоз келган тарафга ялт этиб қаради ва Насимни кўриб, чехраси ёришиб кетди.

Насим Зулун Фармонни илк бор бундай жонсарақ ҳолатда кўриши эди. Шунгами ё бошқа бирор ўзи аңламаган сабабга кўра, худди эскидан қатик ялашган кадрдонини учратгандек севиниб, у томон ошқиди. Бора солиб, уни ердан кўтариб маҳкам қучишни ният қилди. Бирок, Зулун Фармон Насимдан чакқонроқ чикди. Насим ҳали қучоқ очиб улгурмай, Зулун Фармон пилдираб келиб, қалта қўллари билан унинг бўйнига осилди.

- Насиббек... Насиббек... Насиббек... – деб такрорларди у тинимсиз, кўзларидан қуйилмиш севинч ёшларини Насимнинг қўйлагига суркаб.

Ва бирдан Насим Зулун Фармонга нисбатан дилида атиги бир неча лаҳза олдин туғилган илик туйғулар уни тарк этганини ҳис қилди. Уларнинг ўрнини бўшлиқ эгаллади. Зулун Фармонга ҳам, хавони бор бўйи тутмиш денгиз нафасига ҳам муғлақо бифарқ бўшлиқ...

Ташқарида уларни кутиб турган уловда қаёққадир қараб кетиб боришаркан, Зулун Фармоннинг оғзидан қуйилаётган сўзларни Насим фақат элас-элас эшитарди.

- Наимбек, бизга ҳам осон тутманг...

Йўл, назарида, адоқсиз эди. Йўл уни ғуссага чўмдирарди.

- Надимбек, ахир, биздан ҳам сўрашади...

Чунки, бу ҳис алдоқчи эди. Яъни, йўлнинг адоқсизлиги. У албатта қайдадир узилишини Насим биларди. Айнан қаерда узилишини ҳам. Гарчи, у бу йўлдан илк бор юраётган, илк бор алдоқчи ҳис қутқу солиб, дили ғуссага тўлаётган эса-да.

- Нажиббек, акаси, энди бутун умид – сиздан!..

Ўйингоҳ тагига баланд ўт ёқилмиш улкан до-

шқозонни эслатарди. Ўйингоҳда эҳтирослар бикирлаб қайнарди.

- Носирбек, сизни чақирди-ку, ахир, бўлмайсизми?

Бирок, Насим шошилмасди. Зулун Фармоннинг бу тарз жонқиши сабабини ҳам у тушунмасди. Зеро, мусобақа русумига биноан, ҳар бир уринишга уч дақиқа вақт бериларди. Роса уч дақиқа!

- Э, худо, сенга нима ёмонлик қилувдим-а?! Нодирбек, жон ука, айтинг, нима қилай, оёғингизга бош урайми, а, тиз чўкиб ёлворайми?!

Тиз чўкишнинг асло ҳожати йўқ эди. Оёқларига бош уришнинг ҳам. Мусобақа русумини билиш кифоя эди. Хусусан, бир уринишга роса уч дақиқа вақт берилишини. Ахир, уч дақиқа ичида Насим баҳс бойлаб, Бақаҳовунинг у лабидан бу лабига юзиб ўтарди. У итқитмоқ тугул, қўлга олиш ҳам кўпда бировга малол келувчи зил-замбил соққатошини кўтариб, кириши лозим бўлган давра эса, ана, икки қадамгина жойда эди.

Насим Зулун Фармонни тиз чўкишга қўймай, даст ўрнидан турди. Зулун Фармоннинг ўтинчи кўнглини бузгани учун эмас, уринишни бажаришга берилган вақтнинг учдан биригина қолгани туфайли. Буни у ўйингоҳ пештоқидаги баҳайбат рақамли соатда кўрди. Сўнгги дақиқанинг лаҳзалари ўтиб борарди. Лаҳзалар йўқликка чекинарди. Эллик бир... қирқ етти... қирқ тўрт... Насим шошилмай бориб, мис жомни эслатувчи идишда қўйилмиш оқ қуқунга қўллари булади. Сўнг қайтиб, ердан соққатошини даст кўтарди-да, аста давра сари йўналди. Ўттиз уч... ўттиз бир... йитирма тўққиз... Насим даврага кириб, ҳар доимгидек тошни итқитиш олдидан тин оларкан, бирдан қаршида жимирлаб таниш қумлоқ қирғоқ кўрингандек бўлди. Сўнг сувнинг қаттиқ-қаттиқ шалошлаши ва унга ҳамоҳанг жўр бўлиб қичқирган овозлар қулоққа чалинди:

- Ўн тўрт! Ўн уч! Ўн икки!..

Овозлар ҳам Насимга таниш ва ҳатто алпанчук кадрдон туюлди.

- Ўн! Тўққиз! Саккиз!..

“...етти... олти... беш...”, деб санаб, Насим ҳам беихтиёр уларга қўшилди. Сўнг қўлидаги зил-замбил соққатошни ўнг елкасига қўйиб, бошини хиёл у томон солинтирган асно энгашиди-да, кўксини тўлдириб нафас олди.

- Тўрт! Уч! Икки!..

- Ҳа-а-а-а! – деган хитоб титратди ўйингоҳни. Назарида, у тош ҳавода маълум вақт учиб, ерга “тап” этиб тушганидан кейин ҳам хийла вақт акс садо бериб турган бўларди. Агарда ер-қўқ қарсақ, ва олқишлардан ларзага келмаса.

Насим, худди елкасидан босиб турган оғир юкдан халос бўлган каби, енгил тортиб, даврадан чиқаркан, тишлари орасидан четга туфлади:

- V i c i .*

Бу унинг меҳмондўст Гапдон Тўтилар заминиди айтган сўнгги каломи эди. Озгина ўтиб маълум бўлдики, фақат меҳмондўст Гапдон Тўтилар заминиде эмас, Бадал айни дам Насимнинг кўзларига қадалиб, нафас ютмасдан томоша қилаётган сафар тафсилотида ҳам айтилган сўнгги сўз шу экан. Зеро, Насим шунга айтиши баробар, бирдан қора-қура нималардир пириллаб, тасвир узилди ва Бадал унинг кўзларида ўзини кўрди – нафас ютмасдан, тош қотиб уларга тикилиб турган зироат ва зирavorшунослик куллийтининг толиби Бадал Армонни.

Бадал Насимга қарийб тумшук тираб қолганини пайқаб, хиёл ортага чекинаркан, худди унинг кўзларида ҳали кино бошланмай туриб акс этган

*V i d i – кўрдим (лот).

*V i c i – голиб чикдим (лот.).

ҳасрат ўзига ўтгандек, чуқур хўрсинди: “Филм тугади”.

Бадал ўзининг бу айтганига ҳеч шубҳа қилмаган бўларди, агар туйқус шундоқ қулоғи тагида асабни қажшатувчи чўзиқ хуррак овози эшитилмаса. Ким билсин, балки у анчадан буён янгради, бироқ Бадал уни фақат энди пайқади. Ўзини баайни Насим зулмат кўйинида ҳам, чамаси, ниманидир фарқлаб, “...кўрдим”, деб айтган зим-зиё, тор ва бадбўй авахтада ҳис қилиб, сал бўлмаса ўтакаси ёрилаёзди. Яхшики, хуррак овози лаҳза ўтиб аввалгидан ҳам чўзиқроқ бир тарзда яна такрорланди ва у Бадалга жуда таниш туюлди. Овоз ҳам, хуррак отиш йўсини ҳам... О, бу хуррак бетакрор! “Тарки одат – амри маҳол”, деб айтган дононинг отасига раҳмат! Ибод. Бошқа ким бўларди? Бошқа ким кинога атай уйқуни уриш ва барча бутун вужуди кўзу қулоққа эврилиб қадалмиш жанг-жадал ёки ишқ-эхтирос сахнасида таралган овозларга ўзининг бетамиз хурраги билан жўр бўлиш учун тушарди? Албатта, Ибод! Бадал ҳатто унинг шу дам ўриндиқда қай йўсин ясланганию боши бир томонга қай тарз қийшайиб, оғзи пашшаларга тайёр ошён бўлиб очилиб қолганини ҳам кўз олдига келтирди. Тахмини нечоғли тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида Ибоднинг ёнидагиларни оғоҳ этган бўлди:

- Ҳой, ким бор? Бунинг сўлақчасини тақиб кўйинглар, тагин кўйлаги доғ бўлмасин.

Дам ўтмай, ўзининг бу айтганига жавобан Шахлонинг зардали бир тарзда:

- Уф-ф! – деганини эшитди. Қошларини чимириб. Лабларини чўччайтириб. Лекин, қиз шунинг ўзи билан кифояланмади. Кетидан: - Хурмачанга лойиғини ичсанг бўлмайдимми? – деб Ибоднинг бу одатий нағмасига муносабат билдирган бўлди.

Бадал, гарчи қарамаётган эса-да, Шахло дастрўмол кидириб Ибоднинг чўнтақларини қоқиштиришга киришганини фаҳмлади. Дастрўмоли кўйлагининг чўнтагида. Ибод уни зарур пайт одатда шу ердан чиқаради. Бу ҳаммага маълум. Шу жумладан – Шахлога ҳам. Лекин, у албатта аввал Ибоднинг бошқа чўнтақларини обдон кавлаштириб чиқади, дастрўмол жойланмиш чўнтакка эса фақат сўнгги навбатда қўл суқади ва...

- Вой, бу нима?!

Шахлонинг овози баногоҳ озгина муқаддам зоҳир зарда ва иддаодан мутлақо холи янградик, Бадал у томон юз бурмасликнинг сира иложини қилолмади.

Шахло, бир қўлида – тўрт буклоғли хиёл гижим дастрўмол, иккинчисидан – чамаси, чўнтақдан унга илашиб чиққан қандайдир тасма шаклида қирқилган чипор тус қоғоз бўлақларини тутганча, хангманг тикилиб турарди. Табиийки, дастрўмолга эмас. Кўзлари ажабтовур ёнаётгани, кўкси ҳаяжондан тез-тез кўтарилиб тушаётганидан у қўлидагининг шунчаки оддий тасмасифат қоғоз бўлақлари эмаслигини англаган кўринади, ҳатто улар асло кўзни қувнатмайдиган, чипор тусда бўлса ҳам. Фақат, ичидан тинимсиз босиб келаётган ҳаяжон қизнинг тилини тортиб, уларнинг сирини бошқаларга ҳам очишига имкон бермасди.

- Қара? – дея олди Шахло базўр, севинчи бўғзига тикилиб, қўлидаги ҳеч қутилмаганда ҳаяжонини жунбушга келтирмиш бу сабил қоғоз бўлақларини Гулнознинг тумшуги тагида айлантитаркан.

Бадал Шахлонинг нигоҳидаги ифода дарҳол Гулнознинг кўзларига ҳам акс этганини кўрди. Ҳолбуки, атиги бир фурсат муқаддам улардан муз шамол уфурарди. Айниқса, Бадал тарафга.

Шахло ҳаяжонини жуда тез жиловлади. Шахло қўлидаги тасма шаклида қирқилган чипор тус қоғоз

бўлақларини боши узра кўтариб, барчага кўз-кўз қилди.

- Мана! – деди. – Ибод ҳўв бирда айтганининг устидан чиқибди! Қандай топди экан – ҳайронман. Бир ой олдин сотиб бўлинган, деб эшитувдим-ку. Бир оғиз айтмайди-ям-а, писмиқ!

Бадал ҳамма гапга тушунди. Ва айнан шу уловни кира қилишганига беҳад севинди. Гарчи, у алмисоқдан қолган ва баайни эшакарава янглиғ имиллаб судралаётган эса-да. Билакс, унинг манави икки ён деразалари бу тарз ҳеч тушириб бўлмайдиган қилиб маҳкамланмасди. Зеро, уларни тушириш мумкин бўлган буралма тутқичнинг ўзи, чамаси, қачондир, қаердадир тушиб қолган эди. Ва Шахло ҳам, Гулноз ҳам ўзларини ташқарига отишган бўлишарди. Ахир, гап маълум ва машҳур “Така-тум” гуруҳи, тўғрироғи, унинг ушбу окшомги томошасига олинмиш чипталар тўғрисида кетарди. Бу гуруҳ номини эшитган заҳоти эса ўзини томдан ташлаш расм эди. Томдан ёки деразадан. Қай бири ўнғай келса. Айни ҳолда, афсуски, на у ва на бу имконият мавжуд эди. Шу боис улар фақат ўтирган жойларига чапак чалиб, ирғишлаш ва ёлғиз ўзларигина тушунадиган тарзда чуғурлашиш билан кифояланишди.

- Чапдан ўн олтинчи қатор, – деб маълум қилди сўнг Шахло. – Жойлар: йигирманчи, йигирма биринчи, йигирма иккинчи, йигирма уч... Ие, нега фақат тўртта? – Шахло савол назари билан Бадалга тикилди. Гўё бунинг сабаби унга маълумдек. Бадалдан садо чиқмагач, нигоҳини Гулнозга қадади. Бирок, ундан ҳам саволига жавоб эшитмади. – Ё, Ибоднинг чўнтагида қолиб кетдимикан? – деб тахмин қилди сўнг ўзича ва тагин унинг чўнтақларини қоқиштиришга киришди. Обдон қоқиштирди. Лекин, ҳеч нарса топмади. – Йўқ, – деди Шахло хафсаласи пир бўлган каби ва Ибоднинг ёқасидан тутиб, силгалашга тушди: - Ҳой, нега бу тўртта? Ахир, биз беш кишимиз-куё Эй, кўзингни очсанг-чи?! Ҳа, ўлсин уйқу!

Ибод сачраб уйғонди.

- Аў Нимаў Эрталаб бўлдимми? – деди довдираб ва пайпасланиб, ниманидир кидира бошлади.

- Мабодо, буни кидирмаяпсанми? – деб Шахло унинг қўлига дастрўмолини тутқизди.

- А? – деди Ибод бир Шахло, бир дастрўмолига қараб, чамаси, ўзининг қаердалигини хануз тушунмай.

- Қалла пишдимми? – деб қулди Шахло. – Бевақт безовта қилдик, шекилли, а?

- Ухлаб қопманми? – деди Ибод кўзларини ишқалаб. – Бундай туртиб, уйғотиб ҳам қўймайсизлар, – деб ўзича улардан ўпкалаган ҳам бўлди.

- Ҳа, сеңи туртиб, уйғотиб бўлади, – деб кино қилди Шахло ва қўлидаги чипталарни Ибоднинг тумшуги тагида уйнатди. – Мановиларни сотиб олаётганингда ҳам уйқусираб тургансан, шекилли, а?

- Ҳа, уми, – деди Ибод гап нимадалигини тушунган каби ва: - Бори шу экан-да, – дея елка қисиб, ўзини оклаган бўлди.

- Демак, орамизда кимдир ортиқча, – деб гап қўшди Гулноз.

Шахло унинг бу гапини, чамаси, ҳазилга йўйди.

- Ким экан? – деди қулиб ва тагин Ибодга осилди: - Буларни сотиб олаётганингда кимни ҳисобдан чиқарувдингў Мабодо, ўзингнимасми?

- А-а, – деб Ибод бепарво қўл силтади. – Ўша ердан топамиз. Бирортасида ортиқча чиқиб қолар. Жуда бўлмаса, ана, қўлдан олармиз...

- Айтдим-ку, орамизда кимдир ортиқча! – деган овоз янгради тагин, бу сафар хийла кескин бир тарзда ва ҳамма беихтиёр Гулноз томон ўгирилди. Бирок, уни ёлғиз Бадалнинг нигоҳи қизиқтирарди. Буни Бадал дарҳол фаҳмлади. Ўтирилиб, нигоҳи қиз-



нинг кўзларига тўқнаш келиши билан. Уларга узок тикилиб туролмади. Эти алланечук жунжикканини сезди ва нигоҳини четга олиб қочди. Бу байрамда у ўзини чиндан ҳам ортикча ҳис қилди. Гарчи, “Така-тум” гуруҳининг маънисиз қўшиқларигина эмас, номининг ўзидек кўнглини беҳузур қилса-да. Фақат ҳозир эмас, доим ҳам.

- Тўхтат, - деб айтди Бадал ҳайдовчига.

- А? - деди ҳайдовчи йигит англамай.

- Тўхтат! - деб буюрди Бадал қатъий қилиб.

Ҳайдовчи қандай иш тутишини билмай, дам унга, дам Насим томонга ҳайрон аланглади.

- Хой, тўхтат аравангни, мен тушиб қоламан! - деб тушунтирди унга Бадал.

Улов йўл четидида тўпланган чангни буруқситиб, тўхтади.

Бадал жаҳд билан эшикни очмоқ учун узаларкан, Ибод унинг елкасидан туғиб:

- Э, қўйсанг-чи... - дея, чамаси, ниятидан қайтармоқчи бўлиб оғиз очди. Бирок, Бадал дарҳол унинг оғзига урди:

- Сен аралашма!

Бадал уловдан сакраб тушиб, эшикни қарсиллатиб ёпаркан, туйқус нигоҳи олди ўриндикда ўтирганча ўзи томон бош бурган Насимнинг кўзлари билан тўқнашди. Улар Бадалга ҳамдардона боқарди. Улов пишқири-пишқири жойидан кўзгаларкан, Бадал Насимнинг ўзига қадалмиш кўзларида шу сўзларни ўқиди: “Оҳ, сенга қандай хавасим келаётганини билсанг эди!”

Бирок, улов ҳеч қанча юрмасдан, яна тўхтади ва орқа ешиги очилиб, ундан Ибод тушди.

- Шошийнинг улуши. Бериб кўярсан, - деди у ҳарсиллаганча чопиб келиб, Бадалнинг кўлига ярми бўшатилган майли шишани тутқазаркан. Сўнг, унинг дилини пора қилиб, овутомққа тутинди: - Сен сира хафа бўлма. Хўп? Гулнозни ўзинг биласан-ку. Хафа бўлмадингми, аў Йўқ, айт, хафа бўлмадингми?..

Бадал уловнинг орқа гилдираклари тагидан кўтарилган куюк чанг ва тутун пардаси ортидан ғамгин тикилиб қоларкан, йўл четидаги ўша чанг янгли дилининг тубида тўпланмиш ранж ва аламга омихта аччиқ бир хўрсиниқ бўғзини тилиб ўтди: “Кетаман! Барибир бош олиб чиқиб кетаман!”

“...тоғларга, адирларга”, деб ёзган бўларди адиб унинг фикрини давом эттириб. Бадалнинг ўзи ҳам ҳеч бир шоир ёки ёзувчининг аралашувисиз шу хаёлга келиши мумкин эди, агар бош олиб чиқиб кетса бўладиган ўша тоғлар ва адирларнинг қаердалигини билса. Ўзини алдашни эса Бадал истамасди. Зеро, Бақаховузнинг энг чекка нуқтасидан ўнгга ё сўлга, ортга ё тиккага бир кеча-кундуз бетўхтов шаталок отиб ҳам тоғ ёки адир тугул, уларни элас-элас ёдга соладиган бирор тузукроқ дўнгга-да дуч келиш душвор эди. Ҳа, роппа-роса бир кеча-кундуз бетўхтов шаталок отиб. Масалан, капалаклар кетидан. Боғлар, гулзорлар ошиб. Йўлда дуч келган ариқлардан хатлаб, сойларни эса кечиб ўтиб. Майсазорларда оёқяланг чопиб. Унинг қорасини сезгани ҳамон гуллар ё майсалар орасидан лип этиб ҳавога кўтарилиб, учиб кетган капалакларни ҳаллослаб қувиб. Матрапга илинганини қисқич билан қанотининг бир чеккасидан охишта тутиб, обдон томоша қиларди-да, сўнг белига маҳкам боғлаб олган маҳсус шиша идишга жойларди. Ҳар бир учраган капалак унинг завқини оширарди. Ҳар бир тутилган капалак унинг шавқини тоширарди. Тунлар қисқариб, кунлар беҳад узайган ҳазирама палла эди. Оламни ёритиб, жамики тирикликнинг кетига ўт қалаган офтоб ҳеч қачон ботмайдиганга ўхшаб туюларди. Гарчи, у дам сайин фарб

томон эниб бораётган эса-да. Бадал оқшом чўка бошлаганини фақат куннинг тафти қайтиб, гуруб олтинранг тусда алангаланаётган маҳал пайқади. Узаб кетиши мумкинлиги тўғрисида уйдагиларнинг ҳеч битасини огоҳлантирмагани фақат шунда унинг ёдига тушди. Узаб кетиш нияти ҳам йўқ эди. Ўзи сезмаган, истамаган ҳолда шундай бўлди. Бу унинг илк дафъа далада ёлғиз тунаши эди. Дарвоқе, у ёлғиз эмасди. Кўкда кўзни қувнатиб юлдузлар чарақларди. Майин шабада унинг ёноғини охишта сийпаларди. Майсалар эса шивирлаб, уни аллалашга уринарди. Бирок, беҳуда - Бадал икки кўлини бошига ёстик қилганча, майсалар устидида узала тушиб ётиб, мижжа қоқмасдан юлдузларга термуларди. Улар ичидан ўзининг Хулқарини топишга уринарди. Унинг асло Хулқар ва ҳатто Зухро ҳам эмаслигини Бадал хали билмасди. У айни дам онаси уйда дарди-дунёси қоронғи тортиб, бир эмас, юзга Бадални туғиб ўтирганидан ҳам мулақо беҳабар эди. Отаси барча ошналариникига бирмабир кириб, ҳеч қайсисиникидан унинг қорасини топмай, ҳеч қайсисидан унинг аниқ бир дарагини эшитмай, бутун миршабхонани оёкка турғазганидан ҳам. У буни қандай уддалаганига ҳали-ҳануз Бадалнинг ақли етмайди. Билади, фақат бировларнинг гапидан. Эмишки, отаси барча таниш-билишларни обдон сўроқлаб, барча ошналариникига бирма-бир эшик қоқиб, ҳеч ердан унинг дарагини топмагач, тўлпатўғри миршабхонага бош уриб борган. Афтидан, кимнингдир маслаҳати билан. Тайинки, бошқа ҳеч илож топмаганидан. Зеро, у отасининг миршабга ишонадиган одам эмаслигини яхши биларди. Бировнинг маслаҳати билан иш тутиш одати йўқлигини ҳам. Чамаси, отасини уларнинг “миршаб” деган номи чалғитган. “Миршаб” деган номи ва бу сўзнинг луғатда берилмиш изоҳи. “Миршаб” - яъни, тун кўриқчиси, соқчиси. Дунёда эса бу дам тун ҳоким эди. Зим-зиё, қоронғи тун. Ўғлини топиш илинжида ўз ишончи ва одатини унутган отанинг дилида ҳам. Кўкда чарақлаётган юлдузлар ҳам айни дам унинг кўзига кўринмасди. Улар шу лаҳза ўғлига йўлдош бўлиши мумкинлиги, демак, миршабдан эмас, кўкдаги юлдузлардан уни сўроқлаш жоизроқлиги ҳам асло хаёлига келмасди. Миршабхонада ёқавайрон, сарпойчан алпозда курсида ясланиб, “Ха, ху! Ур, теп!”, дея ҳовлиққанча, ойнаи жаҳондан футбол ўйинини томоша қилаётган кимсадан бошқа ҳеч зог йўқ эди. У ўзини навбатчи деб таништирди. Отаси ичкарига кириб, унинг тепасида салкам ярим соат тикка гўдаиб турганидан сўнг. Тўғри, ора-сира бир-икки томоқ кириб, сўнг қаттиқ-қаттиқ йўталиб кўрди. Бирок, у парвосига ҳам келтирмади. Фақат ўйин тугаганидан сўнг курсида ширин керишиб, ўрнидан кўзгалди, оёқларига шиппақларини илди, бошига эса миршаблик аломати саналмиш қалпоғини кўндирди ва шундагина у оз-моз миршабга ўхшади.

- Хўш, хизмат?

Бу унинг ўзини таништирганидан кейин айтган сўзлари бўлди. Сўнг у тагин курсида худди ўша алпозда ясланди ва отасининг арзига қулоқ тутди. Миршабнинг юз ифодасига қараб ўйлаш мумкин эдики, у гўё хануз ойнаи жаҳондан футбол ўйини томоша қиларди. Фақат: “Ха, ху!”, ё: “Ур, теп!”, деб қичқирмасди, холос.

- Хў-ў-ўш, - деди миршаб чўзиб, отаси арздодини тугатганидан сўнг. - Қачон уйдан чиқиб кетувди, дедингиз? Бугун эрталабми? Яхши, яхши.

- Нимаси яхши? Хой, ахир, мен...

- Энди-и, очиги, гап бундай-да. Ташвиш билан бўлиб роса толиққан кўринасиз. Сиз ҳозир хотиржам уйга боринг. Келинонимларни тинчитинг. Асабга ҳам жиндай дам беринг. Балки, ўғлингиз ҳозир уйда келиб ўтиргандир. Келмаган бўлса, эрта, индин

ҳам кутинглар. Агар шунда ҳам дараги чикмаса, ана кейин...

- Менга қаранг, ахир...

- Тушунинг. Буни мен ўйлаб чиқарганим йўқ. Тартиб шундай. Бедарак кетган одам фақат уч кундан кейин йўқолган ҳисобланади. Шунгача иш кўзга шаҳа ҳаққимиз йўқ. Ўқимишли одамга ўхшайсиз-ку. Мана, ўқиб кўринг. – Шундай деб, миршаб унинг олдига семиз бир китобни ташлади.

- Барака топгур...

- Майли, сиз аризани ёзиб қолдиринг. Шунда хотиржамроқ бўлади. Хў-ўш, унда ўғлингизнинг бўйбастии, кўриниши, ўзига ҳос белгилари, уйдан чиқиб кетаётганда қандай кийимда бўлганини батафсил кўрсатинг. Агар сурат бўлса, яна ҳам...

Узунқулоқ гапларнинг далолатича, навбатчи сўзини тутатиб улгурмаган. Ҳамма бало шунда эдики, Бақаховуз ҳар куни биров бедарак йўқолаверадиган беҳаловат жой эмасди. Тош тоғанинг тилаб-тилаб олган биттаю битта қизи келгинди мардикор билан тил топишиб, қочиб кетганидан бери бу ерда бировнинг бедарак йўқолганини ҳеч ким билмасди. Тўғри, бедарак кетган бир кимса бўлган эди. Аммо, биринчидан, у бақаховузлиқ эмасди. Иккинчидан эса, унинг бир куни шундай бедарак йўқолишини у шаҳар кўчаларида Азим баққолнинг меросхўр арзанда-си билан қўлтиклашиб пайдо бўлган заҳоти ҳамма тахмин қилган эди. Шунгами, бу ерда ҳеч ким ёзилган қонун-қоидаларга биноан иш тутиб ўрганмаганди. Хусусан, бедарак кетганлик тўғрисидаги қонун-қоидаларга. Буни навбатчи миршаб ҳам биларди. Бирок, иш бу ёққа қараб бурилишини, чамаси, у ҳеч хаёлига келтирмаганди. Яъни, ўғлининг ҳеч ердан дараги чикмаётганидан арз қилиб келган кўринишдан ювош, мулойим одамнинг дарғазаб бўлиши мумкинлигини. Бунга Бадал ҳам ўла қолса ишонмас эди, агар эрта азонда ёлғизоёқ дала сўқмоғидан Бақаховузни илондай чирмамиш ҳалқа йўлга чиқаётиб, тонг шудрингида дийдираб турган икки чоғли миршабга дуч келмаса. Бадал хуштак чалиб, қўлидаги матрапни хуштакка ҳамоҳанг ўйнатиб, жадал юриб келарди. Миршабларга кўзи тушиб жойида таққа тўхтади. Оёқларидан мадор қочди. Кўнгли ноҳуш ниманидир сезгандек бўлди. Миршаблар ҳам уни дарров илгашди. Бири қўлида ниманидир тутганча аста Бадал томон юрди. Унга икки-уч қадам етмай тўхтади. Бадал унинг қўлида тутгани хиёл гижим бўлган бир парча сурат эканини пайқайди. Миршаб уйқусизликдан киртайган кўзларини бир Бадалга, бир қўлидаги суратга қадаб, озроқ турди-да, сўнг шериги томон ўгирилди:

- Шу.

- Отанг нима иш қилади ўзи, а? – Буни улар улов чақириб, “тутқун”ни босиб олиб кетишаётган пайт Бадалдан сўрашди. – Тавба! – дея бир-бирларига қараб лаб буришди у отасининг қаерда ишлашини айтгач. Сўнг бири Бадалга уқтирди: - Отангта айт, бундан кейин бўйнингга арқон бойлаб, ўзи билан олиб юрсин.

Бадал унинг бу гапига ҳайрон бўлди. Гапнинг ўзига унча таажжублангани йўқ. Бу гапни нега отасининг ўзига эмас, унга айтишгани кўпроқ таажжублангирди. Бунинг боисини фақат кейин тушунгандек бўлди. Капалаклар кетидан қувиб кетгач, бу ерда рўй берган можароларни эшитганидан сўнг. Чамаси, отасини баттар дарғазаб қилишдан чўчишган-ов.

Ўнгидагина эмас, тушида ҳам у нуқул капалакларни қувлайдиган ажойиб давр эди! Отасини уйлашмаган, онасини ҳам ҳали куёвга узатишгани йўқ. Ғойиб-ку, кип-қизил бўйдоқ, бўйнига ҳали тўрвахалта осилмаган. Тўрвахалта ўрнида ҳозирча Бадал ва унинг тенгмўйсалари умри бино бўлиб қўлида тутмаган, лекин тутишга ҳавасманд тезотар яроғ. Агар

Ғойиб ўзи шу ерда бўлса, албатта, яроғни уларга ушлатар эди. Бунинг акси бўлгани боис, Ғойиб фақат ўзининг яроғ тутиб тушган суратларинигина уларга йўллашга мажбур. Бадалнинг номига ёзилган хатларга кўшиб, албатта. Сурат кўшиб ва суратсиз юборилган мактубларда Ғойиб ўзининг сихатини баён этиб, бошқаларнинг сихатини сўроқлаш билан бирга, бўйдоқлигига шубҳа билдиргандек ҳам бўлади. Яъни, ҳа, у бўйдоқ, лекин кип-қизил эмас, сарик, сафсар ё чипор ҳам, чунки уззукун қўлида шу тезотар яроғ, уни кучоқлаб ётиб, уни кучганча уйғонади, бир лаҳза бўш вақт туғилди дегунча уни қисмларга бўлақлаб, ялаб-юлкайди, сув кечса ҳам, қум кечса ҳам уни боши узра баланд кўтариб юради – гард кўндирмайди. Буни Бадал тахминан тасаввур қилади, чунки Ғойиб ўзи сўзлайдиган чапани йўсинда аниқ ва лўнда қилиб ёзади барини, ўқиб, Бадалнинг унга ҳаваси келгандек ҳам бўлади, ундан ҳеч курса бир йил кейин туғилмаганига ачинади. Билас, у ҳам худди Ғойиб сингари урушга кўнгилли бўлиб ёзилган, унинг хатларида ўқиганларининг барчасини ўз бошидан ўтказган бўларди. Бирок, кейин маълум бўлдики, ўзи ихтиёр билдирмаса ҳам, барибир олиб кетишар экан. Агар Бадал Ғойибдан ҳеч курса бир йил кейин туғилган бўлганида. Аммо, бу вақтга келиб, Бадал бунга сира ҳам ачинмай қўйди. Чунки, Ғойибнинг унга йўлламиш мактублари мазмуни ғалати бир тарзда ўзгара бошлади. Улардаги фақат Ғойибгагина хос бўлган чапанча ифода йўсини секин-аста йўқолиб борди. Мактуб чиндан ҳам Ғойибданми, ё бировники билан алмашиб кетганми – Бадал баъзида тушунмай қоларди. Бирок, дастхат, шубҳасиз Ғойибники эди. Ҳар доимгидек, хатнинг бошида ва тагин унинг ҳар ер-ҳар ерида Бадалнинг номи тилга олинарди. Бадал Ғойибнинг хатларини ўқиб, кўпда фақат шунигина тушунарди. Яъни, ўзининг исмини. Хатларда айтилмиш ақсар гапларнинг мағзини чақишга Бадал ожизлик қиларди. Ғойиб ўзи илк хатларида айтмиш, “соғ-омон, ўйнаб-қулиб, йигитлик бурчини ўтаётган” одамнинг гаплари эмасди улар. Лекин, бу ҳам ҳали ҳолва экан. Чунки, бора-бора Ғойибнинг хатлари нафақат мавҳум, ҳатто бир қадар тўмтоқ тусга кирди. Дейлик, Ғойиб ўзининг Бадалга йўлламиш бир мактубида қандайдир хиддан бўғилиб кетганидан нолирди. Ғойиб буни мавҳум қилмаган, хатда кўрсатган эди. Бирок, Ғойиб айнан ниманинг хиддан бундай бўғилганини аниқлашга сўз устидан қуюқ қилиб қизил сиёҳ тортилганди. Бундай сўзлар Ғойибнинг бу даврдаги мактубларида бисёр эди. Унинг айни даврга тааллуқли айрим хатлари ора-сира кўк майса кўзга ташланувчи кип-қизил лозазорни ёдга соларди. Фақат, унда капалаклар учиб-кўнмасди. Демак, Бадал ҳам уларнинг кетидан бу ерда шаталок отиб югурмасди. Илло хаёлга рағбат берувчи лозазор эмас эди у. Этни титратувчи совуқ нафас гупиллаб уфурарди ундан. Шундай хатлардан бирини орзиқиб очгани ва нақ ўтақаси ёрилиб, уни қўлидан тушириб юборгани Бадалнинг эсида. Сўнг хийла вақтагача ўзига келолмай, унинг тепасида чайқалиб тургани ҳам. Бир вақт кимдир яқинлашиб, унга нимадир деди. Чамаси, ундан ҳолини сўради. Ким – ҳозир унинг эсида йўқ. Бадал мик этмади. У эса энгашиб, хатни ердан олди. Орқа-ўнгини ўгириб қараб, сўнг Бадалнинг қўлига тутқазди ва тагин нимадир деб, ундан узоклашди. Бадал хийла вақтагача хатни қайта очишга журъат қилмади. Қўлида тўрт буклоғли қоғоз эмас, баайни бир парча лаҳча чўғ тутиб турарди у. Ниҳоят, юрак ютиб хатни очди Бадал ва яна чўчиб, уни ташлаб юборди. Хатнинг қатидан гўё лахта-лахта қон силқиб оқарди. Бадал даҳшатдан кўзлари ола-кула бўлиб, юкмадимикан деган хаёлда дарров қўлларига қаради. Бирок, уларда ҳеч қандай доғ кўрмади. Бу хат фақат бир нарсадан далолат берарди. Ғойибнинг



соғ-омонлигидан. Бунинг тескариси бўлиши мумкинлигини Бадал ҳеч ақлига сиздирилмасди. Баайни Ғойиб билан бир вақтда ва ундан сўнг кетганларнинг аксарияти энди ҳеч қачон қайтмаслиги, ҳеч қачон кўчани тўлдириб давралар қурмаслиги ва кизларнинг ортидан гап отиб, хушомад қилгани эшитилмаслигини тасаввур этолмагани каби. Лекин, бу ҳол юз бериши мумкинлигини қалбан ҳис қиларди. Зеро, бу пайтга келиб, у кўп жумбоқларнинг тагига ета бошлаганди. Хусусан, Ғойиб айнан ниманинг ҳидидан бўғилганини, унинг хатлари секин-аста далли-девона тус олиб боргани сабабини, нега бир сафар унинг мактуби қатидан лахта-лахта қон силқиб оқаётгандек бўлиб туюлганини. Холбуки, яқин-яқинда ҳам булардан ҳеч асар йўқ эди. Ҳатто, кетганларнинг энг биринчиси қайтиб келганидан сўнг ҳам. Фаолнинг ўғли – ўша, барчани кўнгилли бўлиб ёзилишга чорлаб, ўзи биринчи ўрнатқан кўрсатган “бақаҳовузлик шунқор”. Унинг бу ишини дунёга дoston қилувчи “Бақаҳовуз ҳақиқати”даги мақолага шундай сарлавха кўйилган эди – “Бақаҳовузлик шунқор”. Ўтган қисқа вақт ичида дунё кўриб қайтишга улгурган эсада, у бақаҳовузликлигича қолган эди. Бу унинг афтига ёзилганди, яъни бақаҳовузлик эканлиги. Бу муҳрни гишт билан ишқалаб ўчириш ҳам маҳол эди. Бирок, унинг шунқорлиги масаласига келганда... Ҳм, балки дунё кўргани жўнашидан аввал у “Бақаҳовуз ҳақиқати”дагиларнинг кўзига чиндан шунқор бўлиб кўрингандир. Хусусан, минбарда барчани кўнгилли бўлиб ёзилишга чорлаб, ваъз ўқиётган маҳал. Лекин, уни ҳозир шунқор уёқда турсин, тугал одамга ҳам қийслаб таърифлаш кўп мушкул эди. Агар дарсликдаги одам аъзолари харитасига ишониладиган бўлса. Одатда, шунқорнинг бир жуфт қаноти бўлгучи эди. Қанотни фаолнинг ўғлида ҳеч ким ҳеч қачон илғамаганди. “Бақаҳовуз ҳақиқати” мухбирларидан ташқари, албатта. Бирок, дунё кўргани жўнашидан бурун унинг иккита кўли бўлганини ҳамма биларди. Иккита кўзи, иккита қулоғи, иккита оёғи ва тагин ҳоказолари бўлганини ҳам. Кўзи ҳозир ҳам иккита эди, қулоғи, оёғи ҳам. Ҳоказолари ҳам, чамаси, жойида эди-ёв. Фақат бир кўли кўринмасди. Ўнг ениг нуқул ҳилираб турарди. Енгики шимининг камарига қистириб юришни у анча кейин одат қилди. Аммо, ушбу сатрларнинг муаллифидан фаркли ўларок, бақаҳовузликлар бировнинг кулфати ва ҳатто аҳмоқлигини ҳам майна қилиб қулгучи қоски эмасдилар. Шу сабаб, ҳамма унинг бу қисматига чин дилдан қуйинди. Бирок, кўп ўтмай темир тобутлар ёпирилиб кела бошлади. Замин кўз ёши сувига тўйинди. Замин кўз ёши сувидан шўрлади. Ва ҳеч ким унга бўлак ачинмай қўйди. Аксинча, бора-бора у одамларда ачинши ҳиссига батамом тескари туйғуларни кўзгата бошлади. Қайсидир йиғиндами ё даврада кимдир унга:

- Ҳой, эр йигит, худо берган қўл ортиқча туюлган экан, жоникиб нима қилардингиз? Шундан шу ёққа овора бўлиб бориш, тагин шунча кишининг ўясини тўзғитиш шартмиди? Бир оғиз айтсангиз-ку, ўзимиз шу ерда бунинг бир иложини топардик, - деб ачитганини Бадал эслайди.

Бир сафар тагин шундай бўлди. Бақаҳовузнинг бош майдонида яна қандайдир мажлис кетарди. Кимлардир чиқиб нуқ сўзларди, барчани тагин қайларгадир чорларди. Фаолнинг ўғли – собиқ шунқорнинг турган ерида оёғи қуйган товукдек питирлаб, ҳадеб минбар сари интилаётганини кимдир сезди ва шартга унинг бўш енгидан тутиб, қаттиқ тортди:

- Ҳой, соғ қўлингдан умидинг бўлса, жойингдан жилма!

Чамаси, адашмаса, Сувон абдол ўзининг “учар ликоп”ини “Сирли курра” уюшмасидагиларга кўтариб бориши арафасида бўлган эди бу. Ундан аввал

Сувон худди шу уюшмага кўрсатиб, тасдиқдан ўтказгани “очил дастурхон”ини олиб борганди. Ундан ҳам олдинроқ – “қайнар хумча”сини. Бунга қадар Бақаҳовуз аҳли Сувон абдолни кўлидан ҳеч иш келмайдиган, бир иш чиқаришга ҳам сира уринмайдиган танбал, девона сифатида биларди. Холбуки, Сувон қаерга бормасин, кетидан нуқул соядек эргашиб юрвчи катта-кичик, қора-қура бир этак жузуғи бунинг батамом аксидан далолат берарди. Бирок, бу ҳолни негадир ҳеч ким назарга илмасди. Афтидан, улар буни, яъни ўзидан зурёд қолдира билмоқлик укувини барча, ҳатто Сувон каби танбал, девона учун ҳам фарз бир ҳол ҳисоблашар, шу асно билиб-билмай ўзларининг абдолдан узоқ эмасликларини тан олишарди.

Сувоннинг “абдол” деб ном олишига, чамаси, унинг абдолваш афт-ангори, туриш-турмуши сабабчи бўлган эди. Тагин – унинг тайинли бир касб эгаси эмаслиги, нуқул ҳар кимнинг ҳар хил юмушини бажариб, уни ҳам қойил қилмай, дакки эшитиб юриши. Сувон абдолнинг Эшим иш-шдан фарқини шунда деб билишардики, унинг эшаги йўқ эди. Бирок, ҳеч ким билмайдиган, ҳеч кимнинг ақли етмайдиган ўз дунёси мавжудлигини биров хаёлига ҳам келтирмаганди.

- Сувон “қайнар хумча” ясабди, - деган овоза тарқалди бир куни.

- Қайси Сувон? – деб сўрашарди нуқул эшитганлар.

- Абдол-да.

- Йўғ-э?

- Ҳа. Тўрт кишига лойиқ масаллиқ солса, бутун шаҳар аҳлига етадиган ош қайнаб чиқармиш.

- Епирай!

Сувон абдол ясаган “қайнар хумча”сини кўтариб, кетидан бир этак чурвақасини эргаштирганча “Сирли курра” уюшмасидагиларга кўрсатгани келтирганида, бу ерда аллақачон салкам бутун шаҳар аҳли тўпланган эди. Куруқ томошага эмас. Тагин ниманидир кўзлаб, албатта.

Ҳайъатда “Сирли курра” уюшмасининг казозолари кўр тўкиб ўтиришарди. Уюшманинг бу қадар гавжум бўлганини биров билмасди. Сувон абдол ўзининг антика кашфиётини тасдиқдан ўтказгани келтирган ушбу кунга қадар. Умуман, ўзини эс-ҳуши жойида деб билган бақаҳовузлик уюшма биносини бир чақирим наридан айланиб ўтишга одатланган эди. Чунки, уюшма ва унинг кунда-шундалари тўғрисида ғалати, баъзан бир қадар ваҳмали гап-сўзлар юрарди. Эмишки, улар ҳар турли яъжуж-маъжужлар билан юзма-юз туриб тиллашаркан, тунларни жинлар билан базм қуриб, бедор ўтказаркан, кимки остона ҳатлаб, бу даргоҳга кирмасин, бор темир буюмлар ўз-ўзидан ҳавога кўтарилиб, танасига чиппа ёпишаркан ва ҳоказо ва ҳоказо. Бирок, Сувон ўзининг кашфиётини бу ерда намоиш қиладиган куни ҳамма ваҳмини енгиб, уюшма биносига йиғилиб келди. Эпчиллар ичкарини тўлдиришди, сизмаганлар ташқаридан – кимдир деразадан, кимдир дарахтга чиқиб ўрнашиб воқеани кузатишди.

- Донғи кетган сирли кўзанг шуми? – деб сўради ҳайъат раиси Сувондан сирли бир асно, абдол ҳайъат аъзолари қаршисига кўринишдан оддий сопол хумчани келтириб қўйгач.

- Қайнар хумча, - деб тўғрилади уни томошага ва тагин ниманидир кўзлаб келганлардан бири.

Ҳайъат раиси овоз келган тарафга олайин қараб қўйди.

- Шу, - дея бош ирғаб тасдиқлади Сувон абдол.

- Ҳм, - дея аъзоларга қараб сирли лаб бурди раис.

Ҳайъат аъзолари ҳам бирдан жонланиб, бир-

бирларига алланечук сирли нигоҳ ташлаб қўйишди.

- Хм, - деди раис тагин сирли қилиб ва тумшугига мугуз кўзойнагини қўндириб, хумчани аста қўлига олди. Узоқ вақт уни ёруққа тутиб, айлантдириб, обдон томоша қилди. Чертиб кўрди. Жарангига кулоқ солди. Ичига мўралади. - Сирли эмас, сополку, - деди сўнг ўпкалагандек, хумчани жойига қўяркан.

Хайъат аъзолари яна жонланиб, бир-бирларига сирли қараб олишди.

Раис кўзойнагини қўлига олди ва буклаб, чўнтагига жойлади. Сувонга қараб, сирли бир тарзда:

- Ихм, - деб томоқ кирди-да, ўрнига чўкди.

Сувон абдол буни хумчани ишга солишга ишора сифатида тушунди. ўгирилиб, кетида қатор тизилишиб турган чурвақаларининг бири, чамаси, тўнғичига им қокди. Бола шоша-пиша яланг оёқлари тагида турган елим челақни кўтариб, ичидаги сувни шалоппатганча отасига элтди.

- Муздай, - деди Сувон абдол хумча билан ёнма-ён турган чинни пиёлалардан бирига челақдан сув қуйиб, хайъат раисига узатаркан. - Ўзларининг ошхонадан.

Раис Сувондан пиёлани олиб, сувга аста лаб теккизди ва "Маъкул", дегандек бош ирғаб, уни ёнидагиларга узатди. Хайъат аъзолари ҳам сувга бир-бир лаб теккизиб кўриб, раиснинг фикрини тасдиқлашди.

Сувон абдол челақдаги бор сувни хумчанинг ичига ағдарди ва челақни ўелига узатди-да, афтидан, томошатабларга ҳалақит бермаслик учун чеккага ўтиб турди.

Кўп ўтмай хумчадан гувиллаган овоз таралди. Одатда, ўчоққа қўйилган қумғон ёки темир човғумдан сув қайнаши олдидан шундай овоз чиқади. Ўтирганлар - ўтирган, турганлар - турган жойларида ҳангманг бўлиб қолишди.

Ниҳоят, сув биқирлаб қайнаб, хумчанинг оғзидан тошиб чикди. Сувон абдол шошилмай юриб, хайъат қаршисига келди. Ёнидан озроқ қасмоқ бойлаган қалингина енгча чиқариб, қўлига қийди ва хумчани оҳиста тутиб, пиёлалардан бирига ундан сув қуйди. Пиёладан ва хумчанинг оғзидан қайноқ ховур кўтарилди. Сувон абдол енгчани қўлидан ечиб, қайта ёнига жойлади ва пиёлани олиб, ҳангманг бақрайиб қолган хайъат раисига тавозе билан узатди. Бирок, ундан ҳеч қандай жавоб бўлмади. Афтидан, хайъат раиси хозиргина кўз ўнгида намоён бўлган мўъжизадан хануз ўзига келолмасди.

- Домла, - дея, пиёлани аста бир-икки чертиб, овоз берди Сувон абдол.

- А? - Раис жойида бир сакраб тушди. - Ҳа-а, - деди қаршисида пиёла тутганча қулуқ қилиб турган абдолни илғаб. - Э, раҳмат, раҳмат, - деб унинг қўлидан шошиб пиёлани олди ва, чамаси, хиёл ранги қочгани боис, ичиб ўзига келсин учун, муздай сув қуйиб узатишган, дея хаёл қилиб, сувга ютоқиб энгашди...

Сувон абдол каттиқ мулзам эди. "Қайнар хумча"сини келтириб, намоён қилиши оқибатида шундай номи курук, лекин супраси улуг шахсининг оғизлунжи қуйгани учунгина эмас. Бунинг амаллаб бир иложини қилишди. Раис оғзидан сув пурқаб, қўлидан пиёлани тушириб юбориши баробар, хайъат аъзолари ҳам ўзларига келиб, питирлаб қолишди. Кимдир шоша-пиша дастрўмоли билан раиснинг қаппа очик оғзини елпишга тутинди, кимдир унга муздай сув қуйиб ичирди. Хайъат аъзоларидан бири эса раиснинг қаппа очик оғзига қафтини тутиб, қандайдир тушунарсиз ҳаракатлар қила бошлади.

- Нима қилипти? - деб сўрашди тушунмаганлар хайрон бўлиб.

- Тафтини оляпти, тафтини оляпти, - деб изоҳ беришди фаҳми етганлар.

Афтидан, у буни удралади. Чунки, пичадан сўнг раис ниҳоят оғзини юмди ва атрофида гирдика-палак бўлаётган хайъат аъзоларига нимадир деди. Нима деб айтгани хайъат аъзолари жойларига қайтиб ўрнаша бошлашгач маълум бўлди.

Раис бошқа миқ этмади. Оғзини қафти билан тўсиб, воқеанинг ривожини жимгина кузатиб ўтирди. Унинг том маънодаги мўъжиза билан илк бор бу тарз юзма-юз келгани тайин эди. Шунда ҳам шўрликнинг оғзи қуйди.

Раис ўрнига унинг ўнг ёнида ўтирган хайъат аъзоси сўз олди.

- Халқимиз қўли гул хунармандлар, амалий санъат усталарига чиндан жуда бой, - деб бошлади у. - Мана, бугун ўзингиз кўзингиз билан кўрдингиз, ҳаммамиз яхши танийдиган укамиз... ихм... Сувон... Сувонқул бизга ўзи ясаган антиқа хумчасини намоён қилди...

- Шунинг ўзими? - деб бўлди унинг гапини томошатаблардан кимдир ҳафсаласи пир бўлгандек.

Унинг бу саволи сўз олмиш хайъат аъзосига эмас, кўпроқ Сувон абдолга тегишли эди.

- Шу, - деб жавоб берди Сувон, "Нима, шунча кўрганларинг озми?", дегандек мўлтираб.

- Балки, масаллик солиб кўриш керакдир? - деб айтди ошининг илинжида қошиқ кўтариб келганлардан бири умид билан.

Сувон: "Қайдам", деган каби, мулзам бош чайқади.

Умиди пучга чиққан томошатабларнинг кайфияти, афтидан, хайъат аъзоларига ҳам ўтди. Улар Сувоннинг укуви, интилиши, бугунги кунда унутилиб бораётган халқ амалий санъатининг қадимий анъаналаридан бохабарлигини олқишлаган ҳолда, хумча асосида туғилган айрим фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни ҳам унуттирмади. Яъни, мухтарам қулолимиз ясаган хумчасини кўтариб, бу ерга йўл олганида бироз адашмадимикан, ахир, бу ерда мутлақо сирли, жумбоқли воқеа-ҳодисалар тадқиқи билан шуғулланишда, асло қандайдир сопол туваклар билан эмас, ҳатто улар сувни оловсиз қайнатса ҳам, майли, бу тувак оддий эмас, антиқа тувак ҳам бўла қолсин, хўп, лекин у кимга зарил, кимга ва не мақсаддаў Сув қайнатгани? Бе-э, сув қайнатишга, нима, газ ўчоқ йўқми, ё ўтин қаҳатми?

Шу билан бу можарога нукта қўйилди. Тўғрироғи, шундай деб ўйлашди. Яъни, бас, тамом, нукта қўйилди, деб. Сувон абдолнинг қошиқлигига. Бирок, адашишган экан.

Кўп ўтмай шаҳарда яна овоза тарқалди:

- Хой, эшитдингизми, Сувон элга дастурхон ёзипти эмиш.

- Қайси Сувон?

- Абдол-да.

- Йўғ-э? Нечук? Қаердан кун чиқибди?

- Ҳа, оддий дастурхон эмас, "очил дастурхон"миш. Сувон шундай бир им қокса - бас, ёзилиб, устидан минг турли ноз-неъмат мухайё бўлармиш.

- Ё тавба!

"Очил дастурхон"нинг намоёнлиги белгиланган уюшма биноси аввалгидан ҳам гавжум эди. Ҳамма ўзи истаган, орзу қилган тилсимотнинг ниҳоят содир бўлишини интиқлик билан кутарди. Жамоат жам бўлиб, хайъат аъзолари ҳам раис бошчилигида чиқиб, ўз ўринларини эгаллаган лаҳзада эшикдан ҳар доимгидек бир этак чурвақасини эргаштириб Сувон кириб келди. У тўрт буклоғли оқ ниманидир қўлтиқлаб олган эди. Оқибат бу чиндан ҳам кўрган заҳоти ҳамма ўзича тахмин қилган тилларда дoston "очил дастурхон" бўлиб чикди. Тўғри, уни ёзишга кири-



шишдан аввал Сувон тимирскиланиб, ёнидан дастурмолини чиқарди. Буни кўриб, “Балки, “очил дастурмол” ҳақида гап кетгандир-у, биров буни “очил дастурхон”га айлантириб юборган бўлса-я?”, деган ҳаёлда ҳаманинг юраги шиг этиб кетди. Бирок, Сувон абдол дастурмоли билан иссиқдан бўғриққан юзини, бўйинини артиб, сўнг уни қайтиб чўнтагига жойладию барчанинг кўнгли таскин топди.

Айтиш мумкинки, бу сафар ҳам тўпланганларнинг кўз ўнгиди ақл бовар қилмайдиган тилсимот содир бўлди. Сувон абдол кўрган заҳоти ҳамма ўзича тилларда дoston “очил дастурхон” деб гумон қилган ва адашмаган тўрт буклоғли оқ ниманидир тўрда кўр тўкмиш муҳтарам ҳайъат қаршисига келтириб кўйди. Ҳайъат раиси ўтган сафаргидек кизгин фаолилик кўрсатмади. Фақат унинг икки ёнида қатор тизилмиш аъзоларгина Сувоннинг матоҳини кўл учиди ушлаб кўриб, ўз одатларича бир-бирлари билан сирли кўз уриштириб олишди. Сўнг улардан бири, ўша, бурноғи гал раиснинг оғзи куйғач, жиловни ўз кўлига олган ҳайъат аъзоси Сувонга: “Бошла”, дегандек ишора қилди.

Сувон бошлади. Ҳамма унинг ҳайъат қаршисига ҳайҳотдай столда тўрт буклоғли ҳолда турган дастурхонга қараб им қоқиши, жуда бўлмаганда кўз қисшини кутарди. Лекин, Сувон им қокмади. Кўз қисгани ҳам йўқ. Ўтган сафаргидек шошилмай юриб бир чеккага ўтди ва чўнтагидан гугурт кутисидан сал катта ниманидир чиқарди. Уни ҳайъат аъзолари тарафга тўғрилаб, бош бармоғи билан худди кўнгирик тугмасини босгандек бир ҳаракат қилди, холос. Ҳайъат аъзолари қаршисида тўрт буклоғли турган дастурхон бирдан жонланиб, уларнинг олдидаги ҳайҳотдай столни энлаб ёзилди.

Бу тилсимотга гувоҳ бўлганларнинг ҳайрати чексиз эди. Бирок, улар мўъжизанинг давомини кутишарди. Буни ўша – бурноғи гал жиловни кўлига олган ва ҳануз уни кўлида маҳкам тутган ҳайъат аъзоси Сувонга аңлатди.

- Хўш? – деди у абдолга раисники сингари мугуз кўзойнаги остидан қараб.

Сувон унинг саволини аңламади.

- Лаббай? – дея, у кўлини кўксига кўйиб, жиловдорга савол назари билан тикилди.

- Кейин-чи? – деди жиловдор бетоқат.

Сувон абдол: “Бўлди, ҳозир-да”, дегандек, бош ирғаб, қуллуқ қилди ва тагин ўша гугурт кутисидан сал катта ниманидир ҳайъат тарафга тўғрилаб, ундаги қайсидир тугмани босди.

Тилсимот тагин такрорланди. Фақат охиридан бошига қараб – яъни, дастурхон яна бирдан ҳаракатга келди ва худди аввалгидек тўрт букланиб, йиғилди.

Ҳеч ким бундайн жўн хотимани кутмаган эди. Дастурхоннинг ўз-ўзидан ёзилиши барчани беҳад ҳайратга солган, шавқини оширган, дилини орзиқтирган бўлса, унинг бўш ҳолда қайтиб йиғилиши айни тилсимотдан олинмиш жамики таассуротларни бир зумда елга учирди.

Сувон абдолнинг ҳам ҳафсаласи уларникидан кам пир бўлмади. “Биз сирли, жумбоқли ҳодисалар билан шуғулланамиз, - деб уқтиришди унга. – Мурватини бураса, ёзилиб, сўнг тагин йиғиладиган дастурхонлар билан эмас”. Шунга ўхшаш ҳар хил ашқолдашқоллар устида пешона тириштирувчи илмий муассасаларга элтиб кўрсатишни тавсия қилишди.

- Ё, ана, маиший хизмат кўрсатиш вазирлигидагиларга. Балки, уларга бундай дастурхон асқотар?..

Сувон абдол уларнинг маслаҳатига қулоқ тутиб, илмий муассасаларга бош уриб бормади. Маиший хизмат кўрсатиш вазирлигидагилар ҳузурига ҳам. Бунинг сабабини ҳамма ҳар хил тахмин қилди. Улар

орасида ҳақиқатга яқинроғи шу эдики, Сувон тайинли бир маълумотга эга эмасди, унинг қачондир мактабга қатнаганини ҳам биров эслаёлмасди. Саводининг тайини бўлмаган одамни илм даргоҳларининг ҳеч бирига яқин йўлатишмаслиги, ўзини иззат қилган бирорта ҳам олим у билан гаплашмаслиги, кашфиётини тан олмаслигини эса Сувон тушунарди. У кейинги маслаҳатга ҳам қулоқ солмади. Афтидан, Сувон бесавод, оми, кўлидан тайинли бир иш келмайдиган “абдол” бўлса-да, ўз меҳнатининг қадрини яхши аңлар, уни чақага алмашиб, паст кетишни истамас эди.

Сувон абдол дастурхонини қўлтиқлаб, кетидан бир гала чурвақасини эргаштирганча уюшма биносидан чиқаркан, унинг бу ерга қайтиб қадам босиши мумкинлигига биров ишонмасди. Шаҳар аҳлининг ҳам бўлак бу даргоҳга ташриф буюришини тахмин қилиш кўп мушқул эди. Ҳатто Сувон абдол қирк туя сўйиб, чақирган тақдирда ҳам.

Бирок, кўп ўтмай Сувоннинг номи тагин тилларда айланди.

- Хой, эшитдингизми, Сувон “учар ликоп”ни уйига қўндирганмиш.

- Йўғ-э? Боя уйи олдида ўтаётиб, ҳовлисига мўраловдим, кўринмовди-ку.

- Хойнахой, Сувон унга миниб, у-бу иш билан кетган чиқар. Бугун пешинда уни элга кўрсатармиш-ку. Ишқивозларни “ликоп”га ўтқизиб, учирса ҳам керак.

- Каерда?

- Каерда бўларди, ўша – эски жойда-да.

- Бе-э! Лоф ҳам эви билан-да! Сигарканми эшигидан “учар ликоп”?

- Қайдам... Сувон унинг ҳам бир мурватини топгандир-да, бураса, “ликоп” кичрайиб, эшикдан сиғиб кетадиган...

- Ҳа-а. Тўрт кишилик масаллик солса, бутун шаҳарни тўйдиришга етгули ош қайнаб чиқадиган хумчасини кўрдик. Бир имо қилса, бас – ёзилиб, устида минг турли ноз-неъмат муҳайё бўлгучи дастурхонидан ҳам тотиндик. Агар бу “учар ликоп”и ҳам ўша хумчасию дастурхонига ўхшаган бўлса...

Сувон абдол қирк туя сўйиб, элни чақирмаган эди. Балки шунгами, пешинга яқин ҳамма шаҳарнинг ҳар ёғидан ўша, “эски жой” – уюшма биносини қора тортиб келаверди. Бирпасда бу ерда тумонат одам тўпланди. Барчанинг нигоҳи биносининг эшик ва деразаларида, уларнинг қайси бирдан “учар ликоп” сиғиши мумкинлигини ўзларича тахмин қилишарди. Ҳайъат аъзолари ўзларининг ҳар доимги жойларини эгаллаб, остонада Сувон бир гала чурвақасини эргаштириб пайдо бўлганида ҳам улар ҳали тайинли бир тўхтамга келишмаган эди. Абдолнинг ташрифи барчани беҳуда баҳслардан чалғитди. У кўлида ранги ўнган матога ўралган, кўринишдан таом ёки мева-чева, канд-курс тортиладиган оддий ликопга ўхшаб кетувчи бир нимани кўтариб олганди.

“Наҳотки?”

Барчанинг миясида тўйкус шу савол туғилди. Сўнг эса уларнинг бир-бирларига қадалмиш нигоҳларида ҳам акс этди. Мавжуд тасаввурларга кўра, ҳайбати бир эмас, бир уюр отни хуркитиши лозим бўлган “учар ликоп”ни оддий бир ликоп даражасига-ча кичрайтириш мумкинлигини ҳеч ким ақлига сиздирилмасди. Бирок, ишонмай иложлари йўқ эди. Чунки ликоп Сувон абдолнинг кўлида эди ва уни айни дам абдол ҳайъат аъзолари қаршисида тутиб турарди.

Ликоп чиндан ҳам оддий эди. Йўкса, уни кўриб ҳайъат аъзоларининг афти бундай буришмаган бўларди. “Учар ликоп”да сайр қилмоқ ниятида бу ерга тўпланган ишқивозларнинг ҳам. Лекин, уларнинг дилларида умид учқуни ҳали сўнганича йўқ эди. Зеро, Сувон

абдол борлигига уларнинг ишончи комил мурватни ҳали бурамаган эди. Уни ликопнинг ўзида деб тахмин қилишганди. Бирок, мурват, ўтган сафаргидек, Сувон абдолнинг кенг ҳашиллаган иштони чўнтагига бемалол жо бўлувчи ўша, гугурт қутисидан сал қатта сирли бир нимага ўрнатилган экан. Бу Сувон уни чўнтагидан чиқариб, ўтган галгидек, ҳайъат аъзолари қаршисида турган “учар ликоп”га йўналтирганида маълум бўлди. Ҳайъат аъзоларининг, чамаси, “Агар ликоп катталашса, бизни босиб қолмасмикан?”, деган ҳадикда, ранг-қути ўчди. Аммо, Сувон эътироз билдиришга улгуришмади – улар кўзлари олақула бўлиб, ҳай-ҳайлаш учун лаб жуфтлашган лаҳза абдол мурватни буради...

Агар ликоп чиндан ҳам каттарганида, уларни босиб қолиши аниқ эди. Лекин, ликоп каттаргани йўқ, балки барчани ҳайратга солиб, аста жойидан кўзгалди. Лаҳза ўтмай, у ҳайъат аъзоларининг бошлари узра гувиллаб парвоз қиларди. Сўнг бу ерга тўпланмиш ишқивозларнинг бошлари устида айланиб уча бошлади. Узоқ учди. Ниҳоят, Сувон “учар ликоп”ни ҳайратдан қошлари пешоналаридан бир қарич тепага ирғиб чиқиб, оғизлари ланг очилиб қолган ҳайъат аъзолари қаршисида муаллақ қотирди. Фақат ҳайъат аъзоларининг эмас, ликопнинг парвозига гурвоҳ бўлмиш барчанинг ҳайрати чексиз эди. Ёлғиз Сувонгагина бу туйғу дахл этмасди. Афтидан, фақат бир ҳолда у ҳайратга тушган бўларди – ликоп учмаса. Ёки, ликоп ҳайъат аъзоларининг қаршисида муаллақ қотгач, унинг ишораси билан кетидан нуқул соядек эргашиб юрвучи чурвақаларидан бири чоққиллаб келтирган сочқика ўроғли мўъжаз қозонча бўш бўлиб чиқса. Бирок, қозонча бўш эмас эди ва Сувон ундан ликопга тўлдириб таом сузди.

Тошошага тўпланганларга бирдан жон киргандек бўлди. Ликопга сузилмиш таомнинг хиди барчани маст қилди. Аслида, у оддий таом эди. Хиди ҳам бошқа таомларникидан сира фарқ қилмасди. Бирок, бошқа таомлардан фарқли ўларок, у оддий эмас, “учар ликоп”га сузилганди ва шу боис ундан таралмиш ҳид бўлак шундай таомларникидан ўн баравар хушбўйроқ, мазаси эса юз чандон лаззатлироқ туюлиб, иштаҳаларни қитқиларди. Сувон таомни ликопга сузгач, қўлига қошиқ олиб, намоийшқорона бир тарзда ундан тотинмоққа ҳам киришдики, бу тошошага тўпланганларнинг баттар суқини келтирди. Абдолнинг тотинмоқдан мақсади асло қорин тўқлаш ёки кимнингдир суқини келтириш эмаслиги таомдан номига икки-уч қошиқ олиб, қўлини тортгани ва уни кўксига қовуштирганча ҳайъат аъзоларига манзират қилганидан сўнг ойдинлашди. Бирок, ҳайъатдагилардан ҳеч ким ликопдан тотинмоқ у ёқда турсин, унга тумшугини яқинроқ келтиришга ҳам ботинмади. Ҳайъат раисининг аянчли тажрибаси уларга яхшигина сабоқ бўлган кўринарди.

Авомга эса Сувоннинг бу ажабтовур “учар ликоп”и беҳад манзур бўлди. Гарчи, абдол уларнинг ҳеч қайсисига таомдан тотинмоқни тақлиф қилмаган бўлса-да. Фақат, таомни ликопга сузишдан олдин, уни қозонда пишироқ лозимлигидан ташқари, албатта. Аммо, бунга ҳамма ҳал қилиш мумкин бўлган муаммо сифатида қаради. Асосий муаммо – бундай ликопни қўлга киритиш эди. Барчани: “Бу ликоп Сувонда биттамикан, ё унинг қариндош-уруғлари ҳам бормикан?”, деган савол қизиктирарди. Авом шу қадар жунбўшга келган эдики, ҳайъат Сувоннинг барча орзуманд бу ликопи тўғрисида нима хулоса чиқарганини ҳам биров эшитмади. Лекин, бунга англаш қийин эмасди. Ликопини қўлида тутганча, кетидан бир гала чурвақасини эргаштириб, эшик сари йўналган Сувоннинг авзойидан.

Бинодан чиқар экан, Сувон тўхтаб, нигоҳини кўкка қадагани, юзиб кетаётган яккам-дуккам оқ булулларга термулиб, озроқ тургани ва худди ниманидир маъқуллаган каби, бир-икки бош ирғаб, сўнг

йўлида давом этганини ҳамма кўрди, аммо ҳеч ким аҳамият бермади. Буни улар кейин эслашди. Сувоннинг қораси кўринмай қолганидан сўнг. Фақат уюшма остонасидагина эмас, умуман, маҳалла, кўча-кўйда ҳам. Ликоп воқеасидан пича кейин унга мудом кетидан эргашиб юрвучи бир этак фарзандни туғиб берган хотинининг сепида келмиш эски, қуя еган гиламни чурвақаларига кўтартириб, кўчада у ёқдан бу ёққа икки-уч ўтганини кўргандек бўлишди.

– Тагин нима нағмани ўйлаб топди экан-а, бу хумпар? – деб таажжубланганларини ҳам эслашади. Сўнг Сувон ғойиб бўлди.

Бошда ҳеч ким бунга жиддий эътибор бермади. Йўқолса йўқолибди-да, нима, шунга ҳам ота гўри – қозихонами? Қайсика йўқоларди? Бақаховуз Бақаховуз бўлибдики, бирор кимса бу ердан изсиз йўқолганини биров билмайди. Тўғри, биттаси ғойиб бўлган. Лекин, унинг бир куни туйқус ғойиб бўлишини ҳамма тахмин қилган эди. У кўчада Азим баққолнинг меросхўр қақажони билан қўлтиклашиб кўрингани ҳамон. Дарвоқе, тагин бириси шундай йўқолган эди. Аммо, у оқибат йўқолмаган, фақат шунчаки узаб кетган бўлиб чиқди. Дала-даштка капалак овлагани чиқиб. Бундан беҳабар, бутун миршабхонани ярим кечаси оёққа турғизишди. Туни билан миршаблар мишжа қокмасдан шаҳар ва унинг теграсида чирок ёқиб изғишди. Хар битта қавак, хар бир хилватгоҳни тит-пит қилиб чиқишди. Бояқишнинг чиндан изсиз йўқолганини тан олиб туришган лаҳза, у, худди ҳеч нарса бўлмагандек, ҳалқа йўлга туташмиш сўқмоқдан хуштак чалиб чиқиб келди... Рост, йўқолиб қайга ҳам борарди Сувон? ўтиргандир-да уйда, тухум босиб, жўжа очириб, еяр оғизни кўпайтириб. Худди ейман, ичаман деб оғиз очиб турган шунча қорақўз камдек... Сўнг бирдан илғашдики, Сувоннинг етовисиз бир қадам босмайдиган чурвақалари нечукдир усиз, нуқул кўчада бир гўж бўлиб туриб олиб, кўкка илҳақ кўз тикишгани-тикишган.

– Отасининг болалари-да, – деб изоҳлашди бунга одамлар. – Айни пишиқчилик маҳали ҳам “Олма пиш, оғзимга туш”, деб кўкка тикилишади.

– Ҳа, нима бу, нуқул осмонга қараб оғиз очганларнинг-очган? Олма тушармикан, деб пойлаяпсанларми? – дея, ярим ҳазил, ярим чин асно уларга тап айтганлар ҳам бўлди.

– Йўқ, дадамларни, – деб жавоб қайтарди уларнинг энг ўспирини жиддий.

“Ҳа, шундай, осмонга қараб, оғзимизни капала очиб, олма тушармикан, деб пойлаяпмиз”, деб тасдиқлашса, улар кўпроқ ишонилган бўлишарди. “Ана, биттаминикига тушди, қаранг, қавшаяпти”, деб айтишса ҳам. Айни жавоб, тайинки, барчанинг қулгисини қистатди. “Бола-чақа юки оғирлик қилиб, эр йигит аста жуфтани ростлаган кўринади”, деб ўзича фол очганлар ҳам топилди. “Жужуқларнинг кўнгли ўқсимасин учун уларга шундай ўргатишган”, деб изоҳловчилар ҳам.

Орадан йил ўтди.

Сўнг тагин бир йил...

Сувоннинг жужуқлари улғайишди. Ўспиринининг гавдаси отасиники билан тенглашди. Бари ўз нонини ўзи топиб ейишни ўрганди. Аммо, абдолдан ҳануз дарак йўқ эди. Фарзандлари эса ҳамон унинг илинжида кўкка илҳақ термулиб чарчашмасди. Ҳолбуки, улар рост-ёлғонни фарқлайдиган ёшга етишган эди. Ҳеч бўлмаса уларнинг тўнғичи. Не ажабки, айнан у отасининг йўлига ҳаммадан интиқроқ кўз тикиб, кўкка термуларди. Юриб кетаётиб ҳам, юмуш қилаётиб ҳам... Баайни унинг кўкка парвозини ўз кўзи билан кўргандек. Тирикчилик ташвишидан бўшадигунча улар ўша, азадан тўпланиб, кўкка тикилиб одатланишган жойларига чопишар, кун ботишига яқин бари шу ерда йиғилар, гўж бўлиб нуқул кўкка термулишгани-термулишган эди.

(Давоми келгуси сонда).

ТЕРМУЛАМАН - НИГОҲЛАРИМ СЕМИРАР...

БИР ОҲАНГДА

1

Тонг-сахарда юзинг ювган
кўзларимдай бедор сувга

юрагимни чайиб олдим,
жоним, бир мунғайиб олдим.

Тўлқинлар лол, дали-гули...
Қизғалдоғу олма гули.

2

Сўлиётган тунги гуллар чегарасида
янги, сўлим тонглар бошлаб келар расида,

тўзғир умр-ғаройиб тарз ва гўзал таркиб,
тўкилади туйқусдан бу гулнинг бир барги.

Фақат кўнгил осмон қадар юксалар, ўсар -
тут шоҳига кушдай хуркак кўнар илк бўса...

3

Кўзларинг ёмғирдан ҳўлмишми?
Гулларинг очилиб сўлмишми?

Баногоҳ лол этиб ул ёрни,
намойиш этгали баҳорни

жисмингни қорларга кўмасан,
бир оппоқ меҳрга чўмасан.

4

Саросару сарсону саргардонлик даштида
саросима хаёллар-еллар чувалашдилар.

Кийиб улкан чорикдай, тинмадим бир-бир
босиб,
оёғимдан ечилди ситамларнинг саҳроси.

Дашту саҳроларни мен кездим пою пиёда,
хамроҳ тополмадим лек, умидимдан зиёда.

5

Эй севиклим, севгилари оби ҳаётим,
жоним аро шаён таралган қоним - баётим,

додларимга манзил бўлган, додимга етган,
баргларининг бандларига бандилар этган,

жазирама, қаҳҳор чўлда ётганда карахт
юрагимга қизил соя ташлаган дарахт.

6

Қоронғида бир шам ёнар ўксиниб,
ханжар тиғи тилар туннинг кўксини.

Улкан тунга бул жимитдай тиғ надир -
жонсарақдир куён каби бир ҳадик,

жонсарақдир. Увиллайди, пишқирар
ташқарида вақтнинг қора қашқари.

7

Безовта кўзларингда нам, хавотирдалар недин?
Кўлларинг кўлларимда типирчилайдилар бетин.

Бул сўнгсиз сукутларинг қайси бир қайғудан
нишон,
билмасман, не ҳадиклар бугун бунчалар паришон

ўйларинг самосида кузғунлар каби айланди?
Кафтларинг кафтарлардай учиб кетмоққа
шайланди...

8

Термуламан - нигоҳларим семирар.
Тоғдай улкан нигоҳларни емирар

ул парининг гўзал ҳусну жамоли
уфургувчи такаббур бир шамоли,

бу шамолга писандмасдир ҳеч бири,
йўловчилар ташлаб ўтган кўз қири.



ЎЗИ ЕНГИЛ, МЕҲНАТИ ОҒИР...

Юртимизда пахта яккаҳокимлиги қачон бошланган?

Советлар ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонни пахтага ихтисослаштирилган республикага айлантиришга астойдил ҳаракат қилинди. Натижада республикада суғориладиган ерларнинг 70 фоиздан кўпроғига пахта экила бошланди. Аҳоли учун зарур бўлган бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эса асосан четдан келтирилди. Бундан кўзланган мақсад, аввало пахтага тобора ошиб бораётган талабни қондириш бўлса, иккинчидан, республиканинг марказга қарамлигини мустаҳкамлаш эди.

Ҳолбуки, ўлкани чор Россиясининг хом ашё базасига айлантириш ҳаракати Россия томонидан Туркистон босиб олингандан кейинок бошланган эди. Маълумки, 1861-1865 йилларда АКШдаги фуқаролар уруши натижасида Ливерпул пахта бозорига америка пахтаси келишининг кескин камайиб кетиши Европа мамлакатларининг, жумладан, Россиянинг ҳам пахтага бўлган талабларини ошириб юборди. Бу ўз навбатида пахтанинг нархи кўтарилишига олиб келди. Агар 1861 йили Туркистоннинг бир пуд пахтаси Нижегород ва Москва бозорларида 4-5 рублга сотилган бўлса, 1864 йили унинг нархи 23-24 рублга кўтарилган.

Пахта нархининг кескин кўтарилишидан норози бўлишган савдогарлар ва саноатчилар ҳарбийлар билан биргаликда рус императорини ўлкани босиб олишга ундай бошладилар. Туркистон босиб олингач, ўлкага дарҳол савдогар-саноатчилар етиб келишиб, пахта савдосини авж олдириб юбордилар. Россия тўқимачилик саноатини “пахта очарчилиги”дан қутқариш мақсадида Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман 1868 йили Тошкент шаҳри яқинида пахта экиш учун катта ер майдонлари ажраттирди.

XIX аср охирида рус саноатчилари Сирдарё вилоятида пахтачиликка ихтисослаштирилган йирик пахтачилик хўжаликлари туздилар. Бундай хўжаликларнинг умумий майдони 4000 десятинани ёки вилоятдаги жами пахта майдонларининг 20 фоизини ташкил этган. Бу хўжаликларда ишлаш учун маҳаллий аҳолидан ташқари Россиянинг Марказий “нотинч” вилоятларидан кўчириб келирилган “ортиқча” рус деҳқонлари ҳам жалб қилинди. Бироқ, сенатор К.Паленнинг таърифи бўйича “ортиқча” деб аталган бундай рус деҳқонлари ўлканинг жазирама иссиғи ва пахтанинг оғир меҳнатига бардош бера олмасдан иш қидириб шаҳарларга, саноат корхоналарига кетиб қолдилар. Бўш қолган ерлар маҳаллий деҳқонларга ижарага берилди.

Етиштирилган пахтанинг катта қисми Россияга ташиб кетилиши пахтага бўлган талабнинг ошишига ва унинг нархи кўтарилишига олиб келди. Пахтанинг бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан даромадироқ эканлигини кўришган деҳқонлар энди ўз томорқаларига кўпроқ пахта экишга ҳаракат қила бошладилар. Бу ҳол аҳолиси зич, бироқ ер майдонлари кам бўлган Фарғона водийсида айниқса кенг авж олди. Пахта экин майдонларининг асосий қисмини эгаллаб бориши оқибатида дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш мунтазам суратда камайиб борди. Агар 1885 йили дон экилган ерлар барча экин майдонларининг 79 фоизни, пахта 14 фоизни, бошқа экинлар 7 фоизни ташкил этган бўлса, бу

кўрсаткич 1915 йили дон бўйича 48 фоизни, пахта бўйича 44 фоизни, бошқа экинлар бўйича 8 фоизни ташкил этган. Фарғона водийсида пахта экиладиган майдонлар 30 йил ичида 3 баробар ошди. Ўтган вақт мобайнида териб олинган пахта 1200000 пуддан 9277000 пудга етди. Бу бутун Туркистон бўйича териб олинган пахтанинг 60 фоизини ташкил қилар эди.

Пахта кўп меҳнат ва ҳаражат талаб қиладиган экин бўлишига қарамадан ўзбек деҳқонлари унинг барча азоб-укубатларига чидашиб, оила боқиш илнжидида ўз томорқаларига ҳам чигит экишган. Фарғона водийсининг айрим туманларида деҳқонлар ўз томорқаларининг 50 фоизигача чигит қадашган. Масалан, водийнинг Андижон, Марғилон, Қўқон ва Наманган туманларида 1912 йили пахта майдонлари барча суғориладиган ерларнинг 36 фоизини ташкил этган бўлса, 1914 йили юқорида номлари келтирилган тўртта вилоятнинг 86 та волостидан 54 таси ерларининг 50 фоизига пахта экишган. Натижада, чоризмнинг қарийб ярим асрлик ҳукмронлиги даврида вилоятда пахта майдонлари 7 мартаба ошди.

Илгари йилига ўртача 15-18 минг туяда пахта ташиб кетилиши ўлкада пахтачилик ривожлантиришга жиддий таъбир кўрсатмаган бўлса, Ўрта Осиё (1880-1899) ва Тошкент-Оренбург (1900-1906) темир йўлларининг қурилиши бу соҳада кескин ўзгаришлар ясади. 1885-1900 йилларда Ўрта Осиё темир йўли орқали Туркистондан Россияга 49546152 пуд пахта толаси, 5002152 пуд жун, 7436883 пуд қуруқ мева ташиб кетилган. Фарғона вилояти генерал-губернаторининг 1900 йилги ҳисоботида кўрсатилишича, шу йили вилоят микёсида 555432 йўловчи ташилган, 4304739 пуд ёки 43 млн сўмлик пахта олиб кетилган, 2020537 пуд буғдой ташиб келинган.

Биринчи жаҳон уруши йилларида вужудга келган иқтисодий кийинчиликлар пахтачиликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Аввало Россиядан дон келтириш кескин камайди. Оқибатда ғалланинг нархи кескин ошиб кетди. Бир пуд пахтанинг нархи 8,5 рубл тургани ҳолда бир пуд буғдойнинг нархи 7 рублданди. Энди деҳқонлар ўз томорқаларида яна дон экинлари экишга мажбур бўлдилар. Натижада, 1917 йилга келиб пахта майдонлари 1916 йилги 680,8 минг десятинадан 426 минг десятинага, ҳосилдорлик 1913 йилги ҳар десятинага 95 пуддан 1917 йили 55 пудга тушди.

Пахтанинг камайиб кетиши Россия тўқимачилик саноатини издан чикарди. Октябрь тўнтариши арафасида кўпчилик фабрикалар ёпилиб, ишсизлар сони кўпайди. “Пахта йўқлиги туфайли, - деб ёзади “Ростовская речь” газетаси, - Кинешемск-Вичугск тўқимачилик районида бошланган саноат инқирози давом этмоқда. Бу ерда ўнта йирик фабрика тўхтади. 30 мингдан зиёд ишчилар ишсиз қолишди”. Пахта танқислиги Россияда бошланган ижтимоий-сиёсий бўҳронларнинг сабабларидан бири эди...

Нуриддин МУСАЕВ,
Тошкент Давлат Аграр университети
доценти, тарих фанлари номзоди.





* * *

Қисмат мени ташласа
Сендан йирок-йирокка,
Келсам агар юзма-юз
Шундайин кўр фироққа,
Ялпизнинг бўйларидек
Урилгайсан димокқа,
Ватан, исминг ёд этсам!

Болаликда тинглардим -
Эртақларинг жангари,
Хайратларга чўмганман
Бойчечаклар сингари.
Кулогимда жаранглар
Гоҳ турнанинг мунглари,
Ватан, исминг ёд этсам!

Баҳор пайти эсгандек
Водий узра шамоллар,
Юрагимдан дафъатан
Кетар ўкинч-малоллар,
Томиримда мавжланар
Ширин, юксак хаёллар,
Ватан, исминг ёд этсам!

Қолмас дилда армон ҳеч,
Муродимга етарман,
Бир кун жимжит дунёга
Мен ҳам сингиб кетарман.
Нима ўзи мангулик -
Аён идрок етарман,
Ватан, исминг ёд этсам!

ЧУЧМОМА

Сен баҳор эртагисан,
Чучмомажон, чучмома!

Қирларнинг беагисан,
Чучмомажон, чучмома!

Болаликда бир замон
Дуч келдим сенга хайрон -
Эдинг сен парча осмон,
Чучмомажон, чучмома!

Ям-яшил майса ҳар ёк,
Яшнар алвон қизғалдоқ,
Сен маънос эдинг кўпроқ,
Чучмомажон, чучмома!

Сендан қолган хотира
Ёдимдан ўчмас сира -
Оҳ, митти қалб, бокира,
Чучмомажон, чучмома!

Ҳой-ҳавас отин миндим,
Ёт гулларга сизгиндим,
Бугун сени соғиндим,
Чучмомажон, чучмома!

Омонмисан, бормисан,
Ё аламга ёрмисан,
Йўлларимга зормисан,
Чучмомажон, чучмома!

* * *

Кўнгил бердинг сен кимга,
Десам турдинг маънос, лол.
Арзимадим севгинга,
Хайр энди, яхши қол!

Юрагимни ғам тилди,
Ишқ аламга эврилди,
Гуллар боши эгилди,
Хайр энди, яхши қол!

Бас, кўнглинг тутакмасин,
Бахт юлдузинг чакнасин,
Кўзингдан ёш окмасин,
Хайр энди, яхши қол!

Дилимда гўзал армон,
Оҳим елга айтарман,
Қайрилмасдан кетарман,
Хайр энди, яхши қол!

Мен ҳам бир осий банда,
Тушларингга кирганда,
Йиғлама, урсам ханда,
Хайр энди, яхши қол!

АЙРИЛИК

Бой бердик илк ҳисларни,
Ғубор кўмди изларни,
Хазон бўлди бизларни
Олкишлаган куртақлар.

Қувнардик бирга-бирга,
Сўнг тан бердик тақдирга,
Тўлди кузги ёмғирга
Баҳордаги кўлмақлар.
Ол шафак ўзгармайин
Хилпирайди бир майин,
Хилпираса қандайин
Сен кийган ол кўйлақлар.

Эрк бериб хотирамга,
Қайтаман маъсуд дамга,
Ҳар тонг чўмар шабнамга
Йиғлаб қолган йўлақлар.

Охларим юлдуз бўлди,
Қалбим тўла муз бўлди,
Баҳорларим куз бўлди,
Айро тушиб юраклар!..

МЕН ҚОЛАРМАН ЁДИНГДА

Ёр, сўзларим эса тут,
Ғамларинг мисли булут,
Ҳаммаси бўлар унут,
Мен қоларман ёдингда!

Чаманлар нурга қонар,
Киприқларда тун ёнар,

Мирпўлат МИРЗО - 50 ёшда!

Мирпўлат Мирзо билан талабалик йилларидан буён дўстимиз ва бу дўстлигимиз хануз давом этмоқда.

Мирпўлат шоир сифатида тинмай шеърдан шеърга ўсишга, инсон сифатида эса оқибатли бўлишга ҳаракат қилади. Мен у пайтлар Политехника институтида ўқир, Мирпўлат ва ҳозирги тенқур шоир ва ёзувчилар билан тез-тез учрашиб турар, барча учрашувларимиз шеърхонликка айланиб кетарди.

Мирпўлат дастлаб мени ва нафақат мени, балки халқимизни, бутун шеърхонларни асримизнинг йирик шоирлари Ўлжас Сулаймон ва Евгений Евтушенко шеърлари билан таништирди. Айниқса, Ўлжас Сулаймон шеърларини кўпчилик (жумладан, камина ҳам) таржима қилдилар, барчаси яхши, аслига яқин, лекин тан олиб айтиш керакки, Мирпўлат Мирзо таржималари халққа яқин бўлди ва шеърхонлар ўртасида унинг таржималари янграй бошлади. Шоир сифатида Мирпўлат шеърларидан боғу баҳор ифорлари, муаттар бўйлари ва қир-адирларнинг, дала-дашларнинг тароватли нафаси келиб туради. Унинг "Бойчечак" шеъри ҳамон эсимда. Унинг шу мавзудаги ва "Талабалик йиллар" туркумига кирган кўплаб шеърларини нафис шеърятимиз

Бир кун учар турналар,
Мен қоларман ёдингда!

Муҳаббат - дил зийнати,
Армон - унинг ҳиммати,
Илк севганим ҳурмати,
Мен қоларман ёдингда!

Умринга сўроқ бўлиб,
Гоҳ гадо, гоҳ шоҳ бўлиб,
Тонглар ширин "оҳ" бўлиб,
Мен қоларман ёдингда!

Ёр, сўзларим эса тут,
Ғамларинг мисли булут,
Ҳаммаси бўлар унут,
Мен қоларман ёдингда!

ХАЁЛИМДА СЕВДИМ

Хаёлимда севдим мен сени,
Ёдинг билан юрдим мастона.
Ёлғиз бахтим, дедим мен сени,
Хаёлимда бўлдим парвона.

Сочларингни тараб тунлар жим,
Чўкмадим мен теран кўзинга.
Сен ҳақингда кўп шеърлар битдим,
Ўқимадим аммо ўзинга.

Хижронингда дилим чекди ғам,
Бу хижронга ўзим юз тутдим.
Хаёлимда севдим чинакам,
Аммо журъат этолмай ўтдим.

Энг беғубор туйғуларим ҳам
Шаънингда доғ бўлар, деб кўрдим.

БИЗНИНГ ЁШИМИЗДА...

Бизнинг ёшимизда Лермонтов
мангуликка кўйганди қадам.
Бизнинг ёшимизда кирган мангуликка
тирик яшаб туриб Усмон Носир ҳам.

Бизнинг ёшимизда даҳо бўлган Пушкин,
ўлмас зиё сочган Ҳамид Олимжон.
Бизлар эса ҳануз гўрмиз,
бизлар эса пишмаймиз ҳамон...

Давр узайтирди бизнинг умримизни,
минбаъд ҳалол бўлсин ичган тузимиз,
Баҳоримиз чўзилиб кетди бунча,
алдаб кўймасмикан кузимиз?..

АБИТУРЕНТЛАР

Шом кириб ҳавридан тушар саратон,
Пойтахт кўчалари кўмилар зарга,
Икки йигит кўллариди чамадон,
Кириб келмоқдалар шаҳарга.

Қадамлари шахдам, суҳбатлари гангур-гунгур,
Кўзлари ҳайратга, умидга лим-лим.
Улар истараси дилга сепар нур,
Термулиб қоламан ортларидан жим.

Учирмаларига мактабнинг бу дам
Пешвоз чикаркин ким чиндан соғиниб?
Улар дадил ёки истиҳола билан
Босарлар қайси уй кўнғироғини?..

Илҳақ қаршилагай уларни балки
Йўлаклари қадар саришта хонадон.
Йўк, улар билмаслар ҳали манзиратни,
Кириб уйга улар-ла бир фаришта ҳаяжон.

Эсланади шу кеч қишлоқ одамлари,
Олис хотиралар, болалик кезлар.
Йигитларнинг эса тушларига қиради
Бўлажак имтиҳонлар, талаба қизлар.

Шаҳар кибрланма ортиқ - ранжитма
дили пок, содда ўжарлиги борларни.
Беш йил мобайнида кўтариб яшар улар
Сенинг юрагингдаги ғуборларни.

НАЙ ҲАҚИДА ҚИССА

Соҳил бўсағаси баланд қамишзор,
Кундузлар офтобдан қилар ҳимоя.
Шомлар ой денгизга тушганда такрор,
Хур қизлардан сўйлар эмиш ҳикоя.

Келиб биз маъвога лол назар солдик,
Маст бўлдик нотаниш гуллар исига.
Турфа хил фуқаро айландик-қолдик
Сўлим оромгоҳнинг аҳолисига.

Ҳамроҳим кафтини кафтига ишқар
Ва дер: - Қара, бирам ажойиб, зўр-а!
Эҳ-хе, кутар бунда ғаройиб ишқлар,
Бир яйраб яшайлик бизлар ҳам, жўра!

Рости, яшолмадик яйраб, аксинча,
Ёқди қалбимизни соғинч ва нола.
Шу денг, қамишлардан дарҳол ўзича
Най ясаб олибди бўйчан бир бола.

намуналаридан деб ҳисоблашимиз мумкин.

Мен ТошДУ филология факультетидида ўқишни давом эттирдим ва талабалар ётоқхонасида яшай бошладим, бу орада тенгқурларимиз ҳозирги машҳур шоир ва адиблар турли ишхонада фаолият бошлашгани, улар бизни келишар, диплом иши ҳимояларига таклиф этилар, сўнг залларда, хоналарда алламахалгача шеърхонлик давом этарди ва бу юртимизда, шахримизда, талабалар ётоқхонасида чинакам шеърят муҳитини барпо қиларди. Кейинчалик бу жуда ҳам суғлашиб, деярли йўқолиб кетди ёки мен беҳабардирман. Ўша пайтларни ҳаётимнинг ёруғ дамлари деб биламан, йўқлаб турганлари учун, хизматлари учун дўстларимдан, тенгқурларимдан ва Мирпўлатдан миннатдорман. Аниқ эсимда, йўқ, ўшандай пайтларда мансабнингми, билмадим, мансабдорларнинг устидан кулардик, албатта, бу ўз соҳамиз хусусида. Лекин, биз ўз истакларимизга парда тортар эканмиз ёки бу истақ, яъни мансаб истаги кейинчалик пайдо бўлгандир, балки умуман пайдо бўлмагандир, билмадим, лекин кулишганимиз рост ва адашган эканмиз, негаким ўша пайтдаги мансабдор устозларимизнинг кўплари мард инсонлар экан. Бу пайтларда Мирпўлат ярим ҳазил истакларини яшириб ўтирмас ва бу уни инсон сифатида тантилигидан далолат экан.



Тонг отди дегандан айвонга чиқиб
Сайрагиб юборар эди у найин.
Соҳилда ҳам чалар эди энтикиб,
Хумор бўлардик биз тинглаган сайин.

О, най садолари ўтли нолакор,
Сўйларди қолган юрт, ошно қирлардан.
Тўлдириб юракни мунга беозор,
Сўйларди илк севги, ширин сирлардан...

Тўнғиллаб кўярди айримлар пинҳон,
Лекин "бас қил!" дея қотолмасди сўз.
Кўпларнинг дилин хун қилворди ёмон
Юртдош найчи бола, ўсмир қора кўз.

Эҳ, қалқди қалбларга ҳар кеч ҳаяжон,
Турфа таманнолар - гулудан холи.
Кимлардир туйди илк нимадир ҳижрон,
Бирам эзгулашиб кетди "аҳоли"!

Жўрам-чи, энтикиб санади кунлар,
Шомлар кезди танҳо соҳилга чиқиб.
Бот-бот тўнғилларди: - Кўймади хумпар,
Бўлмаса яйрардик роса мириқиб...

* * *

Ярим тун мен уйқусиз эдим,
Ўлтирардим бетаскин, дилгир
Ва бир маҳал ҳовлига чиқдим -
Сергак тортди юлдузлар бир-бир.

Боғчаларни сайр этдим секин,
Жимжит кеча бағрини очди.
Қадамимнинг товшидан лекин
Атиргуллар уйқуси қочди.

Фараҳли дард-изтироб ичра
Ҳижронингда кездим тун ярми...
Бесаранжом қилдим шу кеча
Юлдузларни, атиргулларни.

МАНГУЛИК ТУЙҒУСИ

Абдулла Ориповга

Шамолларнинг атридан дилни
Сармаст этамиз...
Эсаверар шамоллар мангу,
Бизлар кетамиз.

Қирғоқ тўлиб югуради сув,
Кафтни тутамиз...
Оқаверар сувлар ҳам мангу,
Бизлар кетамиз.

Ва бу оний умр шаънига
Қўшиқ битамиз.
Қўшиғимиз қолар мангу,
Бизлар кетамиз.

Мирпўлат Пастернакни таржима қилмоқда, шеърлар битмоқда. Тиниб тинчимайди. Ярим аср яшабди. Ижод қилибди.

Дўстим, мулло Мирпўлат, сиз бизга бир асрлик тўйингизни каттароқ ўтказишга ваъда беринг, биз ҳам сизга сўзимизни тўлароқ, тўёнани каттароқ қилишга ҳаракатимиз борлигини билдирамиз. Ярим асрлик тўйингиз икки аср чегарасида ўтмоқда, ижодингиз барокотли бўлсин, ўзингиз омон бўлинг! Ўша беғубор ёшлик хотиралари билан биродарингиз - Йўлдош ЭШБЕК.

ЭХТИРОСТИ МУШОҲАДАЛАР

Иброҳим Ғафуровнинг адабий танқидчилик маҳорати ҳақида

Ўзбек адабий танқидчилигининг ривожиди Иброҳим Ғафуровнинг ўзига хос ўрни бор, буни биз 60-70 йиллар ўзбек адабий танқидчилиги таракқиёти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, 60-70 йиллар шеъриятида кўп сифат ўзгаришлари рўй берди, инсон руҳий дунёсининг нозик тебранишларини ифодалашдаги фалсафий тараққиёт янада қуюқлашиб, ўз-ўзини англаш жараёни янада чуқурлашиб борди. Бу ўз-ўзини англаш ижодий жараёни адабий танқидчиликда ҳам ўз ифодасини топа борди. Иброҳим Ғафуров ҳам ўзининг "Шеър билан суҳбатлар" туркумидаги "Тонг тукқан шеърят" илмий тадқиқотида 60-70 йиллар ўзбек шеърятининг кўп ижодий жиҳатларини умумлаштиришга ҳаракат қилиб, истеъдодли шоирлар ижодининг теран фалсафий томонларини назокатли ва гўзал ташбеҳларда чуқур таҳлил этган эди.

Иброҳим Ғафуров шеърят дунёсини ниҳоятда кенг идрок қилади, шоир туйғуларининг энг назокатли нуқталарини аниқ белгилай олади, бадий дидсизлик билан юзма-юз келганда эса аччиқ танқидни ҳеч аяб ўтирмайди: *"Шеър - бу оламга татирлик гап айтиш санъати. Баъзи шеър бадандаги қон каби бўлади, дейди И.Ғафуров. - Зиддиятли таначалардан ташкил топади. Булар зиддиятли тўлқинларни тугдиради. Тўлқинларнинг мингашуви, ўрқач бўлиб денгиз сатҳидан кўтарилувчи - эҳтиросдирки, шеър шудир. Баъзи шеър бадандаги сув каби бўлади. Гарчи унинг ҳам тириклик учун нафи бўлса-да, лекин унда рангсизлик ҳоким. Унда зиддиятлар йўқ. У ҳаётнинг совуган ҳолати. Жўшишлар, безовталиқлар, пўртаналар, вулқонлар, ўпқонлар унга ёт. У ҳаётнинг ўзи эмас, унинг сурати. Лекин у қондан кўп. Доимо кўп. Бу ўлган сўз. Ўлган шеър"* (Иброҳим Ғафуров. Ёнар сўз. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1973 йил, 7-бет).

Иброҳим Ғафуров шеърятни ниҳоятда теран идрок эта оладиган, ундан олмос қирраларни қидириб топа оладиган зукко адабий танқидчи. Унинг истеъдод билан ёзилган адабий-танқидий мақолалари, айниқса 60-70 йиллар адабий танқидчилиги тарихида ўчмас из қолдирди, ўзбек адабий танқидчилигининг фалсафий-эстетик савиясини юксакликка кўтаришга муносиб хизмат қилди. Ўз навбатида мунаққиднинг адабий-танқидий қарашларида шоирлар ижодига ҳаққоний баҳо берилиб, айниқса ёш ижодкорларга тўғри йўл кўрсатилди, улар ижодидаги ютуқ ва камчиликлар чуқур таҳлил қилинди.

Иброҳим Ғафуров Абдулла Орипов ижодига ҳам доимо муносабат билдириб, шоирнинг янги шеърларини ҳолисона баҳолаб, камчиликларни ҳам рўй-рост айтиб келган мунаққиддир. *"Абдулла Ориповга келганда, - деб ёзади И.Ғафуров, - бу ўзига хос шоир ҳақида Асқад Мухтор ва айниқса Зулфия айтган фикрларга жон-дил билан қўшилган ҳолда шунигина таъкидлаб ўтмоқчи эдикки, эндиликда Абдулла Орипов кечаги кунги кўқларга кўтариб мақташлардан, шеърятимизнинг юлдузи, метеори деб ҳамду сано тўқийшлардан*

юқори кўтарила олди. У ҳеч бир мушакбозлик, ҳеч бир вақт, ҳеч бир кимсага боғлаб берилмаганлигини англаб етди. Мен фақат унинг бугунги шеъри кечаги шеърларининг давомигина бўлиб қолмаслигини истардим. Мен чуқур ишонманки, унинг етмишинчи йиллар шеъри олтимишинчи йиллар шеъридан фарқ қилади, у янги оҳанглар, янги воситалар топади, янги ифодавийликка эришганда ҳам, ўша жойда айланаверган от қозиги олиб ташланганда ҳам, ўша жойда айланаверишини билади. Шоир учун бу бутунлай ёт бўлмағи даркор" (И.Фафуров. Ёнар сўз. Т., Ф.Фулом наириётти. 1973 йил. 27-бет).

И.Фафуровнинг А.Орипов ижоди ҳақидаги мазкур фикрлари ниҳоятда тағмағизли эканлиги, унда шоирнинг 70-йилларгача босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўли ўзига хос бир тарзда сарҳисоб қилинганлигини кузатиш мумкин. Иброҳим Фафуровнинг ўлмас мавзулар ҳақидаги шеърлари ўлмасликнинг руҳи билан етилса, файз-камол топса, бундай шеърлар замон адабиётининг баракат денгизига қўйилган чинакам ҳиссаси бўлиб қолиши ҳақидаги фикрлари ҳам беvosита Абдулла Орипов ижодига тегишлидир.

Мунаққиднинг "Тонг туққан шеърият" мақоласида ёшлар шеър устида кўп ишлаб, кўплаб китоблар нашр эттираётганлигини, лекин уларнинг айримларида катта ижодий сифат ўзгариши жуда секинлик билан бораётганлигини, шеър эса осуда дамларнинг эмас, ғалаёнлар, тўқнашувлар, нотинч илҳомларнинг фарзанди эканлигини, у безовталиқни, яраланишни, пўртанали масканларни хуш кўришини, унинг душманлари совуқ лоқайдлик, талантсизлик, мушакбозлик эканлигини зўр жонкуярлик билан қайд этади. Ижодкорлардан сўз нурланиб қалбингни оловдай ёндирадиган ёнар сўзни, шеърий безовталиқни талаб қилади. Шоирлар энг аввало ўзини ўзи чуқур англаши зарур эканлигини, бусиз истеъдодли шеър битилмаслиги доимо Иброҳим Фафуровнинг диққат марказида туради. Раззоқ Абдурашид, Ҳалима Худойбергидева, Абдулла Шер, Маъруф Жалил каби истеъдодли шоирларнинг ўзлигини англаш жараёни қандай кечаётганлигини, улар ўз қалби орқали бошқалар қалбини қандай кўра олаётганлиги нозик таҳлил қилинади. Масалан, И.Фафуров Маъруф Жалилнинг ўйладиган шеърлар ёзишини таъкидлаб, унинг шеърларини иссиқ қорға ўхшатади, шоирнинг шеърлари бўлмаган нарсанинг бўлганига ўхшашлигини таъкидлайди. Мунаққид Маъруф Жалил шеърларидаги ҳаётга бўлган ишқнинг ўлмаслиги, бахтга, мангуликка интилишнинг маъносроқ жарангини чуқур идрок эта билади. Иброҳим Фафуров мунаққид сифатида шеъриятдаги гўзаллик шайдоси бўлиши билан бирга кези келганда аёвсиз, аччиқ танқидни ҳам ишга солади. Мунаққид Минҳожиддин Ҳайдарнинг "Инсон юраги" тўпламига кирган "Қуёш" шеърдаги фалсафий мантиқсизликни қуйидаги тўрт қатор шеърини мисолга келтириш билан изоҳлайди:

Ҳаёт деб қуёш бир садаф тугмадай
Нур сочи миллион йиллар қаъридан.
Ҳаёт бор - мангу қуёш ўчмагай,
Ҳам суюк юлдузлар бир-биридан.

"Авалло, "ҳаёт" деб нур сочган" улуг қуёшни садаф тугма даражасига тушира олиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди, - деб ёзади И.Фафуров. - Иккинчи-

дан, у миллион йиллар қаъридан эмас, қўқ қаъридан нур сочади. Учинчидан, ҳаёт бор бўлганлиги учун қуёш ўчмайди эмас, аксинча қуёш бор бўлганлиги учун ҳаёт ўчмайди ва ҳ.к. Умуман, М.Ҳайдарда жимжимага, тумтароқликка ўчлик зўр" (Ўша асар, 36-бет).

И.Фафуров мазкур мақолада яна бир муҳим муаммони кўтариб чиқади. Мунаққид бизда айниқса пейзаж лирикаси мутлақо қаровсиз ётганлигини, табиат ҳақида зиёга тўлиқ манзара шеърлар кўпроқ яратилишини истади. Танқидчи бу ҳақдаги ўз мулоҳазаларини билдираркан, нега шоирларимиз Фафур Фулом шеъриятининг ритмик пўртаналарини ўзлаштирмайди, нега Шайхзода публицистик шеъриятининг ёрқинлиги ва ҳозиржавоблигига эътибор бериб ўрганмайди, деган ҳақли саволлар қўйиб, кўп шоирларимиз шу тобда бўғотдан нарини кўролмаётганлигидан қуёниб афсусланади.

Умуман, И.Фафуров шеърни баҳолашда адабий-танқиднинг талабчанликни унутиб паст кетиши, юзхотирчилик қилиши умумий ишимизга катта зарар етказишини қайта-қайта такрорлайди.

Маълумки, 60-70-йиллар адабий танқидчилиги тарихида танқидчи билан танқидчининг ёки мунаққид билан ёзувчининг матбуот орқали мулоқотга киришуви, баҳслашуви жуда муҳим аҳамият касб этиб, янги фикрлар, янги гоялар туғилишига кўмак берганди. И.Фафуровнинг 1972 йилда адабий танқидчи Н.Худойбергандовнинг "Шарқ юлдузи" журналининг 1971 йил 8-сонида чоп этилган "Бадий кашфиёт талаби билан" мақоласига жавоб турзида ёзилган "Луқма" баҳс-адабий танқидий мақоласи ўқувчида янги фикрлар уйғотиб, яхши таассурот қолдирган эди. "Одатан, шеър билан қалбдан гаплашмоқ, қалбдан дардлашмоқ керак, - деб ёзади И.Фафуров. - Шунда у ўзининг гўзаллигини, сирларини, дардларини кўпроқ, шонлиброқ намоён қилади. Шеърнинг бўйнига сўроқ ва ундовлардан қозининг сиртмогини ташлаганда эса, бунинг тамоман акси бўлади: шеър исён кўтаради. Таассуфки, танқидчининг мақоласида шундай бўлиб қолган" (Ўша асар, 65-бет).

И.Фафуров Н.Худойбергандовнинг 60-70 йиллар ўзбек шеъриятига бўлган муносабатида, адабий-танқидий қарашларида кўп чалкашлиқлар мавжуд эканлигини, баъзида мунаққид шеъриятни ўлчашда ўзига бир доира ясаб олиши ва шу доира ичидагиларни яхши, доирадан чиққанларини ёмон деб кўп ҳолларда тор, бир томонлама фикрлар баён этишини мисоллар асосида кўрсатиб беради ва мунаққид билан баҳсга киришади. Мақолада Н.Худойбергандов томонидан мантиқсизлик, жимжимадорлик, ялтироқликда айбланган Тўлқин, Х.Шарипов, М.Бобоев, Р.Абдурашид, Г.Нуруллаева, О.Ҳожиева каби ижодкорларнинг баъзи бир шеърлари асосли равишда И.Фафуров томонидан қайтадан таҳлил қилинади. Ана шу қайта таҳлил асосида мазкур икки танқидчи фикрлари бир-бири билан кесишади, янги фикрлар уйғотади.

Иброҳим Фафуров ўз адабий-танқидий қарашларида доимо адолат туйғуси билан иш кўради, ижодкорга бўлган ҳақиқий ҳурмат, ютуқ ва камчиликларни ишонарли тарзда очиб бера олишликдаги сермушоҳадалик, нозик дид, таҳлилий теранлик бўртиб туради. Мунаққиднинг таҳлилий мақола, тақриз, адабий ўйларидега асоссиз мақтову мадҳиялар учрамайди, танқидчининг баҳолаш истеъдод даражаси, гўзаллик туйғуси гоявий-бадий етуқлик намунаси сифатида



жило бераб туради.

Иброҳим Ғафуровнинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан 1980 йилда нашр этилган "Юрак аланга" номли адабий-танқидий мақолалар тўпламининг 60-70-йиллар адабий-танқидчилиги тарихини умумлаштириш, хулосалар қилиш бобида ўзига хос муносиб улуши бўлди. Мазкур китобда мунаққиднинг Ойбек, А.Қаҳҳор, Зулфия, Х.Ғулом, Пиримқул Қодиров, Саида Зуннунова, Шукрулло, Жуманиёз Жабборов, Иброҳим Юсупов, Эркин Воҳидов, Барот Бойқобилов каби ёзувчилар ижоди ҳақида адабий-танқидий мақолалар ва ёш истеъдодли шоирлар ижоди ҳақидаги ўй-фикрлари ўрин олган.

Иброҳим Ғафуровнинг Ойбек шеърятига бағишланган мақоласида салкам эллик йил мобайнида яратилган унинг шеърлари, шу билан бирга ижодкорнинг тарихи, тақдири, дунёқараши, кечинмалари, руҳий дунёсини тебратган ҳиссиётлар, ижодкор яшган муҳит, нафас олган шароит, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғланган ҳолда таҳлил қилинади.

Иброҳим Ғафуров мақолада Ойбек шеърятининг ярим асрлик тарихига мурожаат қиларкан, унинг шеърятини доимо бошқача, туғма, кўтаринки ва фаровон бўлиб, ҳиссий завқларни яхши ифодалаб бера олишини, ёрқин образли тил билан сўйлашини, у ўз кечинмаларида юрт, одамларнинг гўзаллигини қалбда кўзгалган тўлқинларга мос сўзлар топиб ифодалашини мисоллар билан исботлаб беради. Ойбек шеърларида одам юраги ва туйғулари табиат бешигида эркаланиб ётгандек ётишини, унинг шеърларида инсон ва инсонгарчиликнинг энг яхши фазилатлари чуқур ўз ифодасини топанлигини, шоирнинг "мен" шахси ўзига доимо завқ, қувонч, бахт, гўзаллик ва аллақандай қаттиқ ташналик сезиши ҳақида нозик кузатишлар қилади. Умуман, Иброҳим Ғафуровнинг Ойбек шеърятини ҳақидаги ушбу мақоласи зўр маҳорат билан ёзилган ва ойбекшунослик мактабида алоҳида бир дарснома вазифасини ўтаб келмоқда.

И.Ғафуров Шайхзода ижоди ҳақидаги кузатишларида шоир ижодига хос бўлган ва ҳали танқидчиликда тилга олинмаган ва оддий кўз илғамайдиган муҳим қирраларни топа билган. Шайхзода шеърларини баҳолашдаги мунаққиднинг адабий-танқидий қарашларида истеъдод, гўзаллик туйғусини чуқур аглай билиш, журъат ва катта билим савияси бўртиб туради. Мунаққид Шайхзода лирикасидаги гражданик эҳтироси, чуқур тарихийлик, яъни шоирнинг ўтмиш билан бугунни бир поэтик нуқтада бирлаштира олиш ва ўтмиш тарихини бугуннинг катта манфаатлари нуқтаи-назаридан ҳаққоний ёритиб бера олиш маҳоратини кенг тарзда таҳлил қилади.

Иброҳим Ғафуровнинг "Юрак аланга" китобининг салмоқли бир қисми "Янги нафас" деб аталади ва мунаққид бу бўлимда 70-йиллар шеърятидан ўзига муносиб ўрин олаётган учинчи авлод шоирлари ижодини таҳлил қилади, шеърятнинг ранг-баранг йўллари ҳақида, янгилиниш садолари, қалб гуллари ва шеърнинг оҳанрабо кудрати ҳақида пурмаъно баҳс юритади, ёш ижодкорлар ижодини қалб ва ҳаяжон кўзи билан кўришни истаб қўлига қалам олади, илм кўзи, қалб кўзи билан шеър пардаларининг сирини кўтаради. 70-йиллар ўзбек шеърятинидаги реалистик тасвирни Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ижоди


асосида чуқур илмий шарҳлаб беради, Ойдин Ҳожиёва, Халима Худойбердиева, Омон Матжон, Миразиз Аъзам, Рауф Парфи сингари шоирлар ижоди орқали ўзбек шеърятини майин, жарангдор, рангин образлар билан безанган, дардли ва латофатли, мусикий жозибдорлик йўли тобора кенгайиб бораётганлигини ва мазкур шоирларнинг услублари ҳам эндиликда баркамолликка эришганлигини мисоллар асосида ифода этади: *"Шеърят азалдан сеҳр билан дўст тутинган, - деб ёзади И.Ғафуров. - У сирли дунё - қалб дунёси билан тиллашади. Шунинг учун ҳамма ялангоч нарсалар унга ёт, ҳамма саёз нарсалар унга ёт. Нега қадим шоирлар сўз машаққатини гаввос меҳнатига қийслаганлар? Гаввос саёз ерда нима қилсин? Сув тўпигидан келган ерда гаввос нима ҳунар кўрсатсин? У гавҳарни ҳаммининг нигоҳи этиб боравермайдиган ердан, сирли бир дунёдан, жуда катта нафас ва жуда катта журъат, жуда ўткир нигоҳ керак бўладиган ердан олиб чиқарди"* (И.Ғафуров, Юрак аланга, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1980 йил, 205-206-бетлар).

Иброҳим Ғафуров ўзининг бу илмий назарий фикрларини Рауф Парфи ижодининг таҳлили мисолида яна ривожлантиради: *"Рауф Парфининг шеърлари ҳақида сўзлаш жуда нозик ва жуда ноёб чиний косани синдириб, неча юз бўлақларга бўлиб, мана шу чинни бундай лойдан, бундоқ усуллар билан, бундай тарбиялар ва бундай маҳорат кўрсатиб ясалган, дейишлик билан баробар бўлади"* - дея ёзади И.Ғафуров (И.Ғафуров, Ўттиз йил изҳори. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 йил, 183-бет).

И.Ғафуровнинг таъкидлашича, Рауф Парфининг шеъри Такубоқудан тортиб Нозим Ҳикматгача, Луис Морандан тортиб Усмон Носиргача, Пабло Нерудадан тортиб Карло Каладзегача, Тавфиқ Фитратдан тортиб Егише Чаренцгача, Микеланжелодан тортиб Александр Блокгача ўзининг образли тафаккур дунёсига тортади. Ўзини улуг инсонларнинг овозлари ва фикрлаш тарзи билан бойитади, маърифатли қилади. У адабиётимизнинг энг яхши шоирлари каби шеърят дарчаларини дунё шеърятининг ранг-баранг овозлари ҳамда муаммоларига кенг очади, уларни ўзбек сўзининг мусиқа оҳанглирига жўр қилиб юборади. И.Ғафуров Рауф Парфи ўз шеърларини доимо закий илҳом билан ёзишини, унинг зехни югурик эканлигини, теран ҳиссиёт билан яшашини, шодлик ҳам, мунг ҳам унинг шеърятинида қоришиб кетганлигини катта бир заковат ва топқирлик билан қайта-қайта уқтиради.

И.Ғафуровнинг адабий-танқидий қарашлари 60-70 йиллар адабий танқидчилиги жараёнини бир бутунликда таҳлил этишда ўз ўрнига, салоҳият ва салмоғига эга. Умуман, Иброҳим Ғафуров ўзининг юксак адабий-танқидий қарашлари билан 60-йиллардан бошлаб ҳар бир давр ўзбек адабий танқидчилиги тарихида муҳим ўрин тутади. Айниқса, адабий танқидчиликни замоннинг долзарб муаммолари ва катта мақсадларига илҳомлантириш ҳамда йўналтиришда И.Ғафуров ижодининг ўзига хос таъсири ва салмоқли сабоқлари бор эканлиги адабий жамоатчилик томонидан доимо алоҳида таъкидланиб келинмоқда.

Бойназар Йўлдошев,
филология фанлари номзоди, доцент



ЎТГАН КУНЛАРИНГ ҲЕЧ ЗОЕ КЕТМАЙДИ...

АЛВИДО

* * *

Агарда муҳаббат оғушин билсанг,
Гоҳида қувончга, гоҳ ғамга тўлсанг.
Умрингда бир бора чин дилдан севсанг
Ўтган кунларинг ҳеч зое кетмабди.

Хаёлларинг бўлса доим паришон
Баъзида кетмоқни истасанг гирён.
Севгилинг интилса мудом сен томон
Ўтган кунларинг ҳеч зое кетмабди.

Нигоҳи тушганда тилинг лол қолса,
Бўса олганида тилда бол қолса,
"Севдим-севдим" дея у беҳол қолса
Ўтган кунларинг ҳеч зое кетмабди.

Дунё борича нур ихтиёр килгин!
Гоҳ тотли дақиканг қадрини билгин!
Чиндан севсанг, жоним ёнимда бўлгин!
Ўтган кунларинг ҳеч зое кетмайди...

Билмадим нега сен қалбимга кирдинг,
Нечун истаб қолдинг бирдан кетмоқни.
Тушунмадим нега кўнглимни тилиб
Севгимга солмоқчи бўлдинг сиртмоқни.



Ахир ўзингмасми хаёлим олган
Орзу-истакларим чироғи бўлиб.
Энди-чи қийноқдан-қийноққа солган
Юрагим гулини ғам-ла сўлдириб.

Дилим оғритганинг кечираман бил,
Қаттиқ танбехларинг унугаман ҳам.
Агар тирик мурда қилмоқчи бўлсанг
У дунё бу дунё қарғарман, санам.

Қалбингга кулоқ сол, адашма асло,
Бир лаҳза кўрмоққа зор ҳам бўларсан!
Хайробод қилажак кунимда ҳатто
Оғир изтиробдан қонлар йиғларсан!

Шавкат ОМОНОВ 1962 йилда Бухоро вилоятининг Жондор тумани Жойзар қишлоғида тугилган. Ўрта Осий педиатрия медицина институтини тугатган ва ҳозирги кунда Тошкент педиатрия медицина институтининг кулоқ, томоқ ва бурун кафедрасида доцент бўлиб ишламоқда. "Ёшликда илк бор чиқиши.

НЕВАРАКУЛЧА

ТОЙЧОҒИМ



Менинг саман тойчоғим,
Сакраб-сакраб ўйнайди.
Мени кўрса ҳар доим,
Кишнаб-кишнаб қувнайди.
Эркалатиб мен уни,
Ёлларини силайман.
Бир кун агар кўрмасам,
Не қиларим билмайман.

Узоқ юртга шошиб-шошиб кетавер,
Хушнуд этиб бизнинг дилларимизни,
Манзилингга омон-эсон етавер.

ҚУРБАҚА

Мен қурбақа-қурбақа,
Кўшигим бор вақ-вақа.
Мен офтобда ётаман,
Чивинларни тугаман.
Сувда умбалоқ ошиб,
Сакраб-сакраб ўйнайман.
Сўнг кирғоққа чикволиб,
Кўшиқ айтиб тўймайман.



ТУРНАЛАР

Осмонлардан учиб ўтар турналар,
Узоқ юртга шошиб кетар турналар,
Чарчамайди ҳам толмайди турналар,
Кўлларини силкир шўхчан болалар.
Кўшигингни айтиб доим ўтавер,

*Файратжон ҚУРБОНОВ,
Қўшработ туманидаги
69-мактаб ўқувчиси.*



УЛКАН МАҲОРАТ САМАРАСИ

Давр деган тушунча бекордан пайдо бўлган эмас. Зеро, ҳар замоннинг ўз мезонлари бўлади. Кеча маъқул кўринган гап бугунга ёкмайди ёки, аксинча, бугуннинг сўзини кеча айтиб бўлмас эди.

Адабий асарларга муносабатда ҳам бу ёрқин сезилади. Ҳар давр асардан ўзига керакли жиҳатни излайди, ҳар замоннинг муайян бадиий дурдонага ўз муносабати, ўзига хос баҳоси ҳам бўлиши табиий.

Абдулла Қаҳҳорнинг "Дахшат" хикояси ҳам бундан мустасно эмас.

Хикоя ўз даврида бошқача талқин этилган, истиклол замонининг унга муносабати эса бир бошқа. Бундан ташқари, асарга ҳар ким, ҳар бир тадқиқотчи ўз кўзойнаги орқали қарайди ва бунга ҳаққи ҳам бор. Ҳатто, бир замоннинг ўзида асар ҳақида бир-бирига батамом зид қарашлар ҳам баён қилинавериши мумкин.

Ҳавола этилаётган мақола ана шу "Дахшат" хикояси ҳақида. Аниқроғи, унда айнан шу янги талқинлар билан илмий баҳога киришилади.

Ўйлаймизки, бу баҳс Сиз - азиз ўқувчини ҳам қизиқтиради, эҳтимолки, у кимларнидир қўлига қалам олишга ўндар. Таҳририят бу баҳсни давом эттириш тарафдори.

Ўзбекистон мустақиллик даврига қадам қўйгандан кейин танқид ва адабиётшунослигимда деярли бутун адабиёт тарихини, алоҳида ёзувчилар ижодини ёки айрим асарлар моҳиятини, кадр-қийматини, бадиий тараққиётда тутган ўрнини қайта идрок этиш, янги талқин қилиш жараёни бошланди. Ҳаётда кескин ўзгаришлар юз берган чоғларда бундай жараёнларнинг содир бўлиши, тақорланиб туриши ва кўпинча, ижобий самараларга олиб келиши қонуний ҳодиса эканлиги адабиёт тарихида қайта-қайта исботланган. Улар, кўпинча, ижобий самаралар бериши шу билан белгиланадики, мазкур жараёнлар давомида аксарият ҳолларда бадиий адабиёт, алоҳида санъаткорлар ижоди ёки айрим асарлари тўғрисидаги ҳақиқатлар юзага чиқарилади. Фақат ҳозирги ўзбек танқидчилиги тажрибасидан маълум бўлишича, янги талқинга интилиш айрим ҳолларда жуда салбий оқибатларга, яъни ҳақиқат ўрнига ёлгоннинг, бўхтоннинг, тўхматнинг юзага чиқишига олиб келиши ҳам мумкин экан. Бунинг яққол далили сифатида филология фанлари доктори Ҳ.Каримовнинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси 1998 йил 26 июнь сониде босилган "Ғоя ҳақиқатга мосми?" сарлавҳали мақоласини эслаш мумкин. Муаллиф унда ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг "Дахшат" хикоясини янги талқин этишга уринган. Умуман олганда, бундай уринишни қоралаш қийин, чунки бир неча йилдан бери Абдулла Қаҳҳорнинг кўп қабат асарларини қайта идрок этишга, бошқача таҳлил қилишга интилишлар бўлмоқда ва у катта билим ҳамда чинакам истеъдод билан амалга оширилганда, айрим номаълум ҳақиқатларнинг аниқланишига, тикланишига ҳам олиб келмоқда. Фақат янги талқинга интилиш баҳонасида Ҳ.Каримов имкон борича "Дахшат" хикоясининг кадр-қийматини тушириш, моҳиятини, матн маъзига яширинган маъноларни мутлақо тушунмасдан бошқача ёритиш йўлидан борган. Буни мақола Абдулла Қаҳҳорга қуйидаги тарзда кескин айб қўйишдан бошланганлигидеяк яққол исботлайди: *"Маълумки, собиқ шўролар даврида ёзилган талай асарларда давлат сиёсати илгари сурган ғояни, яъни ўтмишни қоралаш воситида социалистик жамият элга эрк ва бахт берувчи*

тузум эканлигини тасдиқлаш оқибатида миллий шаброит билан ҳисоблашмаслик, ҳаёт ҳақиқати ҳамда мантиқига беписанд қараш ҳоллари рўй берди. Аиникса, бу борада Абдулла Қаҳҳорнинг ўтмиш ҳақидаги айрим хикоялари етакчилик қилади. Бунга биргича "Дахшат" хикояси мисол бўла олади".

Шу айблагга суяниб, танқидчи "Абдулла Қаҳҳорнинг айрим асарлари маҳорат мактаби бўлмайди", - деган кескин ҳукм чиқаради. Олдиндан ишонч билан шуни айтиб ўтиш зарурки, "Дахшат" хикояси фақат инқилобдан аввалги ўтмиш ҳақидаги асар бўлмай, тўғридан-тўғри ёзувчи яшаган замонга, аниқроғи, совет даврига ҳам тааллуқлидир. Бу фикрнинг исботини кейинроққа қолдириб, дастлаб хикояда Ҳ.Каримовга ҳаёт ҳақиқатига зид ва мантиқсиз бўлиб кўринган ўринлар устида тўхталиб ўтиш жоиз туюлади. Биринчи галда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, "Дахшат" хикоясида унинг бутун моҳиятини, матн маъзига яширинган мазмунни, ҳатто асар фақат ўтмишгагина тааллуқли эмаслигини англашга ёрдам берувчи сўзлар бор эдики, танқидчи ўша калитни пайқамай ўтиб кетган кўринади... Мана, ўша сўзлар, яъни хикоянинг бутун руҳини, маъносини, тўлиғича тимсоллардан тикилган матни сир-асрорини тушунишга йўл очувчи калит: *"Унсин индамади. Додхонинг саволи жавобсиз қолиши мумкин эмас эди. Шунинг учун биттаси гуноҳ қилса ҳаммаси баравар қалтак ейдиган кундошлар Унсинни тўртқилошди".*

Бу парчанинг ҳаммасида ҳам эмас, балки *"биттаси гуноҳ қилса ҳаммаси баравар қалтак ейди"*, - деган сўзларда олам-жаҳон маъно яширинган бўлиб, уни тушуниш учун жуда нозик дид билан маъзини чақиб олиш зарур ҳисобланади. Даставвал, худди шу калитдан Унсиннинг нима сабабли эрк учун курашчига айланиши яққол англашилади. Бунга урғу беришимизнинг боиси шундаки, Ҳ.Каримовга, биринчи навбатда, Унсиннинг эрк учун кураши тасвири шубҳали бўлиб туюлади. Шунга кўра у Унсинни эрк курашчиси сифатида талқин этганлари учун О.Шарафиддинов ва М. Қўшжонов каби танқидчиларга дашном, дакки беради, ҳамда қаттиқ мунозарага киришиб, мусулмон аёли эрга берилгандан кейин озод-

ликка интилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидаларни эслатади. Фақат бунда Ҳ.Каримов Унсиннинг эрк учун курашини тугдирган, аланга олдирган шарт-шароитлар ҳикояда жуда ёрқин, ишонарли тасвирланганлигини эътиборидан қочиради. Танқидчи буни эътибордан қочириши ҳеч гап эмас, чунки Абдулла Қаҳҳор ҳикоя жанри талабларидан келиб чиқиб, худди шу шароитни муфассал эмас, балки бир-икки тафсилотда, деталда, лўқмада намоён қилади. Ҳикоя воқеалари бошланган Олим додхо даргоҳини, яъни Унсиннинг эрк учун курашини юзага келтирган шароитни ёзувчи фақат бир ўринда ғоятда сўзга хасислик билан қуйидагича чизади: *"тириклар гўристонни бўлган бу даргоҳнинг дахшати олдида ўликлар гўристонининг дахшати унга дахшат кўринмас, бундан ташқари эртагаёк Ганжиравонга жўнаш, ота-онасини, дугоналарини кўриш умиди унинг бошига бошқа ҳеч қандай фикр-хаёлни йўлатмас эди"*.

Демак, шароит фақат икки сўз, яъни ниҳоятда ажойиб тимсол сифатида топилган *"тириклар гўристонни"* детали воситасида акс эттирилганки, бундай муҳитда фақат мусулмон аёли эмас, балки исталган одам озодлик учун курашчига айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Исломи дини қоидалари уларнинг эрк учун курашига мутлақо йўл бермаган, дея қатъий ҳукм чиқариш қийин, чунки шароит қонунлари тўла ҳукмрон бўлган чоғларда ҳам барчанинг ҳамма вақт ўша расм-русумларга сўзсиз амал ёки итоат қилавермагани кундек равшан. Тарихдан бунга минглаб мисоллар топиш мумкин.

Унсиннинг эрк учун кураши туғилиши муқаррар эканлигига ишонтириш мақсадида ёзувчи уни курашган шароитнинг бир хусусиятига алоҳида ургу беради. Мазкур шароитнинг ёзувчи алоҳида ажратиб кўрсатган, яъни асосий хусусияти шундаки, бу муҳитда яқка бир шахснинг чексиз зулми, жаҳолати ҳукмронлик қилади. Ҳикояда жоҳилликнинг, золимликнинг мутлоқ мужассами сифатида Олим додхо тимсоли яратилган. Ҳ.Каримов эса, қаҳрамоннинг бу хусусиятини илғамайди ва: *"Додхо... жоҳил эмас, илмли, руҳоний киши"*, - деб ҳисоблайди. Ажабо, додхо *"илмли, руҳоний киши"*, - деган сўзларни Ҳ. Каримов қаердан олди экан? Ахир уларни ҳикоядан кундузи прожектор ёқиб ҳам, қидириб топиб бўлмайди-ку? Ё бўлмаса, бир пайтлар пахтачиликда бўлгани каби адабий танқидда ҳам қўшиб ёзиш касали илдиз отдимкин? Агар бу касал ёйилиб кетса, танқидчиликнинг бошбошдоқлик, ўзбошимчалик, тўтуруқсизлик, бетайинлик майдонига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Фақат Ҳ. Каримовнинг додхо жоҳиллигини тушунмаслиги сабаби қўшиб ёзишда эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, Абдулла Қаҳҳор ҳикоянинг ҳеч ерида қаҳрамонини золим ёки жоҳил деб атамаган, балки, аксинча, Олим додхо деган ном берган. Ҳа, чинакам санъат намуналарида, ҳақиқий бадий асарларда худди шундай тасвир, яъни бир сўзнинг маъносини ўз номи билан эмас, балки бошқа воситалар орқали ифодоланган, илмий тилда айтсақ, образлилик мавжуд бўлади. *"Пахта"* ўрнига *"оқ олтин"*, *"газ"* ўрнига *"зангори олов"*, *"терим машинаси"* ўрнига *"зангори кема"* бирикмаларини ишлатиш худди шу образли тафаккурнинг маҳсуллари бўлиб, у бадий асар руҳига жон бахш этади. Бундай образли тасвир соҳасида улкан самараларни фақат ҳассос истеъдодга, юксак маҳорат

мактаби тажрибасига эга бўлган манъаткорларгина қўлга киритганлари адабиёт тарихидан жуда яхши маълум.

Ҳ.Каримов додхо характеридаги жоҳилликни пайкамаганининг яна бир сабаби шундаки, ёзувчи бу белгини ҳеч ерда тилга олмагани ҳолда, фақат икки-уч жойдагина ҳикоя жанри талабларига мос равишда жуда қисқа чизилган лавҳаларда намоён қилиб ўтади. Аввало, у қаҳрамоннинг жоҳиллигини аён қилишда энг асосий восита сифатида юқорида тилга олинган қалитдан моҳирона фойдаланади. *"Биттаси гуноҳ қилса ҳаммаси баравар қалтак ейди"*, - деган жумлада, биринчи навбатда, додхонинг жоҳиллигига ишора бор, чунки фақат ўта золим одамгина гуноҳкор ва айбсиз кишиларни фарқламай жазолайверади.

Додхонинг жоҳиллигини ярақлатиб кўрсатувчи иккинчи қисқа лавҳа Унсиннинг ўнта гўрга ўнта пичоқ санчиб кела олишини айтгандан кейин чизилади. Мана, ўша ғоят муҳтасар, лекин ҳассослик билан чизилган лавҳа: *"Бирок, додхо, ҳамманинг кутганига қарши, қўлига қамчи олиб Унсинни "қаеринг қичиди"га солмади, аксинча, захарханда билан бўлса ҳам, мулоқим гапирди"*.

Лавҳадан англашиладики, додхо бўлар-бўлмасга хотинларини *"қаеринг қичиди"*га солиб қамчилаб келган. Унинг жоҳиллигини кўрсатиш учун Ҳ.Каримовга бундан ёрқинроқ қандай деталь керак экан? Аммо ёзувчи жоҳилликни намоён қилувчи янада ҳаётийроқ учунчи тафсилотни ҳам келтиради. Фақат Ҳ.Каримовга *"бу ҳолат ҳам кўпда ишонарли эмас"* туюлади. Мунаққидни ишонтирмаган лавҳа шундай: Нодирмоҳбегим Унсинга раҳм қилишни, уни қабристонга юбормаслигини сўраб, додхога инсоний ёлворини билан мурожаат қилади. Додхо эса, унинг кўзини моматалоқ қилиб, қон чиқкунча уради. Бунинг нимаси шубҳали? Гуноҳқору айбсизни фарқламайдиган кимсанинг бундан ортиқроқ шафқатсизлик содир қилиши, хотинини ўлдириши ҳеч гап эмас. Кўринадикки, Абдулла Қаҳҳор ниҳоятда қисқа, аммо ҳассослик билан чизилган уч лавҳа воситасида Олим додхо салтанатидаги шафқатсизликнинг, зулмининг, жаҳолатнинг чегараси, интиҳоси йўқлигига китобхонни тўла ишонтиради. Фақат бу ҳулосани ёзувчи қайд қилиш, таъкидлаш, таърифлаш, тавсифлаш йўли билан эмас, балки кичик ҳикоя ҳажмига сиқиштириб жойланган ҳаётий манзара орқали китобхон онгига, қалбига сингдиради. Гарчанд, Абдулла Қаҳҳор *"жоҳил"* сўзини бирон марта ҳам ишлатмасдан, додхо салтанатининг жаҳолатини китобхонни ларзага соладиган даражада санъаткорлик билан очиб берган экан, танқидчи М.Қўшжонов тили билан айтганда, қандини урсин.

Унсиндаги эркак интилишни тугдирган шароитни жуда қисқа, лекин ниҳоятда ҳаққоний гавдалантиргани ҳолда, Абдулла Қаҳҳор ҳикояда қаҳрамоннинг озодлик йўлидаги кураши тавсирини катта ўрин ажратади. Бу кураш кетма-кет чизилган руҳий ва ҳаётий манзараларда жонлантирилган бўлиб, улар орасида гувиллаган шамол билан инсон қалби ўртасидаги муносабатлар тасвиридан бошқа тафсилотларнинг аксарияти Ҳ.Каримовга шубҳали ҳамда мантқиқсиз бўлиб кўрилади. Аслида ёзувчи ҳикоянинг қизиқарли чиқишини ҳам, сюжетнинг таранглашиб, кескинлашиб боришини ҳам, руҳий жараёнлар оқими ифодасини ҳам, инсоний интилиш тантанаси тўғрисидаги ҳақиқат инъ-



икосини ҳам, ҳаяжонга, интригаларга тўлиқ воқеалар ривожю меҳнаткаш халқ қалбидаги эзгу туйғуларни юзага чиқаришни ҳам худди шу эрк йўлидаги кураш тасвири заммасига юклаган.

Унсиннинг додхо билан гаров боғлаб, қабристонда чой қайнатиб келишга жўнаши, тунда шамолдан кўркиши, мазористонда олов ёқишдаги қийинчиликлари, қумғону чойнак кўтариб қайтаётганда бошидан кечирган саргузаштлари, қутилмаган маймун ҳамласидан ҳушидан кетиши, лекин чой тўла чойнакни уйга келтириши - буларнинг ҳаммаси қаҳрамоннинг озодлик йўлидаги кураши халқалари ҳисобланади. Халқалар бир-бирига шу қадар мустаҳкам боғланганки, улар орасида мутлақо кемтик топиб бўлмайди. Борди-ю халқалардан биронтаси тушириб қолдирилса, улар зиммасидаги мазмун, яъни Унсиннинг озодлик йўлидаги кураши тасвири бутун жозибасини, қизиқарлилигини, ҳаққонийлигини, яхлитлигини йўқотади. Ҳикояда сюжет халқалари ўзаро шу қадар муқаммал боғланганки, натижада улар Унсиннинг озодлик учун кураш йўлидаги ҳар бир қадами, хатти ҳаракати сира шубҳа туғдирмайдиган даражада далилланишига, асосланишига хизмат қилган. Фақат бунини тўла фаҳмламаган Ҳ.Каримов халқалар орасидан мантиқсизлик топишга шу қадар кўп беҳуда уринишлар қиладики, оқибатда ўзи ҳаётдаги энг жўн, оддий нарсаларни, тафсилотларни, одамларнинг юриш-туришини билмаслигини намойиш этиб, жуда қулгили аҳволга тушиб қолади. Ахир, аёллар кўчада паранжи-чимматини қандай олиб юришини билмаслик ва шу ҳақда эзмаланиб мунозарага киришиш қулгили ҳолат эмасми? Ҳ.Каримовнинг мақоласида худди шундай тарзда муаллифнинг қулгили вазиятга тушганини кўриб, ҳайратдан ёқамизни ушлаймиз. Бунга иқрор бўлмоқ учун ўша манзарани қисқача эслайлик: Унсин гаров шартига кўра бир қўлида чойнак, иккинчисида қумғон билан қабристон томон йўлга тушади. Ҳикоячи айтишича, юриш қийин бўлгани учун у "паранжи-чимматни юмалоқлаб қўлига олганидан кейин, йўл юриши осонроқ" бўлади. Мунаққид эса бунга ҳайрон қолиб, "Унсиннинг икки қўли банд эди", - дея хитоб қилади. Демак, икки қўли банд Унсин яна қўлига паранжи олиши сабабли ёзувчи мантиқсизликка йўл қўйган бўлиб чиқади. Аслда бу ерда ҳеч қандай мантиқсизлик йўқ, чунки ёш болага ҳам аёнки, аёллар икки қўлларига юк бўлганида, паранжи-чимматларини биллақларига ташлаб ёки қўлтиқларига қистириб оладилар. Абдулла Қаҳҳор "қўлига" деганида, худди шундай ҳолатни кўзда тутган. Агар у эзма, майдакаш ёзувчи бўлганида, шу хилдаги кундек равшан тафсилотларни ҳам қозоқнинг тўққиз пулидай қилиб тушунтириб ўтирар эди.

Унсиннинг озодлик йўлидаги курашини гавдалантирувчи сюжет халқалари орасида аёлнинг қоронғи қабристонда олов ёқиш учун ўтин йиғиши ҳам Ҳ.Каримовга жуда мантиқсиз бўлаб кўринади. Фақат бу ерда унинг ўзи мантиқсиз мулоҳаза юрилади, чунки танқидчи одамларнинг кўзлари кўрмаган пайтларида қўллари пайпаслаб, ҳаёт-мамот учун зарур нарсаларни, хусусан, ўтинни топишлари мумкинлигини, хатто муқаррарлигини унутиб қўяди.

Унсиннинг чой қайнатиб қайтаётгандаги яна бир ҳолати ҳам Ҳ. Каримовга мантиқсиз бўлиб кўринади ҳамда унинг шу хусусдаги мулоҳазалари мунаққидни

яна қулгили вазиятга солиб қўяди. Аввал мунаққид қумғон ва чойнак кўтариб келаётган Унсиннинг йўлида рўй берган қўидаги воқеа тасвирини кўчириб келтиради: "Унсин кўкрагига ниҳоятда оғир нарса урилгандай кўнгли озиб тентираб кетди-ю, йиқилмади, лекин оёқ узра туриб ҳушидан кетди, орадан қанча вақт ўтганини билмади, кўзини очиб қараса жонивор елкасидан тушибди. Унсин кўркувдан телба бир аҳволда бўлса ҳам фаҳмлади, маймун! Додхонинг маймуни!"

Кўчирмадан кейин Ҳ.Каримов қўидагича мушоҳада юрилади: "Барчага беш қўлдай аёнки, киши ҳушидан кетса гандирақлайди ва йиқилади. Унсин эса анча вақт ҳушидан кетган бўлса-да, йиқилмайди. Чунки ёзувчи учун Унсин йиқилмаслиги керак, йиқилса қўлидаги чой тўкилиб кетади. Чой тўқтирмастик учун, ўз гоёсини изчил илгари суриш йўлида, муаллиф ҳаёт ҳақиқати ва мантиғига қарши йўл тутди".

Бу ерда ҳам ҳеч қандай мантиқсизлик йўқ, чунки ҳушидан кетган одам йиқилиши табиий бўлгани билан Унсин суяниб қолган бир нарса бор. У нарса маймун бўлиб, қисқалик фидойиси - Абдулла Қаҳҳор эзмаланиб ўтирмай, шу оддий ҳақиқатни фаҳмлашни ҳам ўқувчи ихтиёрига қолдирган. Эзмалик шайдоси - Ҳ.Каримов эса, Унсиннинг беихтиёр маймунга суяниб қолганини фаҳмламай, қулгули аҳволга тушиб юрибди. Унга ўша вазиятда Унсиннинг қумғонни қўлидан тушириб, чойнакни ушлаб қолиши ҳам мантиқдан йироқ кўринади. Аслида, чуқурроқ ўйлаб кўрсак, озодлик умидидек чексиз туйғу Унсинга бекиёс куч-қудрат бахш этганлиги ва чойнакни жон-жаҳди билан бағрига босиб, ушлаб қолишга мажбур қилганлиги аён бўлади. Иккинчидан, бадий адабиётда баъзан ҳушидан кетган одамнинг йиқилмаслиги ёки ўша вазиятда ҳам чойнакни қўлидан тушириб юбормаслиги сингари ғайритабиийроқ ҳолларга шартли равишда ўрин берилади ва улар мантиқсизлик деб саналмайди. Масалан, Г.Маркеснинг машҳур "Ошқора қотиллик тарихи" қиссасида душманлар Сантьяго Носирнинг қорнини ёриб ташлайдилар. Ушанда ҳам қаҳрамон ичак-чавоғини чангаллаб, одамлар орасига юриб боради ва: "Мени ўлдиришди", - дейди. Тўғридан-тўғри ҳаётга солиштирилганда, бу воқеа ғайритабиийдек. мутлақо бўлиши мумкин эмасдек туюлади. Бироқ бутун жаҳон бўйлаб тарқалган бу қиссани ўқиган китобхон ёки танқидчиларнинг ҳеч бири ёзувчинини мантиқсизликда айбламади.

Унсиннинг озодлик учун кураши тасвиридаги халқалар орасида Ҳ.Каримов топган бир "мантиқсизлик", яъни додхонинг уйда маймун сақлаши ва исёнкор хотинининг орқасидан юбориши баъзи адабиётчиларга асослидек бўлиб кўринди. Бу хусусда Ҳ.Каримов: "Маймун детали ҳам ҳикояда ўзини оқламаган. Чунки биронта тарихий манбаларда ўзбек хонадонидан маймун асраш факти қайд қилинмаган. Додходек руҳоний одамнинг уйда маймун асраши ақлга тўғри келмайди", - деб ёзди.

Ўз вақтида таниқли танқидчи, катта қаҳҳоршунос олим Умарали Норматов шахсий сўхбатида ёзувчининг эътиборини худди шу масалага қаратиб, ҳикояга маймун деталининг киритилиш сабабини сўраган экан. Ўшанда Абдулла Қаҳҳор XX аср бошларида Фарғона водийсидаги баъзи катта бойлар хиндистонлик сав-

доғарлар келтирган маймунлардан сотиб олиб, уларда эрмак учун сақлаганликларини далиллар асосида ҳикоя қилиб берган экан. Хуллас, бу деталнинг ҳам ҳаётий асоси йўқ эмас. Иккинчидан, ҳикоянинг гоёвий-бадий мукамаллигини, ишонтирувчанлигини таъминлашда маймун деталининг кадр-қиймати ниҳоятда каттадир. Ёзувчи худди шу детални, яъни мушук ё кучукни эмас, балки фақат маймунни ҳикояга киритишдан камда икки мақсадни кўзда tutади. Биринчидан, маймуннинг қабристон йўлида Унсинга ташланиши аёл қалбидаги кўркүв ҳиссини кучайтиришга ва-пироварддаги ўлимини асослашга хизмат қилади. Агар ёзувчининг шундан бошқа мақсади бўлмаганда, маймун ўрнига кучук ё мушукни кириштириш ҳам мумкин эди. Фақат муаллифнинг иккинчи жиддий мақсади ҳам борки, у мазкур жониворларни танлашга йўл бермайди. Иккинчи мақсад шундаки, Абдулла Қаҳҳор маймуннинг Унсинга ташланишини тасвирлаш билан Олим додхонинг жоҳиллигини, яъни ҳалолликни тарғиб қилувчи дин аҳкомларига ишонгани ҳолда, у гаровда гирромга ўтиб, шусиз ҳам тунги қабристон даҳшатидан титраб турган муштипар аёл устига маймунни юборганини, шу тариқа ўз манфаати йўлида ҳеч қандай тубанликдан, пасткашликдан, айёрликдан, қабихликдан қайтмаслигини аниқ-равшан кўрсатишга интилган. Шунга кўра маймунни мушук ёки кучук билан алмаштиришнинг иложи йўқ, чунки улар қабристонда дайдиб юрган ҳайвонлар бўлиши мумкин ва Унсин устига ёпирилган кўркүвни фақат додхо ташкил этганлигини кўрсатиш учун етарли асос сифатида хизмат қила олмайди. Маймун эса, воқеалар содир бўлган ҳудудда фақат додхо уйда сақлангани учун, ёзувчи мутлақо таъкидламаса ҳам, у ёлғиз шу золим томонидангина гўристонга, Унсиннинг орқасидан жўнатилганлигини китобхон осонгина пайқаб олади. Демак, маймун детали ҳассос санъаткор кўлида додхо характери моҳиятини, яъни ўта жоҳиллигини, золимлигини, шафқатсизлигини, разиллигини, инсоний маънавиятдан маҳрумлигини равшан очиб беришда энг мувофиқ бадий воситага айланган.

Англашиладики, "Даҳшат" ҳикоясида Унсиннинг озодлик йўлидаги кураши ва унинг жараёнида бутун жисмига куч-қудрат бахш этган туйғулар оқими энг кичик тафсилотигача ҳаётий ва ҳаққоний акс эттирилган. Буни, яъни ҳикоя сюжети ўта мукамал бадий далиллаш асосига қурилганлигини ишонарли даражада инкор қила олмагандан кейин Ҳ.Каримов асар ечимида ақлга сигмайдиган мантиқсизликлар борлигини исботлашга киришади ва асосий эътиборини Унсиннинг жасадига - майитга муносабат масаласига қаратади ҳамда ёзади: "Унсин додхонинг чўриси эмас, шаръий хотинидир. Хотин ўлса уни ерга қўйиш эрнинг зиммасидадир. Бу мусулмончиликнинг, шаритатнинг қонунидир. Айниқса, дин йўлини тутган додходай одам буни яхши билади. Ундан ташқари, майитнинг яқинлари келмагунча, бу ишга кўл урилмайди. Кутилади. Ҳикояда эса, бундай урф-одат, дин қонуниятларининг биронтаси билан ҳисоблашилмаган. Тўғрироғи, ёзувчи буни эп кўрмаган".

Бу сўзларни ёзиш билан ҳикоянинг бошидан-охиригача мантиқсизлик қидирган Ҳ.Каримовнинг ўзи ўта мантиқсизликка берилиб кетганини сезмай қолади.

Мунаққид йўл қўйган мантиқсизлик шундаки, у Унсиннинг гаровда ютиб чиқиб, додхондан уч талоқ олганини буткул унутиб, аёлни собиқ эрининг "чўриси эмас, шаръий хотини", - деб атайверади. Унсин додхога шаръий хотин бўлмади қолгандан кейин ёзувчидан уни эрлик аёлга оид диний қонунлар асосида дафн этишни талаб қилиш бутунлай ақлга сигмайдиган ишдир.

Фақат Унсиннинг дафн маросимигина эмас, балки ҳикоянинг сўнги сатригача Ҳ.Каримов учун номақбул туюлади. Мана, унинг бу ҳақдаги сўзлари: "Ҳикоя охирида Нодирмоҳбегимнинг додхо уйини тарк этиши ҳам ҳаёт ҳақиқати ва мантиқига зид. Чунки миллий урф-одат бундай ишни инкор этади".

Бунга жавобан шуни айтиш мумкинки, зулм, жаҳолат ҳаддан ошганда, инсоннинг сабр косаси тўлиб-тошганда, уни эркинлик, озодлик учун курашдан ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмайди. Мазкур маъносидан ташқари Унсиннинг ўлими ва Нодирмоҳбегимнинг додхо хонадонидан чиқиб кетиши яна бир гоёни, яъни зулмат салтанати секин-аста емирилиб, парчаланиб кетиши муқаррарлиги тўғрисидаги ҳақиқатни ҳам далиллашга хизмат қилган. Унда чор империяси емирилишига рамзий ишора ҳам бўлса ажаб эмас.

Шу тариқа "Даҳшат" ҳикояси "ҳаёт ҳақиқати ва мантиқи, шунингдек, инсон ирода йўналиши асосига қурилма"ганлиги юзасидан Ҳ.Каримов илгари сурган деярли барча даъволар мутлақо асоссизлиги исботланишининг ўзиёқ мазкур асар бадий далиллаш санъатининг мукамал намунаси эканлигидан далолат беради. Шундай бўлгач, энди Ҳ.Каримов даъволари таҳлилини тўхтатиб, у буткул сезмаган, лекин ҳикоя маъзига яширинган ва ўта рамзий йўллар билан ифодаланган маънолар устида фикр юритиш ўринли бўлади.

Ҳикояда фақат Ҳ.Каримов эмас, балки умуман, танқидчилигимиз ҳозиргача пайқаманган бир муҳим гоё яширингандек туюлади. Шу гоёнинг моҳиятига етиلسа, ҳикоя фақат инқилобдан аввалги ўтмишга эмас, балки ундан кейинги даврларга, ҳатто ҳозирги кунларимизга ҳам даҳлдор эканлиги оён бўлади. Ҳикоя қатидаги мазкур маънони, яъни унинг инқилобдан кейинги замонларга ҳам даҳлдор эканлигини англамоқ учун яна юқоридаги калитни хотирлаш зарур бўлади. Ахир: "Биттаси гуноҳ қилса ҳаммаси баравар калтак ейди", - сўзлари Сталиннинг: "Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун", - деган машҳур ва машҳум шиорини эслатмайдими? Ахир, худди шу шиор туғдирган жазава билан неча миллионлаб зиёлилар қириб ташланмади, қанчадан-қанча халқлар, қрим татарлари, чеченлар, месхети турклари она юртларидан зўрлик билан бадарга этилиб, қон қақшатилмади? Худди шу каби ижтимоий даҳшатлардан ларзага келган ёзувчи қалби ва онги зулматга, жаҳолатга тўлиқ Олим додхо хонадонни тимсолида Сталин барпо этган СССРдек зиндонхонага ишора қилган бўлса ҳеч гап эмас. Китобхонга шу рамзий шиорани сездириш учун ёзувчи Сталин шиорини бироз ўзгартирган холос. Шиор айнан ишлатилганда эса, ҳикоянинг босилмаслиги муқаррар эди. Бундай эҳтиёткорликка ёзувчи деярли ҳикоянинг бошидан-охиригача изчил ва қатъий амал қилган. Эҳтиёткорлик жуда оддий тафсилотлар, ҳатто айрим рақамлар танланишида ҳам усталик билан сақ-

ланганки, шунинг натижасида китобхон уларнинг маънасида яширилган ўта пинҳоний маъноларни ё англайди, ё фаҳмламай ўтиб кетаверади. Фикримизнинг исботи учун ёзувчи нима сабабдан Олим додхонинг хотинлари сонини саккизта қилиб кўрсатганлигини ўйлаб кўрайлик. Бу хусусда ўзаро сўхбатимизда Умарали ака: "Шариатда эркак киши уч-тўртта хотин олиши мумкин бўлгани ҳолда, нима учун додхонинг аёллари сони саккизта эканлигини Абдулла акадан сўрамаган эканман", - дедилар. Мен аминманки, Абдулла Қаҳҳор 60-йилларда бундай рақам танланишининг сабабини аниқ айтишга журъат қилмаган бўларди. Бунинг сабаби шундаки, мазкур рақамга икки маъно юкланган бўлиб, ёзувчи уларнинг биринчисини бемалол маълум қилгани ҳолда, кейингисининг ошкор этилишидан хавфсираши мўқаррар эди. Аввало, 8 рақамини танлаш билан ёзувчи додхонинг жоҳиллигига, яъни сиртдан ўзини дин фидойиси қилиб кўрсатгани ҳолда, шариат қонунларини мутлақо менсимаслигига урғу бермоқчи бўлган. Умуман, бундай талқин тарих ҳақиқатига зид келмайди, чунки шариат уч-тўрт марта уйланишга йўл бергани ҳолда, Мирзо Улугбекнинг бешта, Хусайн Бойқаронинг ўн та атрофида, Худоёрхоннинг ўттиз бешта хотини бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Додхо ҳам ўзини шундайлар қаторида кўришни орзу қилган бўлса не ажаб? Додхонинг саккиз хотинлиги тафсилотига юкланган легал мазмун шундан иборат бўлиб, муаллиф унинг асосий маъно сифатида ошкор этилишини маъқуллаганлиги шубҳасиз. Додхо уйда саккизта хотини даҳшатда яшаши тафсилоти зиммасига юкланган иккинчи, яъни консператив маъно

шунда бўлса керакки, Абдулла Қаҳҳор мазкур рақам орқали Сталин зиндонхонасига мустамлака сифатида қамалган республикалар кўплигига сезилар-сезилмас тарзда рамзий ишора қилишни мўлжаллаган бўлса ажаб эмас. Агар у тўғридан-тўғри ўн беш рақамини танлаганида, очикдан-очик СССРга ишора қилаётганлиги ошкор бўлиб қолар ва ҳикоянинг босилмаслиги икки карра мўқаррарлашар эди. Ҳикоядаги Унсиннинг ўлими ва Нодирмоҳбегимнинг додхо хонадонини тарқ этиши тафсилотлари зиммасига юкланган кўшимча, яъни консператив маъно ҳам асарда худди юқоридаги зиндонхонага ишора борлигини тасдиқлайди. Мазкур кўшимча маънонинг моҳияти шундаки, икки аёл қисмати орқали ёзувчи фақат Олим додхо хонадонининг ёки чор империясининг емирилишигагина эмас, балки Сталин салтанати ҳам бир кунмас бир кун парчаланиб, ундаги халқлар мустақиллик йўлига чиқишига билинар-билинмас ишора қилган бўлса ажаб эмас.

Кўринадики, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор "Даҳшат" ҳикоясида фақат инқилобдан аввалги ўтмишгагина эмас, балки ундан кейинги кўп даврларга, ҳатто бизнинг кунларимизга ҳам даҳлдор умумбашарий мазмунни, башоратларни улкан маҳорат мактабининг олий талаблари даражасида ифодалаб, бадий кашфиёт яратиш йўлида худди шу асариде энг катта муваффақиятлардан бирига эришган бўлса ажаб эмас. Фақат шу хулосанинг тагига етмоқ учун ҳақиқий санъат асарини ҳис қилиш, тушуниш, идрок этиш, эстетика, адабиёт назарияси каби соҳалардан элементар, ибтидоий билим ҳам зарур.

Санжар СОДИҚ



1999 йил - аёллар йили



ҲАР СЎЗНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Инсонга инъом этилган мўъжизакор қудратни Навоий ҳазратлари: "Сўз жисм бўстонидаги дарахтдир, руҳ дарахтларидаги мевадир", - дея юксак баҳолаганлари бежиз эмас. Зеро, яратувчи парвардигор сўз билан жаҳонни йўқдан бор қилган, инсонни хайвондан юқори қўйган, унга мушоҳада юритиш, фикрлаш имконини, бахтини ато этган. Демакки, аввал сўз, сўнг эса олам пайдо бўлган. Шу боис сўз таърифи, унинг ҳикматлари, мана асрлар оша, тилларда дoston. Сўзнинг кучию қудрати бирда жон олса, бирда жон ато қилгани сир эмас. Ҳаётнинг бадий инъоисини яратувчилар қуроли ҳам сўздир.

Инсон турмуш тарзини, кечинмаларию хис-туйғуларини, маънавий қиёфасини ҳаққоний ва таъсирчан акс эттиргувчи асарларнинг китобхон қалбини тўлқинлантириб, уни ром этиши, бутун вужудини жунбишга келтириб, дунё-қарашни, маънавиятни, руҳиятида чуқур из қолдириши ёзувчи ҳамда шоирнинг маҳорати, катта ҳаётий тажрибасидан ташқари ижодкорнинг сўз қўллаш санъати, услубига боғлиқлигига шубҳа йўқ. Ёзувчи ёхуд шоир сўз ва иборалардан моҳирлик билан фойдаланганида улардаги маъно нозиклиги жилвасини илғаб ололган бўлсагина, асар юксак санъат намунасига айланади, уни қўлдан қўймай қайта ва қайта мутолаа қилувчи сон-саноксиз мухлислари кўнглидан ўзига муносиб ўринни эгаллайди. Бирок сўзларни қаторасига катма-кет тизиш орқали асар яратиб бўлмайди. Юксак савияли асарни яратиш матнга, матн эса гап тузишга бориб тақалади. Демак, сўзнинг маъноларини - асл ва кўчма маъноларини тўғри фаҳмлай билиш билан баравар гап қурилшини, сўзларни зарур грамматик шаклларда қўллаш билиши талаб қилинади. Сўздан, сўзнинг грамматик шаклларидан тўғри фойдаланмаслик асар тилида услубий нуқсон, камчиликларга йўл қўйилишига сабаб бўлади. Айрим ҳолларда эса тамомила бошқача мазмун ҳам англашилади.

Тил грамматикаси хусусиятларини мукамал билиш зарурати, айниқса, таржимонларнинг машаққатли меҳнатта самарасини таҳлил қилиш имконияти туғилганида, яққол кўзга ташланади.

Авалло таъкидлаш жоизки, ўзбек ёзувчи ва шоирлари асарларининг чет тилларга, хусусан, турк тилига таржима қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Шундай оғир вазифани зиммасига олган таржимоннинг саъи-ҳаракатлари натижаси ўларок, масалан, О.Ёқубов қаламига мансуб "Кўҳна дунё", "Улуғбек хазинаси" романларининг туркча таржимаси дунёга келди. Мақсад эзгу - ўзбек адабиётининг энг яхши асарлари билан бошқа миллат ва элат китобхонларини таништириш, ўзбек адабиётининг ютуқларини намойиш қилиш.

Лекин, амалга оширилган таржима талаб даражасида, таржима асарнинг аслиятига қанчалик мувофиқ келади, натижа мақсадни оқлайдими ёки йўқми, деган саволлар туғилиши табиий. Бундай вазиятда кўп ҳолларда асосий мезон тариқасида сўз ва ибораларнинг мутаносиб муқобилларини қўллашдаги топқирлик ва зийраклик назарда тутилади. Гапнинг грамматик қурилиши, сўзнинг грамматик шакллари, яъни таржима синтаксиси кейинги планга қўйилади. Таржимон ҳам, албатта, ижодкордир. Буни инкор этиб бўлмайди. Айна пайтда мутаржим ҳар қанча ўз ишининг устаси бўлса ҳам, у берилган аслиятдан, белгиланган майдондан ташқарига чиқмаслиги лозим. Асарни сидирга сўзма-сўз таржима қилиш билан ёзувчи ифодалаган фикрни, асар тилини бузиш ҳам мумкин.

Масалан, О.Ёқубовнинг "Кўҳна дунё" асаридан келтирилган қуйидаги парчанинг аслияти ва таржимасини солиштириб кўрайлик. (Туркча таржима муаллифи Д.Аҳсен Батур, 1993 йил Истамбулда нашр этилган.): **"Аммо... иллонинг ёғини ялаган бу тулки Мамандий тақдирдан ўзи учун катта хулоса чиқарибди, у эса, ҳовлиқма Абул Ҳасанак эса... бу ишдан ҳеч бир сабоқ олмабди"** ("Кўҳна дунё", 118-бет) Аммо.. Ilanin yağ'ini yalagan bu kurnaz tilki Meymendî'nin basına delenlerden ders almiski... Acele etme, Ebul Hasenek acele etme... Daha henii her sey bitmis deg'il (134-бет).

Бу матнда иштирок этган "ҳовлиқма" сўзи гапда аниқловчи вазифасини бажарган. Таржимон эса мазкур сўзни буйруқ-истак майли шаклида деб ҳисоблаганлиги учун лавҳанинг шу сўз қатнашган иккинчи қисми бутунлай ўзга, аслиятдан фарқланувчи маънони билдиради. Яъни "Шошма, Абул Ҳасанак, шошма... ҳали ҳаммаси тугаган эмас", - маъносини ифодалайди.

Ҳар бир сўз шакли чет тилида ўз муобилига ёки мувофиқ келувчи сўз шаклига эга. Ўзбек ва турк тиллари ҳам қардош тиллар сифатида кўп жиҳатдан муштарак, лекин бу тиллар ўртасида тафовутли белгилар ҳам оз эмас. Масалан, ўзбек тилидаги ўтган замон феълيني ясовчи - *ган, -дибди, -ган* эди қўшимчалари турк тилида йўқ. Худди шу сингари турк тилидаги *-mis, -misidi, -di idi* ўтган замон феълيني ҳосил қилувчи формантлар ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайди. Айнан шу шароитда таржимондан қўшимчалар мутаносибини тўғри қўллаш тақозо этилади. Чунки қўшимчаларнинг ҳар бири ўзига хос алоҳида семантик мазмун ташийдики, уларнинг муқобилини аниқ белгиласлик матндан англашилган нозик маънони нотўғри ифода лашга олиб келади. Масалан, қуйидаги гапда ишлатиладиган *-ган* эди қўшимчаси нутқ онидан илгари бажарилиб тугалланган, давомли бўлмаган, сўзланаётган пайтда натижа сифатида мавжуд воқеа-ҳодисани билдиради: **"Ажабо! Унда ўз бўй-бастига зид пинҳоний бир куч, сеҳрли бир иқтидор бор эдиким, бу куч ва макрнинг ҳаммасини у фақат бир мақсадга, бойлик орттириш мақсадига қаратган эди"** ("Кўҳна дунё", 118-бет). *-ган* эди қўшимчасининг турк тилидаги муқобили *-mis idi* форманти бўлсада, таржимада *-maktaydi* қўшимчаси билан берилади: *Tuhaf sey! Bu adamda mutlaka bir güç ve sihir vardı ki, biitiin akıl ve kurnazlig'ini malini miikiniin artirmak için; yalig'ini genisletmek ve calip carpmak için kullan maktaydi* (134-бет).

Пировард-натижада сўзловчи ўтган замонда бажариш бошланган, бироқ ниҳоясига етказилмаган ҳаракат-ҳолат хусусида хабар бераётгани маъноси англашилади.

Таржимоннинг бундай йирик асарни турк тилига ўгирганлиги, мураккаб ва салмоқли ишни амалга оширганлиги эътиборга молик. Аммо қайд этилган нуқсонларга ўхшаш айрим камчиликлар яна бир бор таҳрир қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, асар таржимаси наинки ифодавий топқирликка, сўз ва ибораларни танлаш қобилиятига, балки, синтактик қонун-қоидалар, сўзнинг грамматик шакллари, жумладан, феъл замонлари ясовчиларини тўғри қўллашга ҳам боғлиқ. Шу икки жиҳатни ҳисобга олган ҳолда таржима қилинган асарни аслиятига тўла мувофиқ, дейиш мумкин.

Зилола ХУДОЙБЕРГАНОВА,
ЎзРФА Тил ва адабиёт институти
кичик илмий ходими

ЮРТ СЎРАГАН АЁЛЛАР

Ўзбек аёллари қадимдан мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол қатнашиб келганлар. Бу тўғрида "Алпомиш", "Гўрўғли" каби халқ оғзаки дostonларида, қадимги ва замондош тарихчиларнинг илмий рисолаларида етарлича маълумотлар бор. Масагетлар маликаси Тўмарис ҳақида тўқилган афсоналар Марказий Осиё халқлари ўртасида кенг тарқалган. Халқ оғзаки дostonларида Қалдирғоч, Ойбарчин, Ойсулув, Гулойим каби аёллар мардлик, поклик, вафодорлик, жасорат намуналарини акс эттирганлар.

Темурийзода аёллар ҳам тарихимизнинг турли босқичларида салтанатни бошқаришда фаол қатнашиб, ижтимоий ва маданий соҳаларда ўз ҳиссаларини кўшишган.

Сарой Мулк хоним (Бибихоним) ўз замонасининг энг зийрак, ақл-заковатли, гўзалликда тенги йўқ, илм-фанга ғамхўр, меҳрибон бўлган.

Айниқса, ўзининг турмуш ўртоғи Соҳибқирон Амир Темурга садоқатли умр йўлдош бўлибгина қолмай, Амир Темурга давлат ишларини бошқаришда яқиндан ёрдам бериб, давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарган.

Темурийзода аёллардан бўлган Бобурийлардан бири Аржуманд бонудир, яъни малика Мумтоз Маҳал бўлиб, унинг эри Хуррам шох 1628 йил февралдан тахт тепасига келгач, ўзининг номини "Шох Жаҳон" деб атади. Мумтоз Маҳал бегим ҳам бошқа маликалар сингари эри Шох Жаҳонга давлатни бошқаришда ҳамкорлик қилади. У Шох Жаҳон саройида давлат маслаҳатчиси ва мулкдорлик вазифаларини бажаради. Мумтоз Маҳал эри Шох Жаҳонни ниҳоятда яхши кўрган, Шох Жаҳон ҳам ўз навбатида Мумтоз Маҳалга жуда катта ҳурмат билан қараган.

Мумтоз Маҳал бегим 1631 йили 38 ёшида вафот этади. У ўлими олдида ҳамма болаларини тўплаб олиб, оталари Шох Жаҳонга доимо ғамхўрлик қилишни, унинг аҳволидан хабардор бўлиб туришлари ҳақида васият қилади. Отанинг бутун ҳаётининг охиригача ғамхўрлик қилишни оиланинг катта қизларидан бўлган кизи Жаҳонаро бегим зиммасига юклайди. Шох Жаҳон хотини вафотидан кейин унинг ҳурматини сақлаб, 36 йил ёлғизликда яшаб, ҳаётдан кўз юмади. Шох Жаҳон ҳаётлик пайтида сеvimли хотини Мумтоз Маҳал хотирасига бағишлаб, дунёда ягона "Муҳаббат қасри" - "Тож маҳал"ни 18 йил давомида қурдирган. Ҳиндистонда энг катта ва ило-

ҳий дарё бўлган, Ганг соҳилига қурилган "Муҳаббат қасри" - "Тож Маҳал" жаҳон архитектурасининг гавҳари сифатида тан олинаиб, дунёдаги 7 мўъжизанинг бири сифатида умумжаҳон ҳамжамиятининг мулки деб ЮНЕСКО томонидан рўйхатга олинган.

Темурийлар авлоди, Бобурийлар сулоласидан бўлган, Жаҳонаро бегим оналари вафот этганда 17 ёшли қиз бўлиб, айна балоғат ёшида эди. У онасига ўхшаб, ёш бўлишига қарамай ақлли, доно, одобли қиз эди. У акаси Аврангзеб билан отаси Шох Жаҳон ўртасидаги айрим можароларни моҳирлик билан ҳал қилиб, улар ўртасидаги кескинликларни юмшатиб, бир-бирларини муроасага келтирар эди. Жаҳонаро бегим онаси сингари отасига давлатни бошқаришда ёрдам беради. У бобоси Бобуршоҳга ўхшаб, мамлакат ободончилигига катта эътибор бериб, Дехлида, Амбалада, Беҳалда ва Панипат шаҳарларида катта карвонсаройлар, меҳмонхоналар, жомий мечитлари, Лоҳурда ва Кашмирда катта оромгоҳ боғлар қурдирган.

Жаҳонаро бегим бадий адабиёт ва илм фанга катта эътиқод қўйган аёл эди. У "Рисолайи-соҳибия" номли асар ёзиб, келажак авлодларга туҳфа этган. Жаҳонаро бегим шох қизи бўлсада, шон-шухратга ва бойликка қизиқмади. Олийҳимматли камтариқ Жаҳонаро бегим ҳаётда ўз тенгини топа олмай, 1681 йили олтмиш етти ёшида бандаликни бажо келтирган.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг эвараси бўлган Аврангзеб Оламгирнинг кизи Зебунисо Бегимдир. Зебунисо бегим 1639 мелодий йилининг февраль ойида Дехли шаҳрида дунёга келди.

Ўз замонасининг зукко аёлларидан бўлиб, катта истеъдод эгаси эди. У шоира сифатида классик адабиётда ўзининг чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган шеърлари билан салмоқли ўрин эгаллаган.

Зебунисо бегим нафақат истеъдодли шоира, балки кўп қиррали санъаткор бўлган. У дугорни меърига етказиб чалиш билан бирга, ҳусни хат ёзишда ҳам машҳур хаттот эди. Зебунисо Бегим машҳур шоира сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам ўз замонасининг илғор фикрловчи аёлларидан бўлган. Ундан бизга "Мунис-ул-арвоҳ" номли девон ва "Зеб-аттафсир", "Зеб-ан-нашот" номли шеърый тўпламлари мерос бўлиб қолди...

*Муҳаммаджон ЎРМОҲОВ,
Темурийлар тарихи Давлат
музейининг катта илмий ходими*



МЕН СИЗНИНГ ҚУЛИНГИЗМАН

Эски китобларда Хўқонди латиф деб таърифланган, лутф шахри сифатида эъозланган Қўқоннинг кун тиккага келгандаги томонига тўери йўл олсангиз - аввал қадимги Ёғоч бозори, кейин Бақачорси келади. Унинг ёнидан кун юришга қиялаб, Ашурқул мерганнинг охирига етиб, чапга бурилсангиз Ойдин булоқ қишлоғига борасиз. Кейин катта Фаргона каналининг нариги қиргоғига ўтсангиз бог-роғли Қум қишлоқнинг шундоқ тепасидан чиқасиз. Шу ердан бошланиб, Фаргона-Қўқон темир йўли яқинига етиб борган истараси иссиқ, дарахтларининг ранги тоза бу қишлоқнинг кун чиқиш тарафидан узунасига шарқираб Собиржон сой ўтади. Кучанинг чап қисмидаги ҳамма хонадонларнинг чорбоғи ана шу сойга, унинг ўрмонзорга айланган қиргоғига туташган. Қишлоқ далалари оралигидаги икки анҳор сув оқиб турадиган (ҳозир суви озайиб, бир анҳор бўлиб қолган) Ойдин булоқ жуда шухратлидир.

ҚУЛГА АЙЛАНГАН БЕК

...Айтишларича, беҳисоб ер эгаси ва қирқ туялик савдогар бўлган, етти марта ҳажга борган Тусмуҳаммад Ҳожи бобонинг оталари Сиддик хўжа тўра асли Эроннинг Тус шаҳридан бўлиб, савдо ишлари билан Турон заминга келиб-келиб юрган. Ва ниҳоят Олимхоннинг таклифи билан Қўқонда қолиб, хон авлодларидан бирининг қизига уйланиб, шаҳардан унча узоқ бўлмаган даштликдан иборат мазкур қишлоқнинг, унга кўшни Бегваччанинг яралишига ҳисса қўшган. У ота тупроғи Тусни шарафлаб, кенжа хотинидан туғилган тўнғич ўғлининг номини Тусмуҳаммад қўйган.

Тусмуҳаммад Ҳожи 91 ёшида (у кишининг пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллалоҳу ва алайҳу вассаламнинг набиралари имом Хусайн авлодидан эканликлари баён этилган, ўз давридан бизга етиб келган шажаранинг қатор муҳрлар билан тасдиқланган хужжати бор), инкилоб тўзони кўтарилган (ҳовли-жойи ёнган куни) дамларда юрак ўйноғи билан бу дунёдан кўз юмган. Кўпроқ улуғ Ҳожи лақаби билан танилган баланд мартабали Тусмуҳаммад Ҳожининг ўғиллари Эшмуҳаммад имом билан Отажон бой ҳам кўп ўтмай ота изидан дорил бақога рихлат этдилар. Кенжа ўғил Эрмуҳаммадни олис туркистонлик уламолар йўқлашди. У кутби дин (Хўжа Аҳмад Яссавий) таваллуд топган Сайрамнинг катта масжидига имом бўлди. Эшмуҳаммад имомнинг ёлғиз ўғли Сулаймонбек ўн ёшида қип-қизил етимча бўлиб, марҳум ораси Турсуной яшаган хонадонда, кейин рўбарў келган кишиларнинг ўтидан кириб-қулидан чиқиб кун кечирди. Унинг номига ўз-ўзидан “қул” сўзи қўшилиб айтиладиган бўлди. Етим ўсганлиги туфайли ер ислохоти ишларига аралаштирилган саводсиз Сулаймонкулни 1929 йили Қўқон атрофида биринчилардан бўлиб тузилган “Пролетар” колхозни комсомол ячейкасининг котиби этиб сайладилар. Шундан уч ой ўтар-ўтмас колхоз қишлоқларини оралаб юрган шаҳар фирма кўмитасининг раҳбари - Мирзажонов деган киши комсомол ячейкасининг котиби таржимаи ҳолини суриштиргач, уни чақиртириб:

- Ҳа, эшонвачча, унсур, кимлигингни яшириб, котиб бўлиб олдингми? - деди. - Йўқол кўзимдан, ҳали суягинг қамокда чирийдими! Бундай хавфли душман қандай қилиб соғ юрибди?

Яқинлари, унга раҳми келганлар хорихта ўтиб кетишини маслаҳат беришди. “Онамнинг, отамнинг, бобомнинг қабрларини йўқлайдиган битта мен-ку, - деди у, - арвоқларни норози қилолмайман”. У ҳеч кимга сездирмай чекка-чеккада йиғлаб, кўнглини бўшатиб олар, кундузи ҳам, кечаси ҳам далада ишлар, аммо “қачон олиб кетишар экан?” деб ҳадик билан яшар эди.

Худо Мирзажоновга инсоф бердими ё бирор

халол одам аралашдими, уни ҳеч ким суриштирмади. У тенгилар уйланиб, иккитадан, учтадан болалик бўлишган. “Нега сен сўққабош бўлиб юрибсан”, дейдиган одам йўқ. Худди ўша пайтларда не-не сўроқлардан, қамоклардан қутулган, аммо касалманд бўлиб қолган қари Ҳамроқул бойнинг хонадонидан Учқўприкнинг Чақа қишлоғидан келган бир қиз яшар эди. У ҳам етимча. Юртнинг қатталаридан ҳисобланган отаси Халил довқарни, онаси Хонбибинни, катта акасини қора тупроқга топширган, кичик акаси кулоқ қилиниб, ховлилари колхоз идорасига айлантирилган ўн олти ёшлик Ойимча бибини тоғаси Ҳамроқул бой олиб кетган. Қишлоқнинг инсофли кишилари икки етимчанинг бошини қовуштириб қўйдилар. 1936 йил эзининг охирида фарзанд туғилди. Қишлоқда уларни йўқлаб келмаган одам қолмади.

- Вой Сулаймонкул-ей, вой етимча-ей, ҳамма кўргуликларинг орқада қолгани чин бўлсин, - деб кўзига ёш олганлар ҳам кўп эди. - Ҳеч кимнинг йўқ. Ўғлинг Йўлдошнинг бўлсин! - деб улар исмини қўйиб бердилар.

ОЧЛИКДАН ШИШГАНЛАР...

Ҳа, ҳамма яхшилик тилаган ўша тўнғич фарзанд, ўша Йўлдошлар, мен бўламан. Кейин укам Имомали туғилди. Оиламизда ўн тўрт фарзанд дунёга келиб, улардан бештагинаси улғайди: мен, Имомали, урушдан кейин туғилган Турсуной, Турдиали, Аскарали.

Мен ва менинг тенгдошларимга оталаримиз ва оналаримиз бизни:

- Катта бўлиб қоляпсизлар, янаги йилги пахта очилганда мактабга борасизлар, - деб суюнтириб юришган эди.

Қишлоғимиз қариялари Ҳамроқул бойнинг боғидан Матмусо буво билан Насриддин бувонинг боғига ўтишди. Эртапишар ўриқларнинг иккинчи сидирға қоқилиши. Қанттак ўриқларга ҳали тушилгани йўқ. Қариялар чойшаб ушлашади, атрофга сочилганини теришади.

Биз ҳам ўша атрофида уймалашардик. Ногаҳон чопикчи йигит-қизлар боғни тиккалаб келишаётганини кўрдик.

- Оёқ олишлари безовта кўринадимми, овозлари ҳам чиқмайди, - деди Собира хола.

Чопикчилар олдида қатта-қатта қадам ташлаб келган Сотводди ака:

- Бувижойлар, оталар, дадажонлар, онажонлар, - дея ички ҳаяжон билан гап бошлади. - Бошга тушганини кўз кўрар...

- Нима гап?

- Бирортанг оёғингни чопиб олдингми?

- Айланай, болаларим, айта қолинглар.

- Уруш бошланибди!



Адолат хола Сотволдисининг бўйнига осилиб олди. Мушфик она якка-ёлғизини урушга юборишга чи- дармикин?! Кечагина келин танаб юрган Собира хола, Марям хола, Ҳошим буво, Абдували буволар изиллаб қолишди. Турдали бува биттаю битта фар- занди Нурматжонни қидирди. Каердасан, Нурматжон, отанг фақат сенга суяниб қолган эди-ку! Келинга бўлишиб қўйишган, янги ойнинг ойдинига тўй бел- гиланган. Ҳамма кутяпти Турдали буванинг қариган- да кўраётган бу тўйини! Энди нима бўлади?!

Қишлоқ азадор ҳовлига айланди. Ўша куни ҳаво дим эди. Шабададан асар ҳам сезилмайди. Ҳатто дов- дарахтлар барги ҳам бу совуқ хабардан карахт бўлган- дай қилт этмасди.

Бир ҳафта орасида кичкина қишлоғим йигирма- дан ортиқ қулундай-қулундай йигитлари билан хайр- лашди. Йигитларни биринчи кузатиш куни Турсун- бой ака укаси Узоқжоннинг қўлига хат тутқазиб, қайсидир қизнинг номини айтди, омонатни унга топ- ширишни тайинлади. Биринчи муҳаббат мактубими- кин бу?! Муқимжон Отажон ўғли, Шаробиддин На- сриддин ўғли, Малика холанинг Собиржон ва Соли- жони, Абдуғани бувонинг Қурбонбой билан Наби- жонлари икки ўт орасида - ота-оналари бағридан чиқолмайди, холироқ пайт пойлаб қизларга бир ни- малар демоқчи бўлишади. Қишлоқ сулувлари, ифбатли санамлар, бунча торгинчок бўлмасангиз? Хайрлашиш- га санокли дақиқалар қолганда ҳам кўнглингиз қат- қатидаги эзгу орзуларингизни, чашмадай тиник му- ҳаббатингизни пинҳона тутасиз!

Уйланиш ёшидаги йигитлардан бирорта ҳам қо- лмади. Бола-чақалик эраклар икки-уч ой ўтгунча ча- қирилмади. Онам, дадам, мен, укам Имомали тоғам ва холаларимдан хабар олиб келдик. Биринчилардан бўлиб чақирилган Холдорали тоғам (Ҳалима хола- нинг катта ўғли) билан хайрлашолмай қолдик.

- Энди Эргашим тинч турсин, ё худо, - дер эди Ҳалима холам.

Қишининг қаҳри бошланган кунлари дадамга ҳам чақирув қоғози келди. Онамнинг кўзёшлари тийил- мади.

- Бир менми? - дейди дадам онамни юпатиш учун сўз кидириб, - Кўпга келган тўй бу?

- Тўй бўлмай ўлсин, номи ўлсин, мана булар бунни тушунардим? - дейди онам мен билан Имомалини кўрсатиб, - Илоё, уруш чикарганларнинг уйи куйсин!

- Кўй, ўзингни тут, қирқ йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади, худо кўриб турибди гўдақларим- мизни. Худодан бошқа меҳрибонимиз йўқ.

Онам индамай қолдилар. Дадамнинг хаёлларини паришон қилмаслик учун аламларини ичларига ют- ганларини, ичларида йиғлаётганларини энди олти ёшдан ўтаётган бўлсам-да сезиб турардим.

Онам айтганларини бажариб, Имомали иккала- миз ўчоқ бошига чиқиб, мўридан:

- Дадажон, келинг, Сизни соғиндик. Келинг, да- дажон, тезроқ келинг, - деб илтижо қиламиз!

Ҳалима холамининг кичик ўғли Эргашали акам ҳам урушга олинганини эшитиб, онам, Имомали уч- чаламиз Уч кўприкнинг Чақа қишлоғига бордик. Қиёмат-қойим устидан чикдик. Холамининг катта ўғли Холдорали тоғамдан қора хат келибди. Икки кундан кейин Ўғилча опоқ бувимнинг қизи Омина онамининг куёви ҳам қурбон бўлганини эшитдик. Қишлоғимиз- га эса ҳафтада бир ё икки шум хабар келиб, еру осмон йиғига тўлади. Қишлоқнинг ўзида очликдан шишиб, ҳали саргайиб, ҳали эти суягига ёпишиб, худди тарашадай бўлиб жон бераётганларнинг са- ноғи йўқ, Имом бўлгани учун уруш арафасида қама-

либ кетган Йўлдошали қорининг ёлғиз ўғли, тенгдо- шим Ваҳобжон қишлоғимизни қиялаб ўтган темир йўлда увоқ излаб юриб, мадори кетиб йиқилиб, ҳаёт- дан кўз юмганини кўрганимда саккиз ёшда эдим. Кўпларнинг, жуда кўпларнинг жони кўчада кетаёт- тиб, далада кетмон кўтариб туриб, уйда чўнкайган- ча, устунга суянганча узилгани кўз олдимдан ҳеч-ҳеч кетмайди. Тирик қолганлар ана шундай дахшат қаъри- дан қандай омон чиққанига хайратланади.

ДИЙДОР ҚИЁМАТГА ҚОЛДИ...

Дадам фронтдан қайтган кун Анваржон, Мама- дали, Узоқбой, Майнахон, Тожинисо, Хурсаной, Рах- монжон ва яна бошқаларга қарайман. Дадаси ё ака- сини кутаётган ана шу тенгдошларимга парвонаман. Ураимжон дадаси Мамарайим ака олиб келган ка- марни, қизил юлдузи бор шапкани кўз-кўзлайди. У биздан ёш-да, суянчилашга шошилади.

Уйимизда тўй. Дадам шарафига. Бу ўйин-қулгу- лар нега? Ўртоқларимга қараб, дадам яна озгина кел- май туришса, уларнинг дадалари билан бирга қай- тишса бўлар экан, деб ўй сураман. Дадамнинг бўйин- ларига осилиб турганимда кўзим Узоқбой, Майна- хон, Мамадалининг жовдираб қараб турганини кўриб ғалати бўлганимда шу ўй келди.

Дадалар, жон дадалар, нега ҳаммангиз баробар қайтмадингиз?

Мамадалининг дадасидан аллақачон қора хат кел- ган бўлса-да, у кутяпти.

- Менинг дадам ҳам келади, юлдуз олиб келади, - дейди. Унинг онаси Муҳаррам хола Юсуфжон акага атаб тикиб қўйган банорас тўнини ҳеч ким йўғида шабадалатиб, яна бўғчага солиб қўяди.

Ҳовлимизда шоду хуррамлик давом этапти. Би- ролди қишлоғилик ширин лутф устаси, қизик-қизик ҳангомалари билан кишилар дилига чироқ ёқадиган Тўрабек ака гижжагини чалапти. Эсимда, у киши доим Меликўзи ака билан бирга чаларди. Меликўзи ака дутор чертарди. Тўрабек акага қараб-қараб, да- дасининг соғинчи вужудини ўтдай куйдирган Узоқ- бой юурганича чиқиб кетди. Орқасидан чопдим.

Фарзандлар бахтига омон қайтинглар, дадалар, жон дадалар.

... Менинг "ўн гулидан бир гули очилмаган", ҳали уйланишга ҳам улгурмаган ҳамқишлоқ акаларим - Турсунбой, Нурматжон, ака-ука Собиржон-Солижон, Сотволди, Орифжон, Қурбонбой, Набижон, Зиябой- ларга қишлоқни қайта кўриш nasib қилмади. Собира хола, Турдали буво, Малика хола, Адолат хола, Ҳошим буваларнинг қаддини буккан шу хижрон, шу алам! Мирзоид, Меликўзи, Акбарали, Тўрабек, Эр- назар, Зиёвуддин, Ғиёсиддин акаларнинг хотинлари, бола-чақалари ҳамон қутишяпти уларни! Мамажон ақани-чи?! Бир ҳовуч тупроқларинг каерларда қолиб кетдиёкин, қишлоғимнинг Ватанин Ҳимоя қилган қулунлари, алпомишлари?! Шаробиддин ва Муқим- жон амакилар урушдан жароҳатланиб қайтиб, узоқ яшолмадилар. Ўқлар ўрни дадамни нима қилди?!

Дунёда энг ёмон кўрганим бу - икки ҳовли нари- да яшайдиган Ҳосият опа эди. Уни кўришга, у билан рўпара келиб қолишга юрагим безиларди. Сира-сира истамаганим сари ҳаёт уни мен билан учраштира- ди. Эҳ, Мамажон ака, умр йўлдошингизни жону дил билан севар эдингиз. Унинг ҳам шундай севгиси бор деб ўйлардик. Сиздан ҳали қора хат келмай туриб, Сизни қутишга бардоши етмай, ким биландир дон олишди, кейин эса, яна бошқанинг этагини тутди.

Қани Мамажон акам кириб келсалар. Уни дунё- даги энг гўзал қизга уйлантириб қўйишса!

Қани Мамажон акам кириб келсалар?

... Туш маҳали эди. Колхоз қоровули от чоптириб ўтди:

- Уруш тугади! - дейди овозининг борича. - Эшитмадим деманглар, уруш тугади. Ғалаба!

У отини чоптирганича ўтиб кетди. Икки фарзандидан айрилган тили чучук Малика хола сочлари тўзиганча, вужуди титраб-титраб йиғлаб:

- Уйиш тугади, уйиш тугади, - дея уйма-уй юрибди.

Биз, болалар, у ёқдан-бу ёққа югураемиз.

- Уруш тугади!

Гўё ҳамма бараварига наъра тортгандай. Қишлоғимизда шу икки сўзгина янграр, шу икки сўз қишлоғимизни тўлдирган эди.

“МЕН РАИС БУВО БЎЛАМАН!”

Тирикчилик ғалаба нашидасини суришга ҳам йўл бермади. Очликдан ўлди-ўлди қамаймас эди. Биз-ку ўн ёшлиқларимиз, ҳатто ёши энди олти ё еттига етганлар ҳам қорин қайғусида ўзига яраша юмуш топиб олар эди.

Дадам билан онам урушдан илгари ҳам, кейин ҳам колхозчи бўлганлар. Эрта баҳордан то кишининг бошларигача иккалалари ҳам тонг қоронғусида далага кетиб, тун қоронғусида қайтишарди. Биз эса, дала ясилларида - увотларда, жўяқлар орасида эмаклар оёққа турганмиз.

Дунёда энг ёмон кўрган яна бир одамим бригадир эди. У ишга чиқмай кир юваётган аёлларнинг тепасига дағдаға билан келар, қозондаги иситилган сувни ағдариб ташлар, ювилган кийим-бошларни ерга улоқтирар, каматиб юбориш билан қўрқитар эди. Бригадир билан айтишган кишиларнинг уйига ҳашпаш дегунча қизил шапкаликлар етиб келар, ишдан сўроқсиз қолганларни қамаб қўйишлари ҳеч гап эмасди. Шунинг учун биринчи ва иккинчи синфларда ўқиб юрган вақтларимда биттаю битта орзуим бригадир бўлиш эди. Дилимдагини ҳаммадан яширар эдим-у, аммо ўзимни бригадирликка тайёрлар эдим. “Аёллар хоҳлашса уйда қолишларини ўзларига айтаман, - деб ахд қилардим. - Ҳали катта бўлай, ёш боласи бор оналарни далага чиқармайман”.

Дадам “Кора сув бўйи” деган жойдаги кўрик бўлиб ётган лахтак ерни тонг гира-ширасида қўшда ҳайдашиб, кейин менга:

- Анови паст-балаидликларни текислаб тур, - деб ўзлари колхоз ишига кетдилар.

Йўлдан ўтиб кетаётган Шеркўзи деган паст бўйли, миқтидан келган амаки баланддай кўринган жойлардан тупроқ олиб, у ер-бу ердаги ўйдим-чуқурларни тўлдирётганимни кўриб, мен томонга бурилди. Озгина вақт кузатди.

- Нечага кирдинг? - деб сўрадилар.

- Ўн бирга.

- Хў-хў, хўкиздай бўлиб қолибсану ер текислашни билмайсан-а, - деб кўлимдаги кетмонни олиб, тупроқни кетмон билан суриш ва тортишни “мана бундай-мана бундай” деб шарт-шарт кўрсатишди. Кетмонни аччиқ билан узатгандай бўлдилар. Шеркўзи бува кетганларидан кейин текислаган жойларига қараб ишга тушдим. Дадам кечки пайт келиб, ернинг яқин ярмини кўлдан чиқарганимни кўриб, ишимдан қониқиб ҳосил қилиб:

- Юр, ўғлим, қолганини эртага текислайсан, - дедилар. Биргалашиб уйга қайтдик. Бувимга суянчилаб, “катта бўлса, энг ками бригадир бўлади”, деб мактадилар. Яйраб кетдим.

Кўп ўтмай орзум ўзгарди. Назаримда учинчи синфда ўқир эдим. Бригадир қишлоғимизга отда кириб келаётган раисни кўриб, икки букилиб саломга

шошилганини, икки кўлини кўксига қўйганини, от жоловини ушлаб жовдираганини, раиснинг ҳар бир сўзига бош эгаётганини кўрдим. Раис бўлсамгина ҳалиги ниятлар бемалол амалга ошишига ишондим.

ИШТОНИ ЙЎҚНИНГ ИШТОНИ ЙИРТИҚҚА АЧИНГАНИ

Биз ўқийдиган мактаб қишлоғимиздан ҳаммаси тўрт-беш чақирим узоқликдаги Мингтут қишлоғида эди. Кимнинг қандай яшашини, кимнинг оч, кимнинг ярим очлиги кийимдаги ямоқларнинг кўплиги ва озлигидан ҳам билиниб турарди. Кўкон туманининг ёлғиз ўрта мактаби бўлган илм даргоҳимиздаги уч юздан ортиқ ўқувчилар орасида ўша 1944-1954 йилларда биронта ҳам тўқ бола йўқ эди. Ота-онасидан айрилиб, холасининг бағрида ўсаётган тенгдошим Мамажон тўққиздан ўтган бўлса-да, йўқчилик туфайли мактабга бормас эди. Уни алдаб-сулдаб арча байрамга олиб бордим. Юқори синфда ўқийдиган акаси мактабга бормади, унинг йиртиқ ботинкасини Мамажон кийди. У арча атрофида ўқувчилар билан бир қаторда турар экан, негадир ҳижолат билан ўз оёқларига қараб-қараб кўярди. Эски ва ямоқ ботинкасини оёғининг бош бармоқлари чиқиб турарди.

Аслида эса, ҳаммамиз шундай эдик. Жулдуз кийимларда, йиртиқ-ямоқ пойабзалларда, кўпинча оёқланг сафга туриб, бахтсиз бўла туриб, бахтли болалармиз деб, оч туриб, тўқмиз деб қўшиқ айтган ўша болалик йилларимизни ҳозир эсласам, йиғлагим келади. Муаллимларимиз Америкадаги, Англиядаги, Франциядаги, боринг-ки, бизнинг мамлакатдан бошқа ҳамма мамлакатлардаги тенгсизлик, очарчилик, бахтсизлик ҳақида шундай суҳбат ўтказишар эдики, рост гап, ҳийла катта бўлиб қолганимда ҳам чет элларда яшаётган одамларга, айниқса, болаларга жуда-жуда ачинар эдим. Эй, менинг беғубор, аммо ёлгонлар бағрида ўтган болалигим!

“ИЧИМДАН ТЎҚИБ ЁЗДИМ!..”

Мактабимиз биносининг шундоқ ёнида учта колхозга хизмат қиладиган алоқа бўлими бўлиб, ҳар қайси колхознинг хат ташувчилари газета-журналларни, хат-хабарларни шу ердан олиб кетиб тарқатишар эди. Колхозимизнинг хат ташувчиси қизиқшимни сезиб бир кун:

- Ҳаммасини ўқиб бўлиб, кейин эгаларига тарқат, - деб газеталарни топширди.

Унга ёрдлашиб юрдим. Кўп ўтмай унинг тавсияси билан хат ташувчи бўлганимда бешинчи синфни битириб, ёзги таътилга чиққан эдим. Газеталарни, идрокни етганча журналларни ўқиб мени бошқачароқ олам бағрига етаклади. Кўрган-билганларимни ёзишга иштиёқ уйғотди. Машқларимни, хабарларимни ҳамма газеталарга жўната бошладим. Шунча ёзганим билан бирортаси газета юзини кўрмасди.

Еттинчи синфда ўқир эдим. Ўқишдан чиқиб, алоқа бўлимида газеталарни олиб, одатдагидай яна бирмабир варақлаб, юрагим “жиг” этиб кетди. Бу туманимизнинг “Янги Фарғона” газетаси эди. Унинг биринчи саҳифаси пастида кичкина “Ўқувчилар ҳиссаси” номли мақола тагидаги ўз имзомга кўзим тушиб, сўйинганимдан энтикдим. Уни кўринган одамга кўрсатгим, газетани бошим оша кўтариб югургим, овозим борича жар солгим келди. Назаримда бундан ҳамма хабардордай, ҳамманинг ҳаваси келаётгандай... Кўчага чиқсам ҳамма ўша-ўша, ўз иши, ўз ташвиши билан банд.

Мен газета тахламлари, хат-хабарлар солган бўз халтани орқалаб, “Янги Фарғона”ни очиб, биринчи саҳифанинг пастидан кўз узмай, битта-битта қадам



ташлаб, қишлоқдан қишлоққа ўтдим. Ўзимизнинг қишлоққа ҳам шундай ҳолатда кириб бордим. Ўтган-кетганлар “Бунча газетага термулиб олибсан? Нима гап?” деб сўрамайди. Менинг эса, мақтангим келади. Ҳовлимизга кириб:

- Буви, бувижон, - деб бақирдим.

Имомали онамизнинг қўшимиз Майрам ҳоланикига ўтга чиқиб кетганларини (ўша вақтларда гурут йўқлигидан одамлар кимникидадир кўмилган чўғ бўлса, олиб чиқиб, ўчоғини ёндирарди) айтди. Кутолмадим. Кўчага отилдим. Олов куракда чўғ олиб чиқаётган бувимнинг ёнига югурдим.

- Ха, ха, - дедилар бувим жавдираб, - тинчликми?

- Уйга юринг, бувижон, тез юринг, - дедим ҳовликиб, - қани, тез-тез.

Бувим Чака қишлоқдан Усмонали тоғам ёки ҳолаларимдан бирортаси келди деб ўйлаб, остонадан ўтишимиз билан:

- Ҳеч ким йўқ-ку, - дедилар.

- Мана буни кўринг, - дедим газетани кўрсатиб, - мақолам чиқди.

- Мақолим? - ҳайрон бўлдилар бувим. - Қанақа мақолим?

- Мақолим эмас, менинг мақолам, - дедим. Аммо бувим тушунмадилар.

- Ёзганим газетада чиқибди, - дедим хиёл ҳовримдан туриб.

- Ие-ие, сенинг ёзганинг-а?!

- Ҳа, бувижон!

- Ичингдан тўқиб ёзганинг-а? - деб яна сўрашди.

Бувим ҳаяжонланиб кетдилар, мен яна эски ҳолатимга қайтдим. Бувимнинг ҳарф танмасликлари эсимга туриб, ачиндим. Аммо газетадан кўзларини узмай, уни қайта-қайта ўпишди, дадам кириб келганларида мендан бурун суюнчилашди. Дадам тик турганларича мен кўрсатган мақоламни ҳижжалиб ўқиб, имзони кўриб, бувимга қарадилар.

- Йўлдошали, қара-я - деб (бувимни Йўлдошали дейишар эди) газетани бувимнинг ўзларига қайтариб кўрсатишди. - “Оққан ариқ яна оқади” деганлари ҳақ экан. Тўсмуҳаммад хожи бобом, имом бўлган отам, амаким олим эдилар. Уйимизга ўша офтоб қайтпти, Йўлдошали, ўша офтоб қайтпти.

Дийдалари қотиб кетган, кам қулалиган, йиғидан йироқ дадамнинг кўзларида ёш йилтиллади. Онам эса алқаб, Худодан мени ёмон кўзлардан асрашини тилаб, овоз чиқариб, назаримда ҳузур қилиб йиғладилар. Ҳамма оналардай гўзал онам яна ҳам гўзал кўришиб кетдилар.

Эрталаб мактаб йўлида яна газетага термулиб кетаётганимни Бегвачча қишлоғилик Юсуфхўжа ака деган амакигина сезиб:

- Хой, Сулаймонқулнинг ўғли, сенга нима бўлди? - сўрадилар. - Кеча хат-хабар улашиб юриб ҳам кўлингиздаги газетага термулиб олган эдинг. Мактабга чаққон-чаққон бориш ўрнига яна кўзингни унга қалаб олибсан?

- Чиқибди, - дедим.

- Нима чиқибди?

- Мана, чиқибди, - дедим газетанинг кўзим қадалган жойини кўрсатиб, - мана-мана.

- Сен ёздингми, - деди у кўз югуртириб, - Ростми? Вой, сен-ей, яша! Энди астойдил ўқи!

- Ҳўп! - дедим. Ана шундай гурурли ҳолатда мактабга кириб бордим.

Муаллимларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам ўқиганлари сезилмади. Синфимизда Раҳимахон исмли чиройли, жуда ҳам ақлли, аълочи киз бор эди. Унга газетани индамай узатдим. У ҳам индамай олиб, парта-сининг тагига қўйди. Ўқишдан кейин пахта тераёт-

ган аълочилар мақталган мақоламда унинг номи биринчи бўлиб ёзилган эди. Раҳимахоннинг ёнига бориб:

- Ўқинг, чиқибди, - дедим.

- Нима чиқибди? - деб газетанинг у ёқ-бу ёнига қаради.

Кўрсаткич бармоғимни қўйдим. У ўқиб, синфдошларга хурсандчилик билан ёйди. Энди мен ҳеч нарсадан хабарсиздай, ўзимни бепарволикка солиб ўтирдим. Газета кўлма-кўл бўлиб кетди. Биринчи дарсга кириб келган она тили ва адабиёти ўқитувчимиз Лазоқатхон опа Абдуллаева ҳам ундан хабар топиб, ўқиб:

- Кўп китоб ўқишнинг меваси бу, - дедилар. - Мутулаа билан орзуинг ушалади, лекин ҳовликма...

Ўша куни дарс ҳам, ҳеч кимнинг сўзи ҳам қулоғимга кирмади. Ҳаёлимда мақолам остидаги имзом худди учиб кетадигандай парта тагидан газетага тез-тез қарайман. Ялт этиб кўринган “Й.Сулаймонов” турибди. Кўнглим қайтадан жойига тушади.

Шу-шу хабарвозликни бошлаб юбордим. Раис бўлиш орзуси ҳам қолиб кетди. Редакцияга ялангоёқ, йиртиқ-сиртиқ кийимларда кириб келадиган, усти-бошининг ғариблигини ўйлаб ҳам кўрмайдиган муштдек қишлоқи болани худди қатта киши ташириб буюргандай кутадиган Али Розик, Раҳимжон Ҳамдамов каби устоз журналистлар менинг илк сарбонларим бўлдилар. 9-10 синфларда ўқиётганимда шоир, публицист, фельетончи, ўткир қалам, қаттиқ кўл Аҳмадхон Олим назарига туриб, кўзларим янада каттароқ очилгандай бўлди. Хар бир сўзни ўз ўрнини топиб ишлатсам сўзимнинг ҳам, ўзимнинг ҳам қадрим ошишини ҳис эта бошладим. 1953 йилнинг сентябрида туманимиз газетасида Муқимий бобомизга бағишланган биринчи шеърим босилди. Кейинча “Дўстлик хати”, “Кўчат”, “Кўзичок”... чоп этилди.

10-синфга кўчганимдан кейин хат ташувчиликни бас қилиб, яхши ўқишга, журналист бўлиш учун олий ўқув юртига кириб кириб олиш ҳозирлигини кўришга жон-жаҳд билан уриндим. Аммо САГУ (ҳозирги ТошДУ)да ўқиш насиб этмади.

Конкурсдан ўтолмай, қишлоққа хижолат бўлиб қайтиб, ўзим ўқиган мактабда бош пионервожатий бўлиб ишлаб, ўқишга тайёрландим.

... Олисдан келяпти энг кувноқ садо,

Юпуну очликда ўтган бўлса-да:

Бегубор, беташвиш болалигини,

Унинг аълолардан аълолигини -

Тенгдошлар эслашга доим уринар,

Мисоли қуёндай чақнаб кўринар.

Шириндир болалик эсланган онлар,

Анорхон, Жўрахон, Насибахонлар,

Инобат, Майнахон, Иноятойлар,

Қаердасиз, ўша, эй, жажжи ойлар?!

Ахир ким унутар синфдошларни,

Ўша норасида кўзу қошларни?!

Бугун навбат келди меҳримни қўйиб,

Оқ дил қизчаларни қуйлайин тўлиб.

Меҳру одоб балқиб турарди юзда,

Тўрт қиз ўқир эди қаторимизда!

Ўтирарди гўё парталарда ой,

Икки Раҳимахон, икки Сотқиной!

Сув ҳам ўз йўлида оққани оққан,

Қадиргочдай учиб кетдик ҳар ёққа!

Оптогим Фарғонам, жоним оптогим,

Юмшоғим, Фарғонам, суянган тоғим,

Қишлоқи ўғилга қучоғин очди,

Дорилфунун онга зиёсин сочди.

Билим булогидан этди баҳраманд,

Талабалик йиллар ширин худди қанд!

Не бўлса айтайлик ё барисини,
 Меҳру муҳаббатнинг олдим дарсини!
 Орамизда қизлар жуда кўп эди,
 Чирою ҳаёда жуда кўп эди.
 Гўзалу оқила Гўёхонимиз,
 Нафиса идрокка тўлган онимиз,
 Гулчехра, Клара, яна Хосият...
 Фақат ўқиш эди орзую ният!
 Йигирмадан ошиб борганим сари,
 Юрганман довдираб, сархуш сарсари,
 Фарғонам кўчаси, сўлим кўчалар,
 Йўлимнинг устидан чиқди нечалар,
 Хаёлдаги қизни, аммо топмадим,
 Нега ҳеч бирига кўнгил чопмади?
 Ва ниҳоят етиб йигирма учга,
 Бидакларим тўлиб беқийс кучга -
 Ариқ қазиганман гоҳ Фарход бўлиб,
 Шейр ёзганман шиқий оҳанга тўлиб!
 Ўша ширинимни қидирдим узоқ,
 Қийналдим қизларга ташлолмай тузоқ.
 Ошиқларга ўзи нима муқаддас -
 Севгини баланда кўтаради даст.
 ...Бағрига оларми висол даргоҳи,
 Сен не дейсан, эй, Қайс, ошиқлар шоҳи?!
 Бардошингни сездим ул бардошимда,
 Яна не савдолар бордир бошимда?!
 Ё етиб бордимми Худога арзим,
 Чиқиб қолди йўлим устидан Орзу!

Куйиб кул бўлайин, майли, аммо бу аланга Сен бўлсанг! Фақат Сенинг кўзларингдан сачраган чўгдан вужудим аланга бўлиб, ловуллаб ловуллаб ёнайин, ҳеч ким ўчиролмайдиган бўлиб ёнайин. Кулга айланайин, майли!

Эшитяпсанми, қани, Сенинг кўзларинг ёндирса...
 Кул, сен кўлсанг олам кулади, олам худди ўзингдек чакнаб кетади.

Сен кул, жону жаҳоним. Шунда олам қувончдан бошқани кўрмагандай яшайди.

Эҳ, табассум қандай бебаҳо бойлик!

Илк бўса! Илк бўсани унутадиган ҳам бормикин? Умрнинг мазмуни, яшашнинг бошланиши, ҳаётда иккинчи туғилиш, Севгининг, охиратда ҳам бирга бўладиган севгининг пайванди эмасми ахир?!

Шундай қилиб, ҳаёлимнинг сочилган онлари, ошиқликнинг паришонлиги ҳам сўнги нуқтасига етиб, боши очик студентлигим охирида физика факультети талабаси Орзухон Исҳоқжон қизига уйланиб, оила кишанига ўз ихтиёрим билан бўйин тутдим.

ОЙЛИК МАОШ 69 СЎМ ЭДИ...

Фарғона Давлат педогогика институти (ҳозирги Фарғона Давлат университети) ўзбек кафедрасининг ўша вақтдаги раҳбари, мумтоз адабиётимизни сув қилиб ичиб юборган, ўн минглаб шейрий мисраларни ёддан ўқийдиган устоз Акрамжон Иброҳимов ўзлари билан ишлашни, илм билан шуғулланишни маслаҳат бердилар. Фикру ёдим газетада эканини, маоши оз бўлса-да, вилоят "Коммуна" газетасининг мусаҳихчилигига розилик берганимни айтиб, узр сўрадим. Бу даргоҳ талабалик вақтларимдан кадрдон бўлиб қолган, мақолаларим, лавҳаларим, репортажларим, шейрларим билан кўриниб турардим.

Бироқ ишга келишим баъзиларга ёқмади.

- Ўрта маълумотли фалончи маоши озлиги учун ишни ташлаб ҳозир кутубхоначилик қиялпти, - деди sanoat бўлими мудир. - Ўшанинг ўрнига келибсиз, аттанг, нима қиласиз ўзингизни хор қилиб! Олий маълумотли бўла туриб, 69 сўм ойликка ишлагани уялмайсизми?

- Ўзимни синайман!

- Тавба, синайман эмиш. Адабий ходим бўлиб ишласангиз ҳам гўрга эди, - деди унинг ҳамтовоғи. - Шейрингизни қаерда ишласангиз ҳам ёзаверасиз-да! Қараб туринг, бу ерда ўсмайсиз.

Яқинда ишга келган устозим Аҳмаджон Олим бу гаплардан хабар топиб:

- Ёзишдан, яхши ёзишдан бошқа нарсани ўйламанг, - деди. - Астойдил бўлсангиз, ҳаммаси ҳали Сизни хурмат қилишга мажбур бўлади.

Ёзганларим ҳали бўлим мудиридан, ҳали котибиётдан қайтади. Дилим оғрир, аммо умидсизланмасдим. Улар қайтарган мақолаларни, лавҳаларни республика газеталарига юборадиган бўлдим. "Совет Ўзбекистони", "Ўқитувчилар газетаси"да, "Саодат" журналида қатнаша бошладим. Секин-секин ўзимизникилар ҳам кўника бошлашди. Аммо тирикчилик кийнар эди.

Институтни имтиёзли битирган умр йўлдошимга иш тополмадим. Мусаҳихч бир кун ишлаб, бир кун дам олиши керак. "Синовдасан, ҳар кун ишламасанг адабий ходимликка ўтказишмайди", - деб кечакундуз ишлашга мажбур этишади. Мусаҳихчилик қиламан, навбатчилар ўрнига ҳам газета ўқийман. Эвазига мақолаларимни чиқаришга кўмаклашгандай бўладилар.

Аҳмаджон Олим Кўқонга қайтиб кетди. Анча муңгайиб қолгандай бўлдим. 69 сўм ойлик, онда-сонда келадиган қалам ҳақи ижара пулига, Кўқонга, ота-онамни кўриб келишга, ўтин-чўпга учма-уч етса, ебичиш-чи? Кийим-кечак олишни-ку хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Республикага анча танилиб қолган Охунжон Ҳақимнинг аҳволи ҳам мендай эди. Маош оладиган куни эрталаб қарасак уйда ҳеч вақо йўқ. Чақалоқ қизим Адибахоннинг бешигини тебратиб ўтирибман. Орзухон супрани қоқиб-қоқиб, бир ҳовуч ун чиқариб, атала қилаётганда Кўқондан саҳар машинага чиққан қайнонам кириб келдилар. Бошларида тугун. Орзухон тугунни очиб, патирларни дастурхонга қўяётганда қайнонам:

- Қозонинга қара, нима қиялсан? - дедилар.

- Ўғлингиз аталани хуш кўрадилар, - деди гапни тўғрилаб, - шунга уннаб турган эдим.

- Яхши кўришса, майли, тезроқ бўл, ишга кеч қолишмасин!

Атала ҳам пишди. Ярим косагина бўлибди. Уни патир билан ичдим.

Мен ҳам ота-онамга, Орзухон ҳам уйдагиларга қийналганимизни сездирмас эдик. Куёвликда олинган костюмимни Орзухон ағдариб тикиб берди, кейин пальтомни ҳам! Муҳарриримиз Абдулла Мирзаев менга бўлган қитмирликларни сезиб, менинг баҳонамда бутун редакция штатларини қайта кўриб чиқди. Драматург Жалол Машрабий мудирлик қилаётган бўлимда Охунжон Ҳақимнинг ёнида адабий ходим бўлиб иш бошладим. Устоз Машрабий, дўстим Охунжон хурсандчилик билан кутиб олдилар.

БОЛАНИНГ КЎНГЛИ ОТА-ОНАДА, СИНГИЛ-ДА...

Редакцияда ишлаш билан ҳаётнинг алғов-далғов қаърига шундай шўнғиб кетдимки, яшаш ва изланишнинг бу қаттиқ синовларида бошимдан нималар ўтганини ёзсам қатор-қатор китобларга айланиш мумкин. Болаларга бағишланган "Биз саёҳатчиларимиз", "Ҳамма ҳавас қилади" номли шейрий тўпламларим, "Даъватингни эшитяпман, ҳаёт", "Қатга йўлга чиққунча" номли очерк китобларим ҳақида бадий жамоатчиликнинг илиқ сўзларини эшитганим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, журналистлар уюшмаси ташкил этган танловда бир неча йил такрор-такрор



совриндор бўлганим машқларимни давом эттиришга ишонч уйғотди. Газетанинг мактаб ва ўқув юртлири, маданият, ахлоқ-одоб, санъат ва адабиёт соҳаларини қамраган энг катта бўлимини бошқардим.

Кўнглимга тугиб кўйган, аммо ушалмаган орзуларимдан бири - ҳаммадан кўпроқ ишлаб - ҳаммадан кўпроқ пул топиб, дадам билан онамни хурсанд этиш, рўзгорни тўкин-сочин қилиб, киймаганларини кийдириб, дам олдириш эди. Уруш жароҳатлари, бунинг устига оғир меҳнат, юрак хуружи кўшилиб, дадам бутунлай ётиб қолдилар. Кўкон, кейин Фарғона касалхоналарида қаратдим.

Кўконнинг Миргулишон бой боғи ўрнига жойлашган касалхона. Мен, Имомали, Турсуной, бештўккиз ёшлардаги Турдали, Аскардали дадамнинг атрофларида худди тўтиқушнинг болаларидай чирқиллашиб, гоҳ дадамга, гоҳ бир-биримизга жовдирашиб қараймиз. Дадамнинг кўзлари қачон очилса энг аввало ҳали узатилмаган синглим Турсунойга, Турдалига, Аскардалига беҳол мўлтирайди. Кейин нигоҳлари менинг кўзимга, Имомалининг кўзига умидвор тикилаётгандай. Айниқса учала норасидага илҳақликлари шундоқкина сезилади.

Эй, ҳаёт, бунчалар бешафқатсан! Бераҳм ўлим дадамни юлиб олди. Ҳаёлимда кўзлари очик кетди. Фарзандлар ҳузурини кўриша олмади. Ичларим аламдан тирналди. Ё раб, куйиб кетяпман, куйиб. Дунёда роҳат ҳам борлигини дадамга кўрсата олмадим...

Онам қачон борсам:

- Мен ҳам, укаларинг ҳам фақат сенга суяниб қолганмиз, - дейишади. - Бахтимизга ҳамини соғ бўл!

Онамга нима деб жавоб қайтаришни билолмай ҳаяжонланаман. "Йўқ, бувижон, - дейман ичимда, - мен Сизга суяниб қолдим, укаларимга суяниб қолдим".

Орадан ҳафта ўтиб-ўтмаган бўлса-да, онам худди йиллар кўрмагандай соғинч билан кутадилар. Ҳолаҳвол сўрашиб бўлгандан кейин:

- Турсунойдан хабар олдингизми? - деб сўрайдилар. Синглимни уч-тўрт ҳафтадан буён кўрмаганимни ўйлаб, тараддулланганимни сезиб:

- Сенга ҳам осон эмас, Фарғона билан Кўкон ораси қошқи яқин бўлса, - дейдилар. Онамнинг ҳаёлларида бу иккала шаҳар худди дунёнинг икки чеккасига жойлашган. Мен куламан, онам ҳам куладилар.

- Мендан бурун синглингдан хабар ол, - деб тайинлайдилар.

Қайтишда Бувайда туманининг Янгикўрғон қишлоғига тушаман. Бугун оиланинг севиначи ҳар ерга сиғмай кетади, мени қаерга ўтиргизишни билмай шошишади.

Турсунойнинг ҳаяжонини кўриб: "Шундай меҳрибоним бор-у, нега тез-тез хабар олмайман, - дейман ичимда, - мени ундан ҳам ортик кўрадиган борми?"

Унинг жажжи кизи Шоҳистажон:

- Тоға, аям анови узумларни Сизга сақлаб кўйганлар, - дейди уй шифтига осилган уч-тўрт бош узумни кўрсатиб. - Энди иккаламиз еймиз-а?

Бу гапдан беҳабар синглим ошхонадан келиб, илмоқ билан узумларни туширади. Негадир томоғимга бир нималар тикилиб, ўзимни зўрға тутаман.

Синглим менга ёзилган дастурхонга эҳтиётлаб кўяётган узумлар узум эмас, назаримда, бу - меҳрининг ўзи эди. Мен ҳеч қаердан тополмайдиган меҳрининг ўзи эди бу!

ҚАМОҚҚАЧА БИР ҚАДАМ...

Ўз эрким билан ишлашдан, ҳалолликнинг ҳимоячиси бўлишдан ўзга ўйим йўқ эди. Юрак буйруғим билан иш тутишим мени бир неча бор қокитирди.

Газетамизнинг 1969 йил сентябр сонисидаги "Улама дарахт" сарлавҳали шеър туфайли миллатчи сифатида қамалишимга бир баҳя қолган.

Менинг руҳсатим билан босилган мазкур шеърнинг қисқа мазмуни шуки: қаердадир бир одамнинг касал юрагини олиб, ўрнига бошқа кишининг соғлом юрагини кўйгани, бемор эсон-омон яшаётгани ҳақидаги хабарни ҳайратланиб ҳикоя қилган муаллиф "агар тилим касалликка учраса, унинг ўрнига ўзганим тилини кўядиган бўлсалар, йўқ-йўқ, бундан ўлганим яхши" дейди: "Кучим борича ўз тилим учун курашаман" мазмунидаги аҳдини ошқор этади. Нима учун ўз тили учун курашади? Бу миллатчиликнинг ўзи эмасми? Рус тилига қарши кўтарилган исён бу?!

Чақир-чақир бошланди. Вилоят партия кўмитасининг мафкура бўйича котиби Абдусамад Маҳмудов асабий ҳолатда:

- Москвадан Андропов Тошкентга "Фарғонада нима гап?" деб телефон қилибди. Ҳаммамизни ўлдирдинг, бола, - деди. - Энди ўзингни ўзинг ҳимоя қил! Бугун пайшанба, билдингми, душанба куни бу масала бюрода кўрилади. Қамаб кўйишлари ҳам мумкин.

Титраб кетдим. Учга гўдагим нима бўлади? У ёқда онам ва тўртта укамнинг умиди ҳам мен! Наҳотки пешонамга "халқ душмани", деган қора тамғани босиш ҳаракати кетаётган бўлса?! У ёққа чопдим, бу ёққа чопдим. Ҳеч қаерда нажот ҳам, ҳеч қаерда узатилган меҳрибон кўл ҳам йўқ. Институтизмиз ректори, устоз Ғанижон Абдурахмонов Ўзбекистон Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси бўлиб сайланган эди. Ундан мени ҳимоя қилишларини сўрадим, Ғанижон ака шеърни ўқиб:

- Бунда ҳеч қандай миллатчилик йўқ. Ҳар бир тил ўзни бойитиш ва яшаши учун курашиши керак, - деб таскинлар бердилар, танкидчи адабиётшуносларни чақиртирдилар. Мўйсафид муаллимим Ақромжон Иброҳимов шеърга кўз югуртириб чиқиб:

- Уларнинг ҳадиғи бедодлик-ку, ахир бу оддийгина истак ифодаланган шеър ҳолос-ку, - деб фиғони фалакка кўтарилди. - Расул Ҳамзатовнинг "Юксак юлдузлар" номли китобида она тилига аталган шеър бор. Унинг олдида "Улама дарахт" ҳеч нима эмас.

ҲАМЗАТОВ ҲАМ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ-ГАН БЎЛДИ!

Олимларнинг ижодий хатини, Расул Ҳамзатовнинг китобини кўтариб Абдусамад Маҳмудовга учрадим. У хатга, кейин Расул Ҳамзатовнинг "Она тилимга" деган шеърига кўз югуртириб:

- Шу ерда тур, иккинчига кўрсатаман, - деб шошилганча чиқиб кетди. Иккинчи котиб Александр Фадеевич Гаврилов улуғ шоирнинг шеърини ўқиб, Абдусамад Маҳмудов билан бирга биринчининг олдида киришибди. Абдусамад Маҳмудов хонасига қайтиб:

- Биринчи Расул Ҳамзатовни ҳам муҳокама қилиш керак деяпти, - деди. - Ана, лақма олимларнинг ёзган хати ҳам икки пул. Душанбани кут, кейин мол боқасанми, ер чопасанми, ўзинг биласан. Ҳозир бўшсан!

Тарвузим кўлтигимдан тушиб, бошим қотди. Адҳам Ҳамдамнинг маслаҳати билан нажот истаб, Тошкентга бордим. Хуллас, устоз Комил Яшиндан тортиб то Жуманиёз Жабборовгача учрадим.

- Битта бадий гўрроқ шеър экану шунга шунчами? "Совет Ўзбекистони" газетаси редакцияси жамоасидан ўз фикримизни билдириб хат ёзамиз, - деб Жуманиёз Жабборов кўллариға рўчқа-қоғоз олдилар. У бир-икки сўз ёзганида котиб кириб, партия Марказўмидан келган ходим уни йўқлаётганини билдирди, шундан кейин ўрнидан туриб, бош муҳаррир

хонасига кириб, узоқ туриб қолдилар.

- Йўлдошали, - деди қайтиб чиққан Жуманиёз ака тараддуланиб гапириб, - Сиз Фарғонага бора беринг, хатни ўзимиз жўнатадиган бўлдик.

Ҳаммадан мадад сўз эшитдим. Аммо ҳаммалари ҳам ўз фикрларини ёзиб беришга ботинишмади. "Шарқ юлдузи" журнали редакциясида Носир Фозилов билан дардлашиб ўтирсам устоз Саид Аҳмад келиб қолдилар. Кўзларим ярақлаб кетди.

- Келганингни Адҳам айтди.

- Адҳам ака ҳам келибдими? - деб ховлиқиб сўрадим Саид Аҳмад акадан.

- Йўк, кўнғироқ қилди. Ҳамма гапни эшитдим. Эҳтиёт бўлиш керак. Лекин бир қамалиб келган одам зарар қилмайди. Йигит кишининг бир ўтириб чиққани маъқул. Одам танийди, - деди Саид Аҳмад ака кулиб, - Мана, мен, беш-олти йил ўтириб, кам бўлдим-ми?!

Гапиролмай қолганим, кўзларимдаги мунг чуқурлашганини кўриб, қўлларини елкамга қўйиб:

- Ҳазиллашдим. Нима бўлди сенга ўзи, бунча кўрқасан, сени бошига урадим улар, - деди Саид Аҳмад ака кўнглимни кўтаришга уриниб. - Қайғуришининг ўрнига бир кулсанг-чи, ҳеч ким сендака кўп қаватли қилиб, беғубор кулолмайди. Парво қилма, Шароф Рашидовга ўзим айтиб қўяман, - кейин атрофдагиларга қаради. - Йўлдошали Фарғонада кулса, Тошкентда эшитилади.

"Саид Аҳмаддай улуғ одам ҳазил-хузул қиялптими, демак, қамаб қўйишмайди, - кўнглимга хиёл ёруғлик тушгандек бўлди. - Дарвоқе, Шароф Рашидовга ростдан ҳам айтишармикин? Адҳам Ҳамдам билан телефонда гаплашишибди-ку". Озгина дадиллашдим. Назот истаб, мени кўллаб-қувватлайдиган бирор қозоғга эга бўлиш умидида яна қолган таниш-билишларга учрашишда давом этдим. Шанба куни Фарғонага курук қайтдим. Ўша куни Адҳам Ҳамдам қанақадир тўй қилаётган эдилар. Устозга Саид Аҳмад аканинг "Шароф Рашидовга ўзим айтиб қўяман" деганларини айтдим.

- Бекор айтибди. Ўзи зўрга юрибди-ку! Аралашса, биздан бурун ўзини қамаб қўйишади, - деди Адҳам ака. Кечқурун тўйда Ғанижон Абдурахмонов мени бир чеккага тортиб:

- Илтимос, ҳеч кимга айтманг, ҳалиги хатни бошқача ёзишга мажбур этишди. Барибир, улар айтганича эмас, анча юмшатдим. "Шоирлар билиб-билмай миллатчилик руҳига кирган", деган мазмундаги фикрни билдирдик. Сизнинг шахсингизни ҳимоя қилдик. Ўзингиз ва ижодингиз ҳақида баланд фикрлар баён этдик, - дедилар.

Шу гапни жуда қийналиб гапирганликларини, қўлларидан келганича суяганликларини, энди ўзимни-ўзим ҳимоя қилишим зарурлигини таъкидлаётганликларини ҳис этдим. "Тўғри, бор гапни ҳийла юмшатиб ёзишибди. Бу ҳам катта жасорат. Тошкентдагилар бирор нима ёзиб беролмадилар-ку, - деб ўйладим ичимда. - Пешонамадагини кўраман". Икки мартаб ҳам ёзишга мажбур бўлганликлари учун Ғанижон Абдурахмоновга ўз миннатдорчилигимни изҳор этдим.

ИККИ СОАТЛИК СЎРОК

Бюрогача вилоят КГБсининг оддий югурдагидан тортиб, бошлиғигача нари олиб бориб-бери олиб келди. Бюрода газета раҳбарлари менга ишонганликлари, бадий асарлар билан шуғулланиш менинг зиммамда эканлиги ва ҳоказоларни айтиб, ўзларини ҳимоя қилиш йўлини тутишди. Аслида ҳам шундай: асосий сабабчи менинг ўзим. Айтишларича, сўров

минбариди бир соату қирқ уч дақиқа тик турибман. Мен билан неча марта савол-жавоб ўтказган КГБнинг бошлиғи, бюро азбоси, Пушкаръ деган узун бўй, ранги заҳил, кўзлари қаттиқ одам шеър муаллифи бўлган, Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида яшайдиган Таълат Солиев билан қачондан буён кадрдонлигимни қайта-қайта суриштирган эди. Бюрода ҳам яна бошқалардан илгари:

- Шеър муаллифи билан қандай танишлигинг бор? - деб сўради.

- Уни танимайман, умримда кўрмаганман - дедим. - Шеъри Ўзбекистонда ўтадиган Қирғизистон адабиёти ва санъати кунлари муносабати билан келган.

Муҳокама қизиб турган пайтда Пушкаръ:

- Автор билан охириги марта қачон учрашгансан? - деб яна саволга тутди.

- Уни ҳеч қачон кўрмаганман дедим-ку!

- Кўргансан! - деди у муштани ўйнатиб. - Водийда ёшларнинг яширин миллий ҳаракати борлиги ҳақида маълумотга эгамиз! Шеърни Йўлдош Сулаймоннинг ўзи уюштирган. Уни кўллаб-қувватлайдиганлар йўк эмас. Анави олимлар эса, шоирнинг хавфли давлатини таҳлил этиш ўрнига бу ярамаснинг шахсияти билан ижодини кўкка кўтаришибди. Биз уни ўша саводсиз олимлардан кўра кўпроқ биламиз. Йўлдош Сулаймоннинг боболари бой ва дин арбоблари бўлган. Отасининг амакиси Эрмухаммад Тусмухаммад хожи ўғли Қозоғистоннинг Сайрамида имом бўлган. 1937 йили қўлга олиниб, отиб ташланган. Бу йигит ўша халқ душманларининг думи. Яширин миллий ҳаракатининг ташкилотчиларидан. Ҳақиқий коммунист бўлганда шундай расво шеърнинг босилишига йўл кўярмиди?! 30-йилларда бундайлар сўроқ қилинмасдан отилган. Ўшга хат юбордик. Шеър муаллифи қамокка олинади.

Унинг сўзини қилт этмай тинглашди. Менга кимдир савол берган эди, лабларим титраб, гапиролмай қолдим.

Вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби Фахриддин Шамсуддинов бир пиёла чой кўтариб, ёнимга келди-да:

- Ичинг, кўрқманг, - деди паст овозда. Негадир жуда-жуда йиғлагим келди. "Ё худо, ўзингга аён, ё худо, - дейман яна худога ёлбориб, ичим ёниб, - бу одамнинг менга раҳми келяпти. Лекин кўнглидагини очик айтолмайди, ҳимоя қилолмайди. Чиндан ҳам қамаб қўйишармикин? Орзу, Орзужон, - деб ёстиқдошимни, яна 1-6 ёш орасидаги болаларимни ўйлаб, кўзларим ёшга тўлди. - Адибажон, Рустамбек, Ҳамдамбек, ҳали ҳеч нимага ақли етмайдиган гўдакларим, билинглар, гуноҳсизман, халқ душмани эмасман!"

Вилоят партия кўмитасининг саноат ва қурилиш бўйича котиби, дадил сўз, мулоҳазали Воҳид Содиков менинг китобларимни берилиб ўқиганини гапириб, ёшлигимни ҳисобга олишни сўради. Ўша вақтда шундай сўз айтишга у қандай жасорат этди? Ишқилиб, энди унга ёпишиб қолишмаса эди. Хушёр тортидим. Ундай дейилди-бундай дейилди ва охири мени партия сафидан ўчириш ва ишдан ҳайдаш масаласини кўришни бошланғич партия ташкилоти йиғилиши муҳокамасига қолдирилди.

Вилоят партия кўмитаси котиби, бўлим мудирлари, КГБ ходимлари иштирокида ўтган умумий йиғилишда:

- Майли, мени отиб ташланглар, аммо партия сафида қолдиринглар, болаларим бутун умр таъкибда яшаганидан ўлганим яхши, - деб жамоат орасида йиғлаб юбордим.



Йиғилиш тўрт ярим соатга яқин чўзилди. Ҳисоб дафтарчамага ёзилыш шарты билан қатъий оғохлантыриш берилди. Ишдан олиндим. Агар бир йил ичида ўзимни оқлолмасам партия сафидан ўз-ўзидан ўчирилишимни таъкидлашди, буни йиғилиш қарорига киритишди.

КАЛЛАСИ ЙЎҚ... РАҲБАРЛАР

Озодликка бутунлай чиққанимга, мудхиш хаёллар таъкибидан қўтилганимга гоҳ ишониб-гоҳ ишонмас эдим. Ўша куни кечаси 1-2 орасида Орзухон:

- Хўжайин-хўжайин, - деб уйғотди. - Ёстигингиз ичига ё девонга илон-пилон кириб қолган шекилли.

- Йўғ-е!

- Роса чийиллади, - деди у яна.

- Қани, жим-жит-ку!

- Уйғонишингиз билан тинчиб қолди.

Иккаламиз ёстикни ағдардик, кўрпани бир бошдан гижимлаб чиқдик. Йўқ.

- Хаёлингизда шундай бўлгандир, - деб қўйдим, чироқни ўчириб ёстикка бош қўйдим. Мендан бурун Орзухон уйқуга кетди. Кўзим энди илинганда ёстикдошим яна уйғотди.

- Чийиллапти. Девоннинг ичидамикин?

Диваннинг у ер-бу ерини қайчилаб, ичини ағдартўнтар қилдик. Топилмади. Орзухон ўзича, мен ўзимча ҳайрон. Анчагача у ёқ-бу ёққа ағаниб, ухлаш пайида бўлдим. Орзухон туртди.

- Янами, - дедим аччиқланиб, - нима бўлди ўзи сенга?

- Ғалати овоз қўлоғингизнинг ичидан келаяпти, бирор нима кириб қолганга ўхшайди, - деди у, - сезмаяпсизми?

Кўрсаткич бармоғини қулоққа олиб бориб, роса силқитдим. Чиндан ҳам бирор нима борга ўхшайди. Соат тунги тўртлардан ўтиб қолган бўлса-да, Фарғонанинг қулоқ ва бурун касалликлари бўйича таниқли шифокори Ўринбой Баҳромовга ҳовлиқиб телефон қилдим. У узок йиллар кадрдоним бўлгани учун "ҳозир етиб бораман" дейди, деб ўйлаган эдим.

- Эрталаб касалхонага келинг, - деди у уйқусираган ҳолатда.

"Хавфли бўлмаса керак, - деб ўйладим. - Бепарво-ку". Кейин ухлолмадим. Касалхонага тонг ёруғи билан кириб бордим. Докторни эшик тагида узок кутдим. Ўринбой қўлоғимни аллақандай аппаратга солиб кўриб, жиддий қараб:

- Қўлоғингизга аввал сичкон, орқасидан мушук кириб кетибди, - деди. Мен ҳазиллашаётганини хаёлимга келтирмай, сўзининг давомини кутдим.

- Ҳазил, - деди у қулиб, - бу чийиллаш асабингиз бузилганидан...

Қўлоғимнинг чийиллашини ўзим-ку эшитмас эдим, оиламдагилар эса, кўникиб қолишди.

Мени Тошкентдан илҳаклик билан қузатган устоз Жуманиёз акам дўстим Охунжон Ҳаким кейин телефонда қайфиятимни суриштириб, ҳамма балоқазо ўтиб кетганини эслатиб, бояғидай баланд кулглар билан юришимни тайинлашди.

Миразиз Аъзам ғаразли сиёсатдонларни, ўзимизнинг хушомадгўйларни сўқиб хат ёзиб, мени дадил бўлишга ундади. Устоз Уйғун ака менга ноҳақ жазо кўрганликларини республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтидаги учрашувда танқид қилганликларини эшитдим. Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Туроб Тўла, Раҳмат Файзий, Носир Фозилов, Ўктам Усмонов, Сафар Барно, Анвар Эшон, Мухсин Олимов сим қоқиб, кўнгил сўрашди. Ўша вақтда Бувайда ва Бешарик тумани партия кўмитасининг биринчи котиблари Мақсудали Ҳайдаров, Усмоножон Бег-

матов, Фарғона шаҳар ижрокўмининг раиси Султонхон Тиллаҳўжаев, вилоят кинолаштириш идорасининг раҳбари Ҳамиджон Кавланов, устоз Воғиз Музаффаров, Ақром Қамбаров, тенгдош дўстларим Мирзажон Исломов, Маҳмуджон Абдуллаев, Алимардон Абдулҳамидов, Раҳимжон Шоназаров ва бошқа олиму раҳбар бўлган яқинларим ўзимни ўнглаб олишимга чиндан ҳам дадда бўлишди. Ўзбекистон тумани партия кўмитасининг биринчи котиби Алижон Пайғамов телефон қилиб, қишлоғимга қачон боришимни сўрадилар. Бу донишманд, меҳру оқибатли, толмас инсон билан дам олиш куни ўзим улғайган қишлоқда, қолхоз идорасида, холи хонага тузатилган дастурхон устида учрашдик. Иккаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Раис ҳар замонда у-будан хабар олиб туради.

- Раҳбарларнинг калласи йўқ. Ҳаммаси бир-биридан кўрқади. Уларнинг бу пўписаларидан чўчиб, ўз эътиқодингизни йўқотиб қўйманг, - деди Алижон ака жиддий нигоҳ ташлаб. - Хрущёвнинг вақти ҳам бир нави эди. Яна илгариги ҳолатига қайтапти. Ўшаларнинг йўриғига пионер бўлиб, қўлингизни чакканга қўйиб, эшитаётганингизни изҳор қилмасанг, ишлаш ҳам, яшаш ҳам қийин!

Унинг гапларини чўчиброк эшитдим. Биламан, ҳамманинг дилида айтиб бўлмайдиган ҳасрати бор. Аммо мана бу "мазза қилиб яшаб юрган" партия раҳбари юрагини ёзптимми ёки мени синаяптимми?

- Сизнинг ҳақгўйлигингизга, ўртадаги суҳбат шу ерда қолишига ишонаман. Раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам шоду хуррам эмас. Миллий гурурнинг поймол этилаётганлигидан, ўзгаларнинг ноғорасига мажбур ўйнаётганидан юраги эзилганлар ҳам топилади. Сизга маслаҳатим, ўзингизни оловга ташламанг, аммо хушомадгўй ва кўрқоқ ақл юрагингизни бутунлай яралаб қўймасин. Қалам олганда қўлоғингиз оёғингиз остидаги тупроқ садосида бўлсин!

Алижон Пайғамов шундай сўзлар айтиши мумкинлигини илгари хаёлимга сиғдира олмас эдим. Ҳамма ҳам "урра-урра" билан яшамаётганини, не-не диллар қаърида исён кўтаролмай бекинган мунгли туйғулар борлигини, ўзим эса осмонда юрганымни, илҳомни баланд парвоз қизил гаплардан қидирганимни сезишим бошланди. СССР конституциясида ёзиб қўйилган, оғиз кўпиртириб таъкидланадиган ўша озодлик, тенглик қани? Сўз эркинлиги қани? Нега алдашди, нима учун алдашди? Тобелигимизга бундан ортиқ яна қандай далил керак?! Саволимнинг ҳам, умидсиз хаёлимнинг ҳам охири йўқдай. Айбисиз айбдорлигим алами, бунинг устига кечирим сўраганларим, бундай хатога бошқа йўл қўймасликка, она тилим ҳақида ўйламасликка сўз бериб, ўзимни сақлаб қолганим, кимларнингдир менга "раҳмим келмаганда очикликда юриш сенга қаерда эди" дегандай қарашлари, совуқ муомилалари борган сари асабимни қақшатиб, кимдан ўч олишимни, кимга йиғлаб, юрагимни қандай бўшатиб олишни билмасдим. Устозларим, муаллимларим, раҳбарлар ўзлари баланд овозда айтаётган гапларига ўзлари ишонишадими?! СССРда миллатлар тенг ҳуқуқлими, озодми, ўз эркимиз ўзимизнинг қўлимиздами, виждон эътиқодимиз ихтиёрийми?! Сўзимиз эркинми?! Қоғозда бўлак, амалда акси! Қандай юзсизлик, қандай қабиҳлик эди бу?! Лаънат бундай сохта тенгликка, бундай сохта эркинликка?! Ичимдаги аланга пасайиш ўрнига кўтарилиб борди. Ёлғонлар, ёлғонлар, ёлғонлар! Наҳотки, ана шу ёлғонлар ичида яшапман?!

СОҲИБҚИРОНГА ТАЗАРРУ

Худди ўша кунлари Самарқанд сафарида бўлиш насиб этиб, кўпчилик билан "Тўри амир"га кирга-

нимда:

- Мана бу соҳибкироннинг қабрлари, - деб кўрсатишганда ўзимни туюлмадим. Ҳамроҳларим йиғини ҳар хил мазмунга йўйишди. Улар нима деб кулишса, кулишди. Лекин мен сабабини айтолмадим. Айтсам - шу ернинг ўзида масалам ҳал бўлади, Фарғонага ҳам қайтолмайман, хоинга айланаман қоламан. Кўйиб беришса, ё ҳеч ким бўлмаса, улуғ бобомиз бошида туриб, фарёд кўтарсам! Юракни ёзишга илож тополмадим.

Яқинда улуғ устоз Абдурауф Фитратнинг асарларини варақлаб, унинг "Темур сағанаси олдида" деган кечинмасига кўзим тушиб, ўрнимдан беихтиёр туриб кетдим.

"...Бағрим ёник, юзим қора, кўнглим синик, бўйим букук. Сенинг зиёратингга келдим, султоним! Эзилган бошим, кесилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, ҳоқоним!

Юз йиллардан бери жафо кўриб ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларини этакларингга тўқарга келдим!

Қоронгулар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун Тупроғингдан сурма олгали келдим!...

Эй арслонлар арслони! Меним ёзуқларимдан ўт!.. Кўлимдан тут, белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер!

Сенинг дунёда сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуглигини қайтармасдан бурун оёқдан ўтирмасман".

Худди менинг ичимдаги ғусса, алам-ку! Бу нидони ўқиб, шўро замони, ўша мудҳиш кунларим ёдимга тушиб қалтираб кетдим. Ўша вақтда бу ҳасратномани ўқиш тугул ҳатто Абдурауф Фитратдай бобомизнинг номини эшитмаган эдим. Уни билганимда, бу ёзганини йиглаб, ёдлаб, ундан куч олганимда, ўттиз уч ёшлиқ кирчиллама пайтимда қон босими касалига йўлиқмаган бўлар эдим.

Ўшанда бир ярим йилдан кейин ҳисоб дафтарчамга эзилган қаттиқ огоҳлантириш олиб ташланди. Ишга бўлим мудир эмас, катта адабий ходим бўлиб қайта тикландим. Қулоғимнинг чийиллаши эса икки йил ўтгандан кейин тийилди. Шунча хунрезликдан кейин ҳам эҳтиёткор бўлолмадим. Заҳонасозликка идроким етмаганиданми - аниқ айтолмайман, бошимда яна бир неча бор қалтак синди. Туртиниш-суртинишлар вақтимни бадиий ижодга қаттиқроқ боғлади. Хотиржам кунларимдаги офтобларимни булутли онларда тополмаганимда ўнлаб шеър битиб, дил ёздим. Ҳозир ўшалардан бирини эслайман:

*Дардим сигмас дунёга,
Сигмай қолдим ўзим ҳам.
Ҳаёлимда бир-бирини
Алдар икки кўзим ҳам.
Ким дўстиму ким душман
Била олмай мен ҳалак.
Иккиси ҳам ширин сўз,
Тушинтир ўзинг, фалак.
Онанинг оқ сунгани
Кимдир ўлчар пул билан,
Кимдир кимга чоғ қазар
Қўлидаги гул билан.
Кўзингни оч, эй, Йўлдош,
Юрак ўтсиз бўлмасин,
Куйга тўлдир дунёни
Одамийлик ўлмасин!*

Аммо бу шеърни яна бирорта ғаламиснинг (яширинча гап пойлайдиган кўп эди ўшанда) қўлига тушишидан ҳадиксираб, кимгадир кўрсатишга, кимгадир ўқиб беришга ботинмадим, рости кўрқиб, уни

яширдим. Яқин йигирма йилдан кейин ошқора сўз айтиш кизиган пайтда уни чоп эттирдим. Уни ўша вақтдаёқ дардли оҳанглар булбули бўлган Охунжон Мадалиев баланд овоз билан айтди.

ОДАМ БЎЛОЛДИММИ?

Ўйлаганда ҳам, куйлаганда ҳам одамийлик дафтарини варақлашга уриндим. Болаларга бағишланган "Раҳима-чи, ваҳимачи", "Мен отамни ўйласам", "Мен - биринчи муаллим", "Ҳозир ёшим олтида", "Қуёшли кун", "Хиротга саяҳат" номи шеърини тўпламларим, "Сен - менинг куёғимсан", "Боболар қалби", "Боқий умр" ва бошқа очерк китобларим, "Авлюдлар", "Муҳаббат", "Жалада қолган гул" каби қиссаларим чоп этилди. "Дардим сигмас дунёга", "Шахризод бўл бир кеча", "Фарғонанинг қулиман" номи билан чиққан шеърини китобларимнинг асосини ишқий оҳанглар ташкил этади. "Субҳидам" ва "Вафо" романларим икки мартадан нашр қилинди.

Кучим етганича, имконим борича тиришиб, ўспиринликдан кўзимни чақнатган баландликка интилдим. Унинг қаеригача чикдим? Айтолмайман! Аммо мени умидли санаб, қўлларимдан туган биринчи устозим Аҳмаджон Олим, Адҳам Ҳамдам, Абдулла Мирзаев, Воғиз Музаффаров, кейинча Қуддус Муҳаммадий, Илёс Муслим, Қудрат Ҳикмат самимияти ёдимдан ҳеч-ҳеч кўтарилмайди. Ойбек, Ғофур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Шайхзода, Миртемир билан неча бор бир дастурхонда ўтирганим юрагим ичидаги чўғдир.

Каттага катта, кичикка кичик устоз Саид Аҳмадчи? Илк очеркларимни ўқиб:

- Одам бўладиган сиёғинг бор. Кўнглинг худди Фарғона ҳавосининг, тўғриси, Шохимардон ҳавосининг ўзи! Беғубор кўнглингни соғиниб келдим, - деб ўз шахсий машинасига ўтиргизиб Фарғона водийси бўйлаб неча-неча бор айлантирган, танимаганларга танитган бу бетақрор адиб ҳақидаги эсдаликларим назаримда катта китоб бўлади.

"Субҳидам", "Вафо" романларимни эринмай ўқиган, кўзларимни мошдай очган маслаҳатлари билан мени катта йўлга олиб чиққан Ҳамид Ғулом, Мирмуҳмин, Носир Фозилов, Ҳайдарали Ниёзов, Лазиз Қаюмов, Абдулазал Ваҳобов саховотидан қандай баҳраманд бўлганимни изҳор этиш шогирдлик бурчимдир. Мени ўз ўғилларидай яқин туган Уйғун ва Комил Яшиннинг китобларимга ёзган сўз бошлари менинг учун энг азиз ёдгорликлар эмасми? Дунёга машҳур Одил Ёқубовни ўйлаганимда беихтиёр ҳаяжонланаман. Ўзимни Одил Ёқубов яратган мактабнинг талабаси ҳисоблаганим баъзан баланд дорга осиш бўлиб туйилади.

Хорижга кам чиққаним - энг катта нуқсонларимдан бири. Фарғона кўйнида туриб, яна уни соғинаман. 1968 йили май ойида Чехословакия, Венгрияда бўлдим. Қандай гўзалликка рўпарў келсам, кўз олдидан аввал Фарғона ўтади. "Шарқ юлдузи" журналида чоп этилган мазкур сафар таассуротини ота тупроққа хитобан "Сенсиз яшолмадим" деб номлаганман. 1988 йили Афғонистонга борганимда биринчи куннинг ўзида Фарғонани соғиниб, Мозори Шаифда шундай ёзган эдим:

*Дунё кўриш аҳд-орзусида,
Гоҳ пиёда, гоҳ эса сувда -
Ўзга юртага қадамлар қўйдик,
Илк кунданоқ шу ҳисни туйдик:
Бирдан маънос уйга ботамиз,
Фарғонага қачон қайтамиз?!
Ҳаволари жуда ҳам ширин,
Наволари жуда ҳам ширин.*



Тингланг, дилим исёнин сирин:
 Мақтовини роса айтаман,
 Фарғонага қачон қайтаманиз?!
 Лондондами ёки Парижда,
 Майли кутсин бизни минг мужда,
 Эй, барибир номи хориж-да,
 Яшаб бўлмас унда бир умр!
 Фарғонажон - кўзимдаги нур,
 Битта сўзни такрор айтаманиз:
 Фарғонага қачон қайтаманиз?!

Фарғона - менинг жоним, хону моним, борим-йўғим, менинг муҳаббатим, отам, онам, жигарбандим, укаларим. Уни минг ранг, минг оҳангда куйлаш бағрида ёнаману бошқаларни ёндира олмай қийналаман. Ёндираман, албатта ёндираман! Ана шундай умид билан яшайман.

1991 йилнинг 1 сентябрида ҳамма кўчани тўлдириб, бир-бирини қутлаган, яйраган, яшнаган бўлса, менинг хурсандчиликни йиғи билин изҳор этганим, дардимнинг йиғи билан чиқиб кетгани, парвардигорнинг марҳаматига шукрона айтиб, Худога билганимча, ҳамд ўкиганим, эй, илхомининг энг тўлган, энг қайнок онлари, ҳамшиша Сиздан куч оламан! Фарғона бағрида эркаланиб, энгикиб-энгикиб кезар эканман, ҳамшаҳарларимни, ҳар бир кўчани, дарахтларни, чулдирган ариқчаларни, хиёбонларни, йўл кирғокларидати гулларни кўзларим билан сийпалаб ардоқлайман!

Бу ҳис-туйғуларимни "Кўконнома", "Марғилоннома", "Гулнома", "Фарғонаннома" касидаларимда, "Онажоним Фарғона, онажоним", "Уйқудаги гўзал", "Хўконди латиф", "Тоғлар оҳусининг кўшиги" сингари юзлаб очерк ва лавҳаларимда ифода этишга ҳаракат қилганман. Умримнинг сўнги ўн йилида бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими котиби, маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари, атамалар ҳайати раиси ҳаж ва умра ҳайати раиси, яна қатор жамоат ишларини кучим етганича бажардим. Кучим етганичами? Орзуларим ушадими? Уйга ботаман. Дадам нима деган эдилар.

Ҳа, ўшанда ўн икки-ўн уч ёшларда эдим. Ёзда ҳар куни икки пакирдан ўрик кўтариб, бозорга бир маҳал, баъзан икки маҳал қатнар эдим. Қайтишда ёғоч бозоридан ўтишингиз билан йўлнинг икки қирғоғида дарахтзор бошланар эди. Одатдагидай ўз хаёлим билан хиргойи қилибми, ёдлаган шеърларни пичирлабми айтиб, тебраниб, у ёққа ташланиб-бу ёққа ташланиб келаётсам, қулоғимга кимнингдир овози эшитилди. Бундай қарасам сарғиш туя шундоқ теямга келиб қолибди. Орқасида яна битта туя бор. Ўзимни чеккага олдим. Туяқашларнинг иккаласи ҳам оппоқ соқолли, оппоқ саллали. Улар менга савол беришдики ё ўзаро гаплашишдики - англолмадим. Олдингиси кейингисига қайрилиб:

- Бу бола катта оқин бўлади, - деганларини эшитдим. "Оқин" дегани нима? Ўйлаб-ўйлаб, уни яхшиликка йўйдим. Ўша онда ёнимга қарасам улар йўқ. У ёқ-бу ёққа алангладим. Бир пасда қаёққа гоийб бўлишди. Кўзларимга гоҳ ишониб-гоҳ ишонмай, уйимизга келиб бувимга айтдим.

- Ҳизр бувамизни кўрибсан, ўғлим, - бувим суюниб кетишди. Бу воқеани эшитган дадам бувимнинг гапларини тасдиқлашди.

- Шоири оқин ҳам дейишади, - дедилар дадам, - худо хоҳласа ўғлимиз катта шоир бўлар экан! Боболарнинг руҳи унга мадақкор бўлади. Бу ёғи энди ўзига боғлиқ!

Дадам билан бувимнинг ана шу умидлари менга ҳамшиша куч бўлди. Ўша ишқ билан халоллик ва муҳаббат либосини устидан ечмай, ҳеч кимга оғирлигини туширмай уриниб-уриниб, шу ергача келдим. Аммо

мақсадга етолмадим. Катта шоир, катта адиб бўлиш кўлимдан келмади. Хузур-ҳаловат ичида ўралашиб қолдимми, ўйинқароқлигим йўлдан адаштирдими, ё ўзимга, ўзим эртароқ махлиё бўлиб, вақтни йўқотдимми?! Мени ҳамшиша ўзига имлаб турадиган чўкки этагида ўралашиб қолдимми? Наҳотки, энди кеч?! Ўзимни нима билан юпатаман? Ўша баландликдан анча қуйида турган бўлсам-да, худо менга бир таскин ато этди. 1996 йилнинг январ ойидан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб, ҳар куни ишга ҳаяжон билан бораман, ҳар куни Ўзбекистоннинг энг улуғ кишилари Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, Эркин Воҳидов, Носир Фозилов, Пиримқул Қодиров, Ўткир Хошимов, Мирмуҳсин, Шукрулло, Озод Шарафиддинов, Эркин Самандар, Худойберди Тўхтабоев, Нормурод Нарзуллаев, Икром Отамурод, Азим Суён, Шойим Бўтаев, Хайридин Султон, Тохир Малик, Хуршид Даврон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Анвар Обиджон, Сафар Барно, Абдували Кутбиддин, Турсунбой Адашбоев, Йўлдош Ёшбек, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин, Турсуной, Иброҳим Ғофуров, Кутлибека, Мухтарам, Дадахон Нурий, Ҳожиакбар Шайхов, Омон Мухтор, Ғаффор Хотам, Аббос Саид, Шодиқул Ҳамро, Нурилло Отаҳон, Эркин Усмон, Набижон Боқий, Фарид, Шарифа Салимова, Гулчехралар, Халималар, Зулфиялар билан мулоқотда бўлам. Жаҳоншумул ёзувчи Чингиз Айтматов билан бир неча марта ёнма-ён, рўпарама-рўпара суҳбатлашганларим, Қорақалпоқ адибларининг раҳбари, беназир Тўлапбергелар Қайбергелар билан туғишгандай яқин ака-укалигим, қозоқ Мухтор Шаҳанов билан кадронлигим, яна номи дунёга ёйилган ёзувчи ва шоирлар даврасида тез-тез бўлиб туришим, булар - шунчаки айтадиган сўзми?

Адабиётимиз эртасининг буюклигидан хабар бериб турган Икбол Мирзо, Салим Ашур, Исажон Султон, Наби Жалолидин, Зебо Мирзаева, Ислоҳ Ҳамро, Минхожиддин Мирзо, Қаноат, Абдувоҳид Хайит, Гуландом, Мухтасар ва яна қанчалар хонамга кириб келишади. Ахир уларни ҳаяжонсиз қуиб бўладими? Бу устозларимнинг, бу тенгдошларимнинг, бу укаларимнинг ҳар бири ўша мен интилган чўкки-ку, ҳар бири халқимнинг қалби-ку! Фарғонажонимдан ўзимнинг Матлубам, Баҳодирим, Алишерим, Муҳаббатим, Маъмурам, Дилоромим, Маҳфузам, Анварим, Исмоилим, Мўминим, Фатхиддиним, Ҳабибим ва бошқалар мендан улуғ бўла туриб, кичик кўнгиллигу меҳру жонсарақлик билан гоҳ хат, гоҳ телефон орқали аҳволимни сўрашади. Фарғонанинг беназир шоири, дўстим Охунжон Ҳаким ҳақида ёзган китобим унинг меҳру оқибатига жавобимдир.

Баъзан юзма-юз, кўпинча сим орқали Самарқанддан Ҳосиятнинг, Уйғун Рўзиевнинг, Термиздан Шафоат Раҳматилло билан Намоз Эргашнинг, Хоразмдан Ошиқнинг, Бухородан Тошпўлатнинг, Қаршидан Исмоил Тўхтамишевнинг, Шарофат Ашурованинг, Андижондан Тўлан Низомнинг, Қамчибекнинг, Фариднинг ва Мухтор Умархўжанинг, Намангандан Ҳабиб Саъдулла, Эрмат, Абдулла Жалилнинг овозини эшитаман, Улуғ Абдулла Орипов билан эса ҳар куни неча бор учрашаман, маслаҳатлашаман, дардлашаман. Унинг янги ўлмас асарлари қандай ёзилаётганига шўҳидман. Бу бахтга яраша ишляпманми-йўқми, фақат шундан хижолат бўлиб, хушёр торгаман. Мен ана шундай одамлар орасида яшайман. Хизматларини югуриб-югуриб бажаргим келади. Ўзимни ана шу пирларимнинг қули эканимни катта йиғинларда бахтиёрлик билан эълон қилганман.

Дилим ичида ҳайкирик исён кўтаради:

- Эй, яхши одамлар, унутманглар, мен Сизнинг кулингизман!

1999 йил.

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЭНИБ ЯШАШ КЕРАК!****Муассислар:**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг
"Камолот" жамғармаси

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Алланазар АБДИЕВ
Ўрол АБИЛОВ
Келдиёр ИСРОИЛОВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАХМУДОВ
Нурмат ОТАБЕКОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Қобил СОЛИХОВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
ШУКРУЛЛО
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:
Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:
Хотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КЎЧИМОВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муҳаммад ЮСУФ
Собир ЎНАР
Ғаффор ХОТАМОВ
Шодикул ҲАМРОЕВ
Луқмон БЎРИХОН

Ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали
1982 йилдан чиқа бошлаган .

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг
компьютер марказида саҳифаланди.
Саҳифаловчи:
Саодат ТЎЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 6 (170) 1999 й.

Муқовамизда:

1-4-бетлар. Зоминда бўлиб ўтган ижодкор
ёшларнинг анъанавий семинар-
кенгашидан лавҳалар.
3-бет. Устоз адиб Йўлдош СУЛАЙМОН
(А.Жумаев фотолари)

ЗОМИНДА КЎЗ ОЧГАН БУЛОҚЛАР

Усмон КЎЧҚОР. Адабий сабоқлар 1
Маяғўзал ЧОРИЕВА. Хикоялар. 2
Латофат НЕЪМАТ. Соғинч 4
Бахтиёр ОЛЛОМУРОД. Манзара 4
Дилрабо ЙЎЛДОШЕВА. Хикоялар. 5
ШАМСИЯ. Менинг икки дунём
унутилмаган 9
ГЎЗАЛ БЕГИМ Осмонимга осгин ўзимни 7
НАСР
Тўхтамурод РУСТАМ. Капалаклар ўйини.
Роман 10

НАЗМ

Икром ИСКАНДАР. Термуламан -
нигоҳларим семирар... 23
Мирпўлат МИРЗО. Ватан, исминг ёд этсам 25

ТАРИХ

Нуриддин МУСАЕВ. Ўзи енгил, иши
оғир... 24

АДАБИЙ САБОҚЛАР

Бойназар ЙЎЛДОШЕВ. Эҳтиросли
МУШОҲАДАЛАР 27

ОЛИС-ЯКИН ОВОЗЛАР

Шавкат ОМОНОВ. Ўтган кунларинг
ҳеч зое кетмайди 31

НЕВАРАКУЛЧА

Ғайратжон ҚУРБОНОВ. Турналар 31

АСАР. ДАВР. ТАЛҚИН

Санжар СОДИҚ. Улкан маҳорат самараси 32

ТАРЖИМА

Зилола ХУДОЙБЕРГАНОВА. Ҳар сўзнинг
ўз ўрни бор 37

1999 ЙИЛ - АЁЛЛАР ЙИЛИ

Муҳаммаджон ЎРМОНОВ. Юрт сўраган
аёллар 30

УМР БАЁНИ

Йўлдош СУЛАЙМОН. Мен сизнинг
қулингизман 38

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаб
Неру, 1-уй Телефон: 133-40-83, 133-44-73

Босишга 26.10.1999 йилда руҳсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи
12,2. Нашриёт ҳисоб тобоғи 12,0 Буюртма №

Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан
олинди деб изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-
матбаа концернининг босмаҳонаси, Тошкент,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.